


2 496
ГУЛИСТОН
4
1983




918
M



ЛЕНИН ҲАМИША ДИЛИМИЗДА



УЧ МАРТА МЕХНАТ ШУХРАТИ ОРДЕНИ КАВАЛЕРИ



Муҳаммадҷон Қўқоров колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги, пахта ҳосилдорлигини оширишдаги катта ютуқлари учун юксак мукофотга сазовор бўлди. У кўп йиллардан бери пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб келмоқда ва у бошлиқ катта хонадоннинг ҳамма аъзолари пахта даласида меҳнат қилмоқдалар.

Ш. Р. РАШИДОВ.

КИШЛОҚ халқидек янгиликка ўчи бўлмаса керак. Кимнингдир оиласида чақалоқнинг «ингачи» эшитилса, бу хабар шу заҳоти атроф-теваракка тарқалади. Кимникига қаердан қандай меҳмон келгани ҳам дарҳол маълум бўлиб қўя қолади. Механизаторнинг бугун мукофотга олган машинасининг ранги қанақадан тортиб, кимнинг қўйи эгиз туққангача ҳамма бирпасда огоҳ.

Газетада босилган Фармон ҳақидаги илк хабар ҳам тез тарқалди. Сўнгги янгилик қишлоқ чеккасидаги ферма чорвадорларига, танаффус вақтида мактаб талабаларигача бориб етди.

— Қандини урсин, биринчи даражали орденини ҳам олибди.

— Тракторчининг ўғли эмасми, механизация нималигини кўрсатиб қўйди.

— Бригадирликка тайинланиши ҳам хўп қизиқ бўлган-да.

— Сиз уни айтасиз, экин майдонларини яхлитлаштиришдаги жазми-чи азаматнинг.

— Ери ер бўлиб, бунақа ҳосилни кўрмаганди ўзим.

...Муҳаммадҷон — қатор йиллар мобайнида пахтачиликда соврин олиб юрган доврўқли бригадир. Аввал табелчи бўлиб ишларди. Қорамғиздан келган буйдоргина йигит далада ишлаётганларнинг меҳнат ҳиссасини ҳисоб-китоб қилиб юрар, идорадагиларнинг топшириқларини вақтида, аниқ бажарар, бировага қаттиқ-қуруқ ҳам гапирмас эди. Ҳамма унинг табиятидаги камсукумлик, босиқ-вазминлик, зарур нарсани жуъли қилиб айтиб қўя қолиши каби хислатларини эъзозларди. Кутилмаганда юз берган воқеа ҳақида ҳали-ҳали гапириб юришарди.

Узидан сўрасангиз қисқагина қилиб:

— Шундай бўлганди-да. Жонимдан ўтиб кетди. Қачонгача баракасиз рақамларни олиб-қўшиб юр-ман,— деб қўя қолади.

Табелчиликдан зериккандир, дерсиз. Йўқ, унчалик эмас. Ҳарбий хизматини адо этиб келган жанговар йигитни ўйлаб-ўйлаб ахир қолоқ бригадага табелчиликка тайинлашди. Ерга урса кўкка сакрайдиган зуваласи пишиқ Муҳаммадҷон иш давомида бригада фаолияти билан обдон танишди. Бригадани қоқоқликдан чиқариш ҳақида ўйлади. Имкониётларини чамалаб кўрди. Ҳисобдон эмасми, «шундай-шундай» қилинса ердан фойдаланиш яхшиланади, деҳқоннинг олимси ортиб, пахта берими кўпаяди», дея бир-икки бор бригадирга айтди. Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган бригадир бутунлай қоқоқлик ботқоғида қолиб кетишга рози-ю, нимабни айтилган маслаҳатларни кўнгилга яқин олмади ҳам. Одамларни ўйламайдиган, бировнинг фойдали мулоҳазасини ўзига қаттиқ оладиган бригадирнинг тақдир тез кунда ҳал бўлди.

Эрта баҳор кунларининг бирида Муҳаммадҷон 47 бўлтакка бўлиниб ётган ерлардан жилла кўрса озгинасини йириклаштиришнинг нафани айтиб қолса борми, бўлди жанжал. Таклифга тескари қарайдиган бригадир:

— Ҳўтингни қоқиб, борини ҳисоблаб, дўппингни яримта қилиб юравермайсанми,— деб юборди қўлини паҳса қилиб.

Табелчиси эса дўппинини яримта қилиб юраверадиганлардан эмасди. Бригада ҳисобдаги бўлтак-бўлтак ерлар шунча кўп эдики, бу майдонларга механизаторларнинг киришга тоқати қолмаганди. Сатхи 40—50 сотихдан ошмайдиган ерларда механизациянинг қувватидан тўла фойдаланиб бўлармиди. Ҳосилдорлигини эса бундай аҳволда асло кўтариб бўлмасди.

Муҳаммадҷон ўзини қанча оғирликка олмасин, бригадир унинг маслаҳатларини инobatга олавермади. Иш шу даражага бориб етдики, табелчи бригадирни раис олдига сургандек олиб чиқишга мажбур бўлди. Воқеадан хабар топган колхоз раиси Абдурасул Юнусов Муҳаммадҷоннинг авзо-йига боқди. Йигитнинг қақнаб турган кўзлари, масалани кўйишдаги қатъиятига тўла қаноат ҳосил қилди. Кечқурунга бориб, колхоз правленийеси Муҳаммадҷонни шу бригадага бошлиқ қилиб тайинлагани бутун қишлоққа маълум бўлди.

— Ниятим бу эмасди, раис бува,— деди Муҳаммадҷон эътирозли оҳангда раисга юзланиб. — Бригадирим билан масала таллашиб, ўрнини эгалла-

моқчи эмасдим. Ҳали ҳам кеч эмас, масалани бошқача ҳал қилиш керак, деб ҳисоблайман.

Кўпни кўрган, ҳамқишлоқларининг фикри ва ниятини бир қарашдаёқ пайкаб оладиган, кимнинг нимага қодирлигини чамалашда кам янгилашадиган раис қатъий жавоб қилди: «Колхоз правленийеси қарорини бузиб бўлмайдди, укам. Энди аравани биргаллашиб тортамиз». Идора биносидан чиққанда эса уни ҳамма янги лавозим билан табриқларди.

Армия таълимини олган йигитнинг ўз қобилиятини кўрсатадиган пайт келганди. Ахир у ота узидан бориб, тракторчиликни ўрганди. Деҳқончилик касбининг паст-баландини аниқ чамалашга одатланди. Мана энди бригадирликни унга ишониб топширарди. Ишни нимадан бошлаш керак? Муҳаммадҷон — янги колхоз тузила бошлаган даврларда номи Фарғона водийсига ёйилган Қўқоровой тракторчининг ўғли. У отасига торди — механизаторлиқни эгаллаб олди. Қишлоқда биринчи «Фардон» тракторини миниб далага чиққан Кўчқоровой отанинг ўғли замонавий тракторларни минишга қодир.

Муҳаммадҷон ишни жанжал чиққан жойидан бошлади. Ерларни йириклаштириш, марзаларни экин майдонларига қўшиб юбориш, бўлтак-бўлтак, сербурчак майдонларни трактор айланедиган қилиб кенгайтиришга бош-қош бўлди. Келгуси йил кишу баҳорида ҳам шундай тадбирлар билан машғул бўлди.

Натижа деган нарса шундай серқирра ва мўжизакор нарсаки, у дарҳол кўзга ялт-юлт этиб ташлана қолмади. Бригадирликни олишга олиб қўйиб, сурункасига икки йил совринсиз ўринларда юрди — план бажарилмади, ҳосилнинг қўғи кам бўлди. Қилинган ишларнинг самараси фақат учинчи йили кўзга ташлана бошлади. Ҳамқишлоқлари унинг ишга қаттиқ киришганига суюнишар, бригададагилар айтганларини икки қилмай адо этшар, ҳар жиҳатдан унга кўмак беришар эди. Ҳўзининг тадбиркорлиги, бригададошларнинг мададкорлиги ишнинг жадаллашиб кетишига ёрдам берди.

Ҳа, фақат учинчи йили Муҳаммадҷоннинг чеҳраси ёришди. План бажарилганди. Ер бўлиб 23—24 центнердан зиёд пахта кўрмаган майдонларда 36 центнердан хирмон кўтарилди. Бригада юксалиш йўлига кириб олди. Қилган ишининг натижа бера қолса, ғайратнинг ҳам ортиб боравереди. Бригададагилар кайфиятида шундай руҳият устунлик қиларедди. Кейинги йилларда 40—45 центнердан ҳосил кўтарилди. 50 центнерлик марра эгалланган вақтлар ҳам бўлди. Мана эндиги ҳосилдорлик 50 центнерни ҳам ортада қолдириб кетмоқда.

Кейинги ўн беш йил ичида Муҳаммадҷон бошлиқ бригадада ҳосилдорлик 1,5—2 ҳисса ортди. Ана шу йиллар ичида ориятли бригадир деҳқончиликда дуч келган барча қийинчиликларни енгиб ўтиш тадбирларини кўрди. Саратон жазирасида, баҳор ёмғирларида, кирчиллама қишда дала қездеи, ерларнинг нафас олишига қулқоқ солди. Экин майдонларининг ҳосилдорлигини ошириш учун қанчака ишлар қилиниши лозимлигини аниқлади, ҳисоб-китоб қилди, колхоз мутахассислари билан бамаслаҳат иш тутди. Собиқ бригадирдан колхозчиларнинг баъзиларига ҳам ўтган лоқайдлик иллатларини тутатиш учун озмуңча кураш олиб бормади. Мана

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадний журнали

№ 4 (398)

Апрель
1983

Экз.
№

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

Замондорларимиз



энди ҳамма ўз участкасида масъулиятни тўла ҳис қилиб ишлайдиган даражага етди. Шуниси кўнглига хуш келадики, бригада аъзолари дарғалари ёнига кириб, унга қанча маъад керак бўлса, шунча ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилишди. Бригадирнинг айтгани колхоз идорасидан берилган топшириқ эканлигини аъзоларнинг ҳаммаси таъжидсиз тан оладиган даражага етишди. Аввал ҳам бригадада 43 киши эди, ҳозир ҳам шунча киши меҳнат қилмоқда. Ҳеч ким бригадани тарк этмади.

Утган йили Мухаммадҷон бошлиқ бригада рекорд ҳосил кўтарди. Гектар бошига олинган пахта 51 центнерданга тўғри келди. Бу, белгиланган ҳосилдорлик даражасидан 25 процент кўп. Комплекс механизация қудратидан омилкорлик билан фойдаланиш бригададошларининг белига қувват бўлди.

Йиллар йилларни қувалаб ўтаверди. Мухаммадҷон пахтачиликни юксалтиришга қўшилаётган ҳисса салмоғини ошириш тadbирларини кўрверди. Йиллар сарҳисоби чиқарилганда, салмоқли рақамлар Мухаммадҷоннинг иш самараларини улуғлаб борди. У муттасил мўл ва сифатли пахта етиштирганлиги учун 1973 йили учинчи даражали «Меҳнат Шухрати» орденини олиш шарафига муяссар бўлди. Уч йил ўтиб, шу орденининг иккинчи даражалиси унинг кўксини беэди. Утган йилдаги беэод об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, бригада етиштирган рекорд ҳосил ҳам муносиб тақдирланди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов Мухаммадҷон Кўчқоровнинг икки ордени ёнига биринчи даражали «Меҳнат Шухрати» орденини ҳам қадаб қўйди. Эндиликда бригада аъзолари гектар ҳисобига 55 центнерлик ҳосилни кўзлаб олаётганликлари.

Пахтачиликдаги суръати, чорвачиликдаги ташаббуси, боғдорчиликдаги шухрати билан элга машҳур Кува райони энди меҳнатдаги фидокорлиги учун бериладиган «Меҳнат Шухрати» орденининг Ўзбекистондаги биринчи тўла кавалери — Димитров номи колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Мухаммадҷон Кўчқоров каби жафокаш ўғлони билан ҳам фахрланса арзийди.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ

Суратда: «Меҳнат Шухрати» орденининг Ўзбекистондаги биринчи тўла кавалери — Кува районидagi Димитров номи колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Мухаммадҷон Кўчқоров.

УСТОЗ ИЗИДАН

Ун йил, гарчи инсон умри учун қисқа мuddат бўлса-да, салмоғи ва мазмуни билан алоҳида аҳамият касб этиши мумкин. Ҳа, Тошкент Бош қурилиш бошқармасининг ёшт терувчиси Мария Колпакова ўн йиллик меҳнат фаолияти давомида ўз ўрнини топди, коллектив ўртасида эътибор қозониб, эл назарига тушди.

«Дахшатли зилзиладан сўнг бутун мамлакат Тошкентга ёрдамга келган йиллар эди. Ставрополлик ёш қиз Мария ҳам опаси Аннанинг изидан комсомол йўлланмаси билан ўзбек юртига келди. У дастлаб моҳир бинокор Иззат Расуловга шогирд тушди. Устоз Мария ва унинг тенгдошларига дастлаб шундай деб ўқитди:

— Биз қурувчилар, тиклаётган биноларимизнинг боқий бўлиб қолиши учун ишни пухта ва пишиқ қилишимиз лозим. Бу уйларга кўчиб кирган кишилар биздан миннатдор бўлишса қандай яхши!

Мария ҳам бошқа ёшлар қатори тажрибали устозининг ўғитларига қатъий амал қилди: ёштларни синдирилмасликка, баъзан ортнш-туширишда синган ёштлардан ҳам ўрнида фойдаланишга уринарди. У меҳнат қилиш билан бирга ўқини ҳам давом эттиришга интилди. Шу ниятда Тошкент қурилиш техникумига ҳужжатларини топширди. Аммо омади келмади, конкурсдан ўтолмади. Лекин Мария шаштидан қайтмади. Шаҳар Бош қурилиш бошқармаси ўқув комбинатида ўз малакасини оширди. Кейин комплекс қурилиш бригадасига ишга ўтди. Мария бригаданинг Усмон Ғойибов, Анатолий Козлов каби тажрибали қурувчиларидан ибрат олмишга, ёшт териш, темир қурилмаларни пайвандаш маҳоратини эгаллашга интилди. У ўзининг тиришқоқлиги, қувноқ характери билан коллектива тез сингишиб кетди. Коллектив унинг учун тарбия ўчоғи ва тажриба мактаби бўлди. Мария бошқа ҳамкасблари қатори билмаганини бошқалардан сўраб ўрганишда тортинмади.

Комплекс қурилиш бригадаси қурувчилари ўзлари қурган биринчи объект — «Ўзбекистон» маиший-хизмат кўрсатиш уйи фойдаланишга топширилганда қувончлари нақадар чексиз эди. Айниқса, ёш бинокор Мария Колпакованинг севинчини айтмай-

сизми. Шу-шу унинг ўзига, касбига ишончи ортди. У энди ҳар қандай қурилишда ўз тажрибаларини намойиш эта оларди.

Шундан кейин 38-Қурилиш бошқармасига қарашли комплекс қурувчилик бригадаси бинокорлари бошқа объектларда фаоллик кўрсата бошладилар. Орадан ойлар, йиллар ўтди. Янги-янги кўркам бинолар қад ростлади. «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмасининг ишлаб чиқариш корпуси, Каноп фабрикаси ишчилари учун тўқиз қаватли турак-жой, Ўзбекистон ваққина ва зардоб бўлиб илмий-тадқиқот институтининг янги биноси шулар жумласидандир. Бу бинолар тобора кўра ораётган шаҳаримиз қиёфасига узукка кўздек қарашиб тушди. Касбига астойдил меҳр қўйган Мария Колпакова сингари ёшлар ўз устозлари кўмағида коллектив ўртасида ҳурмат қозондилар.

Ҳозир Мария ва унинг ҳамкасблари Юнусобод массивида болалар учун шифохона қурмоқдалар.

Комплекс қурилиш бригадаси бутун объектни — пойдевор ётқизиш, ёшт териш, уни тиклашга қадар ҳамма ишни ўзи бажаради. Шунинг учун ҳам қурувчи малакасининг кўлами кенг бўлиши учун ёшт териши ҳам, бетон қориши ҳам, блок ётқизиши ҳам пухта билиши лозим. Янги қаватлар, янги бинолар қад кўтарган сари уни бунёд қилаётган ёшларнинг ҳам тажрибаси ортиб, иқтимоий ҳаётдаги ўрни шаклланиб борди. Мане энди Мария ҳам бир вақтлардагидек мурғак тасаввурдаги тортинқоқ қиз эмас. У — илғор қурувчи, фаол жамоатчи. Бу зарбдор қурувчи иш ва ўқини бирга қўшиб олиб бормоқда. Ҳозир у шаҳар қурилиш техникумининг кенчи бўлишида ўқимоқда. 38-Қурилиш бошқармаси ёшлари уни комсомол комитетининг секретари қилиб сайладилар. Серғайрат ва ташилотчи Мария

қурилишда ва жамоатчилик ишларида фаоллик кўрсатмоқда.

1981 йилда эса Мария Колпакова КПСС аъзолигига қабул қилинди. Эндиликда у меҳнатга, ёшларнинг ҳаётига коммунистик талабчанлик ва яна ҳам масъулият билан муносабатда бўла бошлади. Коммунистлар ишонч билдиришиб, яқинда Мария Колпаковани қурилиш партия ташкилотининг секретари қилиб сайладилар. Мария Колпакова қурилишда коммунистларнинг етакчилигини таъминлаш, илгор ёшлар ҳисобига КПСС аъзолари сафини кенгайтириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор бермоқда.

«Жонажон шаҳримизда янги-янги массивлар, кўплаб жамоат бинолари, турак-жойлар бунёд этилаётди. Ҳар кун, ҳар соатда янги-янги қаватлар қад кўтараяпти. Ана шундай ажойиб варақдорлар сафига коммунист, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Мария Колпакова ишлаётган 38-Қурилиш бошқармасининг қурувчилари ҳам бор.

Мария депутат сифатида ойда бир марта қабул кунини ўтказди. Унинг хузурига турли ёш ва касбдаги кишилар кириб келишди. Депутат диққат билан уларнинг арзини, илтимосини тинглайди. Уларнинг хат-аризаларини эътибор билан ўқиб чиқади. Бу мактувлар инсон тақдири билан боғлиқ эканлигини ҳис қилади. Тегишли партия ва совет ташкилотлари орқали кишиларнинг юмушларини енгиллаштиришга интилади. Мария Колпакова фан шарҳарчасининг ёритилишини яхшилаш юзасидан тушган сайловлардан нақазини бажаради. Эндиликда у Тажриба-механика заводи учун ётоқхона қуриш ишлари билан шуғулланаётди.

Депутат Мария Колпакованинг бу хил жамоат ишлари кўп. У Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати доимий комиссиясининг аъзоси сифатида қурилиш ташкилотларининг ишлари назорат қилишда, объектларга етакчи берилаётган материалларнинг сифатини текширишда фаол қатнашмоқда.

Мария Колпакова депутат — халқ хизматкори, деган юксак ишонч муносиб тарзда оқламоқда.

Римма ВОЛКОВА

ЭЪТИҚОД

Доим шундай бўлган: Нон, Пахта, Ватан
Жасорат кашф этган мисли қасамёд.
Олов туйғумизнинг чўғидан тутган
Юрак қаъридаги ушбу эътиқод.

Асрлар интилиб ҳалол ушоққа,
Қулатдик текинга семирган тахтни.
Тилла соч ўрамоқ учун бошоққа
Меҳнатга мардикор этдик роҳатни.

Гарчи йўқсул бобом эди зўр деҳқон,
Ямоқсиз тўн киймоқ доғида ўтди.
Бугун Ўзбекистон — мангу ҳур деҳқон
«Оқ олтин» чопони бўйини тутди.

Ялтиллаб яшамоқ — ҳали ярим бахт,
Она ер меҳрисиз ҳолинг тору танг,
Сени елкасига кўтарди рағбат,
Меҳнатнинг қадрига етгувчи Ватан.

Бемехнат нон ёмоқ, бемехнат киймоқ,
Бу гаплар эскирди, биз учун ўтмиш.

Беминнат нон ёмоқ, беминнат киймоқ
Заррага айланиб томирга ўтмиш.

Энди улар бизнинг онгимизда зич,
Гўзадай, бошоқдай отгандир илдиз.
Улар — иқболимиз, ташвиш ва севинч;
Бахтимиз олдида тиз чўкамиз, тиз.

Пахтадан юксалди ўлкам байроғи,
Ялоани ушлаган юзи ёруғдир.
Муқаддас пахтанинг ҳар бир чаноғи
Ҳар ўзбек қўлида битта ёрликдир.

Доим шундай бўлган: дебоча қарвон
Карнай-сурнай билан олинор пешво.
Кўзга қурингунча то сўнги хирмон
Қўлоқда жаранглар даъваткор овоз.

Сўнги қаравонларда орзулар тошган,
Ва лекин аримас сўнги куч, армон.
Ушоқ, мисқол, меҳр дилга туташган,
Бекам яшамоққа ундар бу замон!

СЕНИ КУТГУМ

Ашхабоднинг зумрад кўйинида
Ял-ял ёниб турар тошгилам,
Меҳр, санъат, юрак кўрида
Сайраб кетган «булбул»
тошгинам.

Ақл-заковат, идрок бебаҳо —
Таъзим, иззат — изҳори дилнинг
Нақ кафтида тураркан даҳо
Истиқболга кўрсатиб йўлни!



Кум устида яратиб ҳаёт
Шуур бовар қилмас бу чаман,
Шараф сенга, эй заҳматкаш зот!
Сенга дея меҳрим очаман.

Ёнгинамда диловар мезбон,
Гўбла кийган санам туркман қиз.
Кўшиғига қурбон тану-жон,
Юрагимга солдинг чуқур из.

Сайримизга лозим ой, йиллар
Қанча шаҳар, қишлоқ олдинда.
Недир вақту, на олис йўллар
Дўстлик деган олам олдида.

Нур қолдирдинг мисоли ойна
Хотиротнинг ҳар донасида,
Хайр, сени кутгум, дугонам,
Ўзбекистон остонасида.

Ашхабод

Тузатмоққа етмас...

Ғализлик, сактани этмоққа таҳрир
Адо бўлур қанча қаламлар учи.
Не афсус, ўз умринг хатоларини
Тузатмоққа етмас маҳорат кучи.



Денгизда

Балиқчига ов — мўлжал,
Денгизчига дур толай, дер,
Балиқ қидирав ўлка,
Мен ундан излайман шеър.

* * *
Баланд кетма,
Мулаллақда, билгил йўқ
кимсан, қаёқдан,
босим.
Юз тубанлик тортар оёқдан,
Димоғингдан бўлмайд осиб.

Шеър қолсин...

Шеърларим,
шер бўлиб
олишинг
ағёр билан
Токи бу заминда
шеър
қолсин
бахор билан!

СЎЗИМНИ ТИНГЛА, ЖАҲОН!

Атлантика қирғоғида жойлашган
Анваруим томошасида назарим пана-
да айланиб турган магнитофонга
тушди.

Мени кўрмаганга йўманг,
жаноби мсье,
Сиздан кўра сергакман,
нигоҳим ўткир.
Ошкорликни севаман, танибман эсим,
Сарвасо қоматимдан ясаман букур.

Сўзларим ўғирламанг, ёзманг пинҳона,
Сирим қулфу безанжир, юзимда яшар.
Вергулгача кўчиринг магнитофонга,
Ўз тилимда эшитсин токи бу башар.

Мени яхшироқ танинг, билинг яқиндан,
Сирдарё бўйларидан келдим атайин.
Дўстларим табассуми тортид ёлқиндай,
Энди дилда боримни тўкиб айттайин:

Жонга тегди қитмирлик, кундуз-кечалар
Ҳаром этган эфирни найсоқ «Би-би-си»,
Аждаҳодай минг турли тил билан санчар,
Ҳалол ошимга оғу ташлар «Эй-би-си».

«Совет хавфи»дан бичиб ғаним сарупо
Аслаҳа туйнугидан чиқазаркан енг,
Энг сўнги мода эмиш, энг сўнги мато —
Курра лахтақларидан чиқазмоқни эн.

Темир узра ундириб бўлмагай чечак,
Меҳр ҳам кўкармагай жаҳаннам аро,
Ҳақиқатга зимзимдан келтирганча шак,
Ҳаётимга қаро суртмасин «Фигаро».

Фароғат қароғига кимки чўп санчар —
Бонапарт ҳам Гитлернинг қисмати сабоқ!
Халқ ҳукми бу — ханжари ўзини янчар
Кимки кўтариб келса тинчликка яроқ!

«Тинчликдан ҳам зарурроқ» не иш бор экан..?!
Чақалоқ кўз ёшидан майми сипқармоқ?
Балки она бағрида ундириб тикан
Афғону фарёдидан «кўшиқ» тингламоқ?!

Қаранг, Сена оқмоқда нақадар майин,
Мовий истаклар сузар мовий ўртада.
Умидим шу — тўлқинлар тўрга тушмайин
Миссурини қучсинлар бугун, эртага!

Мен ҳам ўша тўлқинда,
матлабим ҳамроҳ,
Дарёлар мовий оқсин,
каттами-кичик,
Барча сўзим йиғсангиз
бир ташбеҳда жо —
У ҳам бўлса азизим,
ягона «Тинчлик»!..

Ёзиб олган бўлсангиз,
жуда-жуда соз,
Энди халқдан яширманг,
тутмангиз пинҳон.
Дунё саҳнига қўйинг,
янғрасин овоз,
Токи юрак сўзимни эшитсин жаҳон!

ЮКСАК ЧЎҚИЛАР САРИ

Кунлар илиб, уватлар мовий тус ола бошлади. Қуллоқ ерлар ҳам етилиб қолди. Қузда ерининг кўп қисми шудгорланган бўлса-да, текисланиб эгат олинмагани раисни хижил қиларди. Агар бу тадбирлар амалга оширилса, шу кунларда яхоб суви берилар, майдонлар бирин-кетин етилиб, чигитни ўз намига текис ундириб олиш имкони яратилар эди. Ушанда ҳосилдорлик ҳам ошган бўларди.

Ана шу тигиз кунларнинг бирида республика Усимликлар биологияси экспериментал илмий-текшириш институтининг профессори, ВАСХНИЛ мухбир-аъзоси Набижон Назиров колхозга таъриф буюрди. Сўхбат пахтанинги янги навлари хусусида борди.

— Бизни сизлар қўллаб-қувватламасаларинг уришларимиз бўлса,— деди олим.— Қарс икки кўлдан чиқади. Тазкидлайман, сизлар ёнимизга кирмасаларинг, ҳосилдор, касалликларга чидамли пахта навини юзага чиқаришимиз қийин. Кимдир барча машаққатларни зиммага олиши керак.

Муродбек Холматов таклиф этилаётган янги «АН—402» нав тўғрисида аввал эшитган, унинг камсувлиги, вилтга чидамлилиги, тала сифатининг афзаллиги, ҳосили пишган шохлардаги япроқларнинг табиий тўкилиши тўғрисидаги маълумотлардан хабардор эди. «Тажриба тариқасида экишга, уруғни кўпайтиришга ҳамма ҳам қўшилиши керак. Янги нав яратиш мўҳим. Уларга ёрдам қилиш керак. Экиш, унинг агротехникасини яратиш лозим. Бунинг учун журватли бўлиш керак...» деган фикрлар ўтди раиснинг кўнглидан.

— Кўлни ташланг, Набижон Назирович!— деди раис,— қанча экамиз?

— Ишни эллик гектардан бошлаймиз,— деди олим мулоҳаза билан.— Бор уруғимиз шунга етади. Бу ёғи сизларга боғлиқ. Бу йил 50 гектарга экаси. Уруғни йил сайин танлаб кўпайтиривера-сизлар.

— Бунақада тўрт-беш йил тажриба ўтказишга тўри келади шекилли!

Олим раиснинг авзоёйга синчков нигоҳ ташлар экан, унинг кўлни кўрган, қатъиятли киши эканига ишонч ҳосил қилди.

— Пахтани, эл-юрт деб йиллаб излансак ёмонми,— деди Назиров ана раисга юзланиб.

— Энди қандай ерга экишни ҳам келишиб олайлик,— таклиф қилди раис.

Улар чигит экишга ажратилган майдонларни кўрмоқчи бўлиб йўлга тушишди. Раис йўл-йўлакай ўтган йили ўта вилт босган майдонларни кўрсата бошлади.

— Вилт босган майдонларда синаб кўрсак-чи,— деди раис олимга.

— Маъқул,— Набижон Назиров бир оз ўйланиб рози бўлди.

Ер танланиб, экишга ҳозирлик кўрила бошланди.

Одатда, баҳорда иш қизиб кетади. Чигит қандаш, чорва учун озуқа экинлари экиш, боғдорчилик ишлари ипак курти боқишга тайёргарлик, дала шийпонларининг ремонти...

Бу ишларнинг ҳаммаси раиснинг фаолияти билан бевосита боғлиқ. Энди раис ҳар куни кечкурун «планёрка» ўтказадиган бўлди. Бу сўхбатларга партком секретари, агроном, инженер ва бошқа мутахассислар иштирокида бугунги ишлар сарҳисоб қилиниб, эртанги режалар тузиларди. Бу қўлай усул эди.

Орадан кўп ўтмай профессор Назиров ваъда қилган уруғлик чигит етиб келди. Раис ҳам, колхознинг бошқа мутахассислари ҳам уруғлик чигитни кўлга олиб синчиклаб кўришди. Бошқа чигитлардан фарқи йўқ эди.

Раис янги нав ҳақида одамларга: «Янги нав вилтга чидамли, серҳосил, сувни ҳам, меҳнатни ҳам кам талаб қиладиган уруғ»,— дерди-ю ўзи ичиде бунга ишониб ишонмасди.

Ниҳоят чигит экилиб, ниҳоллар текис униб чиқди. Раиснинг вақти зиқ бўлса-да, дам-бадам дала айланар, албатта, тажриба участкасига тушиб, ғўзалар ривожини синчиклаб кузатарди. Янги нав экилган майдоннинг бир неча эгатига тажриба учун сув берилди. Нимагадир шу эгатларда чигитнинг униши кечикди.

Раис ён дафтарида дастлаб: «Янги нав чигит сувини ёқтирмайди» деб қайд этди. Яна, чопиқ, бегона ўтлардан тозалаш каби ишлар одатдаги агротехника бўйича олиб борилди. «Тошкент» нав экилган майдонларга ҳам сув таралди. Тажриба зонасида ҳам бир эгатга сув очилди. Ғўза ғовлай

бошлади. Раиснинг дафтарида наабатдаги ёзу пайдо бўлди: «Биринчи сув берилмайди».

Культивациядан кейин ғўзалар одатдагидек озиклантирилди. Усимликлар дуркун ўсиб, ҳосил элементлари ҳам қўпайиб борарди. Бошқа пайкалдаги ғўзаларга иккинчи сув берилди. Янги нав ўстирилаётган пайкалда ҳам ана бир эгатга сув очилди. Ғўза ғовлаб кетди. Раис ўз дафтарига яна қайд этди: «АН—402» иккинчи сувни ҳам кўтармайди».

Ғўзалар гулга кирди. Энди ғўзани сўғормасликнинг иложи йўқ эди. Янги нав экилган 50 гектарлик тажриба майдони най усулда сўғорилди. Гулларнинг кўсакка айланиши тезлашди. Демак, «АН—402» навини гулга кирганда сўғориш фойдали!..

«Муродбек Холматов раис бўлган ҳўжалик ўша йили районда бешинчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарди».

Янги раиснинг ҳаракатларини зимдан кузатиб юрган район партия комитетининг биринчи секретари Насибжон Турсунов бир куни колхозга келиб, қолган ҳосилни чамалаб кўрди. Секретарь қизиқ манзаранинги гувоҳи бўлди. Йириклаштирилган карталарнинг четлариға сули экилганди.

— Бу ҳам тажрибами?— деб раисдан сўради у.

— Бу қаттиқ ерлар,— дея изоҳ берди раис,— ёз бўйи бизни қийнади. Тез чанқайди, табақалаб сўғориш қийин.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Биз ўша ерларни белгилаб қўйганмиз. Чунки ғўзаяюлар йиғиштирилгач, билинмай қолади. Чуқурроқ шудгор қиламиз, маҳаллий ўғитни ҳам кўпроқ берамиз.

— Оммалаштириш керак бунини,— деди секретарь.— Лекин сулини жуда кўп экибсизларми?

— Ҳа.

— Силос-чи?

— Анчагина ем-хашак тайёрлаб қўйдик, уни тежаброқ сарфласак, унғача сули етилиб қолади. Унинг урнига лавлаги аралаштириб силос учун маккажўхори экамиз. Эртаги маккажўхорининг ҳам донини олгач, бир қисмини силос қиламиз, бир қисмини қўқатлигича чорвага едирамиз. Шу тариқа сулидан 200—250, маккажўхоридан 450—500, лавлагидан 300—400 центнердан — жами ҳар гектардан 1000 центнердан кўпроқ озуқа олмақчимиз. Шунда колхозчиларнинг шахсий чорвасига ҳам ем-хашак тарқатиш имкони туғилади.

— Яхши. Бу тажрибаларингизни оммалаштиришимиз лозим,— дея гапига мамнун илова қилди секретарь.

— Янги пахта нави қалай!— сўради Турсунов.

— Биз боп экан, Насибжон ака. Икки марта сўғоришга, культивацияга кетадиган сарф бемалол тежалашти,— деди раис жилмайиб. Ҳосили етилган шохларида барги табиий тўкиларкан. Етилган сари ғўзанинги барги сийраклашиб, шабада яхши юради. Бу таласига ҳам фойда.

— Уруғини тезроқ кўпайтириш керак. Айтмоқчи, зовурларни сиз қишда тозалатмай ёзда — иш қизганда экскаватор сўрайсиз!— деб раисга юзланди секретарь.

— Насибжон ака, еримиз заҳшак, зовурлар кўп. Қишда тозаласак, биринчидан, экскаваторлар зовур четларидаги тулгарга шикаст етказиши мумкин. Уни тартибга келтириш учун қийналамиз. Ёзда бўлса, тозаланадиган зовурлар четидан жой қолдириб чигит, экскаватор юрадиган йўлакка эса маккажўхори, ошқовоқ экамиз. Экскаватор иш бошлагач, унинг йўлини йўл-йўлакай бўшатиб, кўкатларни ўриб молларга еғизамиз. Шунинг ўзи ҳам фойда.

— Чакки эмас,— деди секретарь раиснинг омилкорлигига қўйил қолиб.

Секретарь Муродбекни раисликка тавсия этиб, район партия комитети янглишмагани, раис бу ишончли тўла оқлаётганидан мамнун эди.

«Октябрь» колхози — Москва районидagina эмас, балки Андижон областидаги илгор ҳўжаликлардан бири.

Биз ҳўжаликда бўлганимизда колхоздаги ободончилик ишлари билан ҳам қизиқдик, бу хусусда раис билан сўхбатлашдик.

— Хонадонлар водопроводлашганми?

— Ҳа.

— Газлаштириш-чи?

— Газимиз оз, 13 километрга лойиҳа-смета тайёрланди. 1982 йилнинг тўртинчи кварталидан иш бошланди.

— Кооператив уйлар ҳам қурыасизларми?

— Ҳар йили 10—12 тадан қурыламиз.

— Ердამчи соҳалар-чи?

— Асфальт заводимиз бор. Йилига 250—270 минг сўм даромад келтиради. Теплицаимиз бор.

— Муаммолар-чи?

— Колхозимизда, айниқса Сарой қишлоғида аҳоли тигиз,— деди раис чуқур ўйга толиб.— Бирор корхона, филиали очилса, айна мудабо бўларди-да...

Тўртта марказий болалар боғчаси бўлиб, буларда 725 ёшга тарбияланмоқда. Бу боғча ёшидаги болаларнинг 70 проценти ташкил этади. Демак, ҳали ана ясли ва боғчалар қуришимиз керак.

Сўхбатимиз бошқа мавзуга — чорвачиликка кўчди.

— Янги ҳўжаликка келишим билан ҳамма тармоққа бир хил эътибор беришга интилдим,— деди Холматов.— Ҳар йили 300 бош новас боқиб гўштга топширамиз, область колхозларига 200 бош зотли ғўнажин, 700 бош қўчқор етказиб берамиз. Илгарилари четдан хашак сотиб олардик. Энди эса колхозчиларнинг шахсий чорваси учун ҳар йилига 250—300 тонна хашак тарқатялмиз. Улар ҳам колхознинг ёрдамчи ҳўжалиғи-да.

Омилкор раиснинг ҳали режалари катта, мўлжаллари юксак. Ҳа, довонга чиққан чўққини кўзлайди!

Йўлдош СУЛТОНОВ,
Муқимжон НИЕЗОВ



СССР 60 йиллиги номдаги Бухоро Тўқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг илгор тивувчиси Мўҳсина Ҳақимова корхонанинг ёш, сергайрат ишчиларидан.

А. Мирзажонов фотоси

ҲАМКИШЛОКЛАР

Абдуғаффор қишлоқда униб-ўсгани, шу ерда яшаб меҳнат қилгани учун фахрланади. У шу хусусда дарадақиларга тўлиб-тошиб гапирарди:

— Уч кам қирққа кирган бўлсам ҳам, очигини айтмай, мен тенгқурларнинг болалик йилларимиз анча машаққатли кечган. Нега десангиз, уруш энди тулаган, қишлоқларда меҳнатга яроқли йигитлар кам, техника етишмайди, таъминот хусусида ҳам аҳвол ноҳор эди. Бугдой ўроққа етар-етмас бошоғи қирқиб олинар, шу билан тамадди қилинар эди. Тирикчилик ташвиши у вақтларда менинг бошимга тушмаган бўлса ҳам оқимларнинг дадамлар ишга отланаётганларида: «кечки овқатга ҳеч вақо қолмади, бир иложини топинг», деган гапларини кўп эшитганман...

Унинг синфини олтиш учинчи йил битирдим. Уқини давом эттирмаман, йўқми — торттишга себаб бўлди. Менга қолса уч-тўрт йил ишлаб оиламизга ёрдам берсам, дейман, дадам билан ойим: «Куч-қувватимиз борида ўқиб ол, ўғлим, мана замоналар ҳам яхши бўлиб қолди, тирикчилик вақтинча ҳар қалай қийналмасиниз», деб туриб олшиди. Туғилиб-ўсган қолхозимга қайтиб келишни мўжжаллаб Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтига кирдим...

— Энди бис бир коллективга бошиз,— дея мавзунини ўзгартиришга ундадик.
— Ҳа, ҳозир бригадага бошчилик қилаяпман... Абдуғаффор Акрамовнинг ҳозир бошқараётган бригада ерлари яхши бўлса ҳам илгари ҳосилдорликда қўшиларидан орқада эди. Бир куни уни раис қақтириб келди. Бу бригадага ўтиб ишласанг деди.

Раис Абдуғаффорнинг билимдон, тадбирли, ундагурро, одамлар дилидагини топиб ишлашига ишонар эди. Адашмади. Уч йил давомида бригада юқорига одимлаб, бултур ҳосилдорликни гектар бошига 51 центнерга кўтарди.

— Яна бир астойдил ҳаракат қилсангиз, дадангиз Уринбой акага етиб оласиз,— деди кулиб қолхоз партия ташкилотининг секретари Убайдулла Мирсобиров.

— У кишидан ўтиб кетсақ хижолат бўлиб қолдиклар, деб отнинг жиловини торттиброк ишлаяпмиз-да,— деди Абдуғаффор кулиб.

— Қайси куни биз Уринбой акамлар билан гаплашдик: «Ешларингизга айтиб қўйинлар, уларнинг пойгадаги ўрмовининг мазаси йўқ-ку», дедилар.— Партком секретари жиддий қиёфада эди.

Абдуғаффорнинг отаси, қолхознинг пешқадам бригадаси бошлиғи Уринбой Акрамов ҳақиқатан ҳам шундай деганди. У ўғлининг қолақ бригадага ўтиб ишлаб, уни ҳар қалай тузуқ бошқараётганини билса-да, бундан ҳам юқорироқ натижага эришишини истарди, кимсан фалончининг ўғли, дейишларини орзу қиларди. Уринбой ака Абдуғаффорга: «Китобда ўқиганингни даладаги ишга омитха қила билсанг, ер сенга бағрини очади, бойлигини икки қўллаб тутқазоди», деб уқтирарди. Унинг ўзи шу ақидага амал қилаётгани вақидан қолхозда эмас, районда ҳам илгор бригадалар даражасида ҳосил етиштириб келмоқда. Чунончи, у бултур 80 гектар ерининг ҳар гектаридан 65 центнердан пахта йиғиб олди.

Ота-ўғил бригадирларнинг ибратли иш натижалари, қолхозда ҳамманинг ҳавасини келтирар, уларга ўхшаб ҳаёт кечиришга ундар эди.

Кейинги ўн-ўн беш йил ичида қолхоз қишлоқлари қиёфаси тубдан ўзгарди. Одамларнинг турмуш тарзида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Кичи бир қолхоз аҳолисининг йигирма икки қишлоққа ййилганини кўз ўнгинизга келтириб кўринг. Бир ерда йигирма, ундан узокроқда ўттиз хонадон. Беш-олти хонадонли қўрғонлар ҳам бор эди. Қолхоз раиси Холдор Акрамов ҳикоя қилади:

— Ҳа, бундан ўн беш йил муқаддам қолхоз

қишлоғини қайта қуришни мўжжаллаб бош план туздирдик. Уни қолхозчиларнинг умумий мажлисига қўйдик. Қарсақ чалиб қабул қилишди. Эски қўрғонларни бузишга келганда, ўша қувониб қарсақ чалган қўллар ўтказмас тўсиқ бўлиб олдилар. Ҳамманинг важи битта:

— Ота-бобомдан қолган жой, киндик қонимиз тўкилган, бизга шу уйлар ҳам бўлавереди...

Эсимда, навбатдаги шунақа жанжаллардан биринда Уринбой ака чидай олмади, шекилли:

— Қишлоқларни обод қилиш керак, ўртоқлар. Янги уйга кўчиб чиқамиз, ота-боболаримиз руҳи шод бўлмайди,— деб куйиниб гапирди.

Суви кўрмай этик ечмайдиган одамлар аввалига тихирлик қилдилар, кейин янги уйларда ўтказилган ҳовли тўйлари, тўй-томошаларни кўриб ўзлари ҳам қизиқиб қолдилар. Мана, ҳозир ўша одамлар у дамлари эслаб хижолат бўлишади. Тўда-тўда бўлиб йигирма икки ерга жойлашган қишлоқ ҳозирда битта марказий, иккита йўлдош қишлоқдан иборат. Шу ўтган йиллар давомида 275 та янги уй қуриб битказилди. Хонадонлар артезиан суви билан таъминланди.

Шу қолхоз тараққиётига меҳнати синган ҳисобчи Мирҳабиб аканинг ўғли, партком секретари Убайдулла Мирсобиров ҳам ўз қолхозни ҳақида фахрлиниб гапирди:

— Мен Абдуғаффор билан кўп гаплашаман, чунки у билан қачон, қайси мавзуда сўзлашмай, доим кечаги ўтмишни бугунги турмушга қиёслайди. Эсингиздами, шанба кунлари институтдан кеч қайтардик. Катта йўлда автобусдан тушиб қолиб, қишлоққа лой кечиб келардик. Бизнинг кўчалар ҳам асфальт бўлармикан, деб орзу қилган кунларимиз...

— Жўн ариқдан сув олиб келаётганимизда тепаликка чиқаётиб музда тайганиб челагимиз думалаб кетгани-чи!— дея кулиб Убайдулланинг гапига илова қилди Абдуғаффор.

Ҳа, улар бугунги кунларини қанча қадрласалар арзийди. Меҳнатидан ва меҳнати натижасидан, уй-рўзгоридан, кўпчиликнинг унга ва унинг кўпчилигига бўлган муносабатидан, эртаги кунга ишончи қомиллигиндан у шундай фикр юритмоқда.

— Олтмишинчи йилларда қишлоғимизда олий маълумотлилар бармоқ билан санарли эди,— деди давом этиб партком секретари.— Агрономлик, инженерлик вазифасида ҳам тўлиқсиз ўрта ёки ўрта маълумотли кишилар ишларди. Мана, бугун бригадирларнинг ярмидан кўпи олий маълумотли. Ҳозирги пайтда коллектив ҳўжаликнинг турли соҳаларида муваффақиятли ишлаётган билимдон ёшларнинг кўпчилиги қолхоз ҳисобидан ўқиб диплом олиб қайтганлар. Илмга қизиқиш, бугунги ҳаёт талаби билан баробар одим ташлашга интилиш қишлоқ ёшларининг фазилати бўлиб қолди.

Ана шундай ёшлардан бири— Замира Қидирбоевнинг номини қолхозда ҳурмат билан тилга олишади. У сут соғишда дугоналари орасида пешқадам, институтнинг бухгалтерия факультетида сиртдан ўқиб, савиясини оширмоқда.

Сўхбатимизни яна Абдуғаффор давом эттирди.

— Вазифамиз нуқтаи назаридан дам-дам қолхозчиларнинг уйларидан бўламиз. Уларнинг оилавий ишлари аралашамиз, қувонч ва ташвишларига шерик бўламиз, турли масалалар хусусида маслаҳатлашамиз.

Тўй-ҳашамларда, уйлари замонавий мебель билан жиҳозлашда қолхозчилар маслаҳат сўраб мурожаат қиладилар. Шунда дил-дилдан яраб кетади, киши. Оилавий муаммоларни бартароф қилишда ҳам аралашшига тўри келади. Ахир, раҳбармиз, ҳаммасига аралашмасек бўлмайди.

Даладаги ишларни ўрнига қўйиш, бу ҳаётини юмушларни удалашининг ўзи бўлмайди. Қолхозчи уй-рўзгоридан, бола-чақасидан хотиржам бўлгандагина ишининг нукуми бўлади. Бригадир ҳар бир масалага шу нуқтаи назардан ёндашади.

— Қолхозимиз унча катта эмас,— дея партком секретари Мирсобиров сўхбатимизни давом эттирди,— 775 гектар ерда пахта етиштирамиз. Бултур 40,3 центнердан ҳосил олдик. Қолхозчиларнинг ўртача ойлик маоши 180 сўми ташкил эди. Механизаторларники 250—300, чорвадорларники 200—220 сўмга этди. Бунга томорқаларидан келадиган даромад кирмади, албатта. Битта мисол, Уринбой Акрамов бригадаси аъзолари йиллик ҳисоботда сарфлаган

бир сўм ҳисобига икки ярим сўмдан пул олдилар. Айрим оилалар олти-етти минг сўм даромад қилдилар.

Бугунги кунда қолхозчининг уйида холодильник кир ювиш машинаси, рангли телевизор бор, деб алоҳида таъкидлашнинг, менимча, ҳожати йўқ. Нега десангиз бундай буюмлар ҳамма хонадонларда мавжуд. Мен сизга қишлоғимиздаги оилаларнинг тўрдан бири енгил машинага эга деялман, кўш бунининг нимаси ажабланарли? Қолхозчилар хонадонини табиий газ билан тўла-тўқис таъминланган, десам, мана бу гурурланиб айтишга арзийди. Лекин замонавий типда қурилган, кўнгилдагидек безатиб қўйилган кўш хонали уйларимиз табиий газ ёрдамида буг билан иситилса, қишлоқларимиз қиёфаси ша-ҳарларга яна ҳам яқинлашарди!

Қолхозчилар, айниқса, ёшларимиз уч минг жылдага эга бўлган кутубхонамиздан баҳраманд. Қишлоқ аҳолиси ёзлик, қишлоқ клуб қуриб беришимизни, модлар ателеси бўлишини талаб қилмоқдалар.

Чиноз районидagi Навоий номили қолхоз қишлоғи. Кенг ва равон кўчаларнинг икки четида қад ростлаган шинам уйлар, маданият ва маиший бинолар, муассасалар эътиборингизни ўзига тортади. Унинг Холдор Акрамов, Убайдулла Мирсобиров сингари мохир раҳбарлари, Абдуғаффор Акрамов каби омиқлор деҳқонлари элини янада обод қилиш учун янги марраларни кўзлаб самарали меҳнат қилмоқдалар.


Салимжон МАҲҚАМОВ



Еш боғбонлар.

Н. Шарипов фотозтўди

Замондорларимиз



Ленин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР халқ шоири Ғафур ҒУЛОМ

ҲАМОН ЁДИМИЗДА, САФИМИЗДА

1973 сана. Баҳор айёми. Ижоди ҳалқимиз қалби янглиғ қайноқ ва улугвор бўлган Гафур Гулом таваллудининг етмиш йиллиги тантаналари, бутун республикамиз бўйлаб, бутун бепойи мамлакатимиз бўйлаб давом этарди. Муаззам Москва, бутун дунёга шуҳрати кетган тарихий Советлар уйининг Колонналар зали. Қадрдон москваликлар ва азиз меҳмонлар билан лиқ тўла. Камина бир неча маърузаомиз сўз айтгандан кейин минбарга тантана боискори — Гафур Гуломнинг улкан дўстлари бирин-кетин чиқиб, буюқ шоиримиз ҳақида жуда ажойиб юрак сўзларини айта бошладилар, таржимон-тарғиботчилари эса унинг ўимас оловли шеърларини алоҳида юксак нафос ва илҳом ила ўқиб бера бошладилар. Уч соатча вақт мобайнида бутун зал ҳайқирикли нафосат оҳанглари билан, унинг ижодкорини ҳаққоний тақдирлаш эъзозлаш садолари билан тўлиб тошгандай бўлди. Кеча шу қадар баланд байрамона тарзда, шу қадар антиқа ва ажойиб юрак сўзларини айта бошладилар, таржимон-тарғиботчилари эса унинг ўимас оловли шеърларини алоҳида юксак нафос ва илҳом ила ўқиб бера бошладилар. Уч соатча вақт мобайнида бутун зал ҳайқирикли нафосат оҳанглари билан, унинг ижодкорини ҳаққоний тақдирлаш эъзозлаш садолари билан тўлиб тошгандай бўлди. Кеча шу қадар баланд байрамона тарзда, шу қадар антиқа ва ажойиб юрак сўзларини айта бошладилар, таржимон-тарғиботчилари эса унинг ўимас оловли шеърларини алоҳида юксак нафос ва илҳом ила ўқиб бера бошладилар.

Ҳар нарсасабабидир. Баъзилар кўзимиз ўнгидаги, ҳудудсиз ҳавлимиздаги бу сирли, сафали ва сеҳрли, бу қаҳрли ва кутли дунёга келадилар ва узоқ эсда қолмай ва эз қолдирмай кетадилар. Баъзилар эса, ўзларининг эзгу орзулари ва ноёб истеъдодларини ўзларига яраша мангу нафосат оламига айлантириб, авлодлар ҳамда асрлар ила ҳамшира ҳамнафас ва оидмодшо яшайдиган бўладилар.

Шундайлардандир буюқ шоир Гафур Гулом. У ҳазрат Низомий ва Навоий, гениал Пушкин, Горький ва Маяковскийлар ортдан бориб, беҳад мураккаб воқеликнинг ва серқирра инсон оламининг қаърига гаввосдек шўнғиб дур ахтарган ва этак-этак дур терган мутафаккир эди. Янги тилдаги доно файласуф шоир эди.

...Мажнундота қараганинг сари ҳайратинг ортгани ортган. Заррасини ҳам етарли даражада билши, тушуниш мумкин бўлмаган буткул бир сиргоҳдир бу илҳат. Айниқса, табиат, хусусан баҳор. Сенсиз-саноксиз барглар орасида ҳеч бўлмаганда бир неча мутлақ бир-бирига ўхшаш йўқ ёки шунча ёмғир томчиларининг бирин-кетин бутунлай бир нуқтага келиб тушадигани йўқ. Енаётган биргина шамда қанча сир бор! Бир кичкинагина ва қотиб қолган уручунинг леззали мевага ёки минг йил яшайдиган ҳамда бир маҳаллага соя бередиган улкан дарахтга айлишини ўйлаб кўринг! Жонивордаги ҳар бир тукда ё кум донасида, кўш иури толаларининг ё бирон тийдаги миллирд ҳужайраларининг ҳар бирида бир онинг ўзида нималар содир бўлмайди! Айниқса, жамиятининг, ҳар бир шахс ҳаёти ҳамда ҳаёлининг ҳар бир сониясида-чи!

Нақадар гўзал ва мўъжизакордир Ўзбекистон баҳори! Шига очилган шафтоли гулини ва беозор арининг ундан бўса олиб бот яратиш ҳаракатини қаранг! Қип-қизил лопалардан қиримзи гилма тўшалган ҳамда алангалар янглиғ тўлганган кенг дараларни ва жилваво биллур юлдузлар қадаланган қароган самони кўз

ўнгингизга келтириб кўринг. Митти паррандаларининг шохдан шохга сакраш шодивенасини ва бижилдоқ қушларнинг қўшини, муноқишасио мушовирасини айтмайсизми! Ана у майин шабада нашъаси ва оппоқ офтоб оғуши-чи! Кўм-кўк қуқатдан кийиб безанган ва ооздик айёмидан (ахир, қаҳратон қишдан қиқш табиат ооздлиги демақдир) Баҳра олаётган ернинг нафасига, ундан чиқаётган ва ҳаёт анкиган ажойиб ҳида димов бериб боқинг. Ҳатто, осмондаги нур талашган ва момик тўдаларига ўхшаш паға-паға югурдак булутларнинг, узун-узун тигли чақмоқ ва ларзали гумбуларнинг ҳам ўзларига хос қандайдир сир, гўзаллик ва фазилатлари бор.

Яна: Советлар учун олишуларнинг, қилган чигит ва ўтқизилган кўчатнинг, битқазилган янги завод ва китобнинг, янги жамият, дўстлик ва тинчлик учун шиддатли кураш эъзозининг севинчи ва гурури... Эзгу орзу ва умидлар... Ажойиб режелар, муқобил планлар, улкан лойиҳалар.

Ана шу юқорида айтилганларис тушуниб бўлмайди менинг ҳеч бир сатримни, дер эди Гафур Гулом. Дарҳақиқат, шу ҳайратомиз хилқат сирлариндан, ана шу ўта мураккаб, қудратли ижтимоий ҳаёт тўлкинлариндан, ана шу келинчақдай гўзал ва ифратли, шўх баҳор баҳрасио балоғатидан ўта қудратли ҳамда ҳайратомиз шеър тўкиди улкан сўз сеҳрири, файласуф Гафур Гулом. Жуда, жуда юксак фахр ва эътирофлар тасодифий эмас, албатта! Машхур рус ёзувчиси А. Сафронов айтдики, Гафур Гулом ижоди кўпмиллатли совет поэзияси равнақи тарихида босқинлардан бири даражасидаги гоят муҳим воқеадир: унинг қароргоҳи жаҳондир, бадиятнинг уйи абадийликдир...

Мирзо Турсунзода бундай деди: — У менинг жонанок дўстим ва устозимдир; қанчалки ўзбекини бўлса, шунчалки тожик халқининг ҳам, бошқа қардошларимизнинг ҳам улкан шоириндир.

Чингиз Айтматов айтди: — У туркигўй халқлар шеърлати ривожига буюқ ҳисса қўшган, бутун кўпмиллати совет адабиётимизнинг чўнг кўркам вақилларидан бири ҳисобланган, Барчамизнинг гуруримиз бўлган ажойиб сўз санъаткоридир.

Атоқли туркман ёзувчиси К. Курбоннелесов деди:

— Самарали тасвири учун туркман адабиёти беҳад миннатдор Гафур акадан: кўплар каби, мен ўз ижодий йўлимин ундан ибрат олиб бошлаган ва давом эттирганман.

Шоир Иброҳим Юсупов деди: — Мен ўз ижодимни ҳам шохдликка қўйиб қайд қиламанки, қораллоқ шеърлатини Гафур аканинг тасвирисиз тасаввур қилиш мумкин бўлмас керак.

Ҳар хил миллат вақилларининг бу қалб, фарах ва миннатдорлик сўзларининг ўзи ҳам улуг санъаткор ижодининг нақадар самимий, чуқур интернационалистик ва гуманистик эканлигидан, юксак маҳорати ва донолигидан далолат беради.

Ҳа, Гафур Гулом поэзияси хилқат ва ҳаёт фалсафаси билан сўғорилгандир, олишулар диалектикаси ва галабалар қонунияти билан нафас олади-гандир. Шу билан тақозо қилинган ҳолда, у ҳам оташнафас, ҳужумкор

ва ҳайқириқлидир, ҳам эрқаловчи ва оромбахшидир, майин лирикадан ва дилрабо оҳангдан иборатдир, ҳам коинот қорини ва колхозчи меҳнатини, ҳам кичкинагина чечак сир-асорини ва жажжинга кизча бахт-саодатини, ҳам муаммо тўла асрлардан иборат кечмишини, ҳам қайноқ бугунини, ҳам кети йўқ келажакни қамраб олади-гандир.

Йўқ, мен ошраётганим йўқ, ўзи шундай, аввало инсон тақдирини белгилайдиган ва жамият жумбоқларини ечадиган асосий масалалар ва омиллар билан яшайдигандир; шаффоф тоғ ёғдусидек ва зилол тоғ сувидек мусаффоидир. Шу туйғайли ақл ва адолат каби боқийдир, ҳаёт ва ҳақиқат учун кураш каби қудратлидир, ҳам реалистик, ҳам романтик характерга эгадир. Ҳам коинот, ҳам зарра унда акс этгандир...

Мана, чунюнки, унинг чўққиси — «Вақт» асари. У назм билан ёзилган том маънодаги бутун бир фалсафий трактатдир.

Унда нақл қилинишича, ҳақиқатан ҳам нақадар беқидёс қудратли ва ўта сирли омилдир вақт! Бир нафаслик муддат минг юлдузнинг сўниши учун етарлидир. Ёки яшаш соати қағирининг ҳар бири бориб келиши «бир олам замон» бўлиб, шу бир онда коинот ясаб чиқа олур янги жаҳонини. Ярим соат ичида ҳам тўғилиб, ҳам ўсиб, ҳам умри тугаб ўтайдиганлар бор. Шу билан бирга, шундай ўта қисқа дамлар ҳам борки, уларнинг ҳар бирининг мазмуни бутун бир баҳордир. Икки лаб илк марта қовушган бир зум икки севинчганнинг тақдирини ҳамшираликка ҳал қилади ва қўша қаришга муҳр бўлиб тушади. Ёки:

Рейхстаг устига галаба тугини
Қадашда отилган Советнинг ўқи —
Ялт этган умри-ла барқарор қилди
Вашарнинг муқаддас, олиғ ҳуқуқини.

Галаба амри-ла мағлуб немиснинг —
Генерали қўл қўйди. Уч секунд

Шу маълум имзода одамлар ўқир
Миллион йил фашистнинг умрига
лаънат...

Мана, Кремль куранти занг уриб, ҳар бир минута минглаб катта ҳодисалар рўй бераётганигини — қаҳрамон туғилиши, шаҳар олиниши ва гигант қурилишини қайд қилади.

Ҳа, ҳар бир онда улкан воқеалар, ўзгаришлар пайдо бўлади. Бинобарин, вақтнинг ҳар бири ош шу қадар қимматли ва ганиматки, унинг баҳосини ўлчаш учун олтиндан тарозу ва олмосдан тош қўйсанг ҳам озлик қилади.

Асосий гап яна шунда: Ленин, совет ҳалқи ва партия янги социал воқелик яратишда шундай улкан ишларни амалга оширмоқда ва шундай режелар туздилярки, шу билан вақтга янги мазмун, янги йўналиш ва янги сўрват бердилар:

Бебаҳо дамларнинг тирик жонин биз,
Ҳар ош ўтмишининг юз йилга тенг.
Варҳаёт Лениннинг авлодларимиз,
Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг.

Қаҳрада осмон акс этганиден,
Жаҳондай маънодор қорачўғимиз,
Голлиб асримизга қўшдай машғул,
Замон кўрасининг сўнмас чўғимиз.

Яна ҳамма гап шундаки, инсон учун меҳнат ва муҳаббат билан тўла фурсатларнинг уни азиз ва муқаррам

қилади. Ҳар шайхонинг муңаддаси вазифаси барча инсонларнинг орузи амалга ошадиган улуг бинога — янги жамият қуришга гишт қўймоқдир:

Ҳар лаҳза замоналар умридек узун,
Асрлар тақдирини лаҳзаларда ҳал.
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун
Қудратли қўл билан қўйлик ҳайнал.

Шу тарзда шоир бизда яратилаётган ва вақти келиб бошқаларда ҳам қад кўтартириладиган, бутун башариёт бахтини таъмин этадиган коммунизмин тарғиб қилади, бунёдкорларни жадалликка даъват этади.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, асар 1945 йилда ёзилган.

Қаҳрада қўш жо бўлганидек, бу шеърда бутун Гафур Гулом, таъбир жоиз бўлса, ёйилмаган ҳолда мавжуддир. Лаҳзалар замоналарга тенг келгани янглиғ, ундаги ҳар бир фикр, сатр, ҳатто сўзда ҳам бир олам маъно ва маҳорат бор.

Ҳа, шоир халқлар ва жамиятлар тақдирини ҳал қиладиган катта ҳақиқатин Ленин таълимотида қўлди, галаба қуролини Ленин асос солган партия раҳнамолигида кўрди, асрий орзулар ушала бошларини Ленин бошлаган совет воқелигини кўрди. Бутун ҳаёти ва ижоди маъносини шуларга хизмат ва садоқатда деб билди. Шимол музликлардан тортиб то ҳамшира ёздак жануб ашлликларига қадар кўркак кериб турган совет Ватани ва буюқ халқи билан узвий бирликда, болгликда ва ҳамқадамликда деб билди. Москва машинасози билан маълум маънода машинасоз бўлишда, қозоқ галлақори билан галлақор, пахта устаси ўзбек билан бирига пахтакор, озарбойжон нефтчисига маддакор бўлишда деб билди. Ҳуллас, энг гўзал коммунизмин ижод этишда ақил иштирокчи бўлишда, деб тушунди. Шундандир шоир севинчи:

Бебаҳо замоннинг бебаҳо умрин

яшаб,

Ижод билан ўтмоқда қимматли ой,

Яйлимиз.

Қўёшинг теварагини юлдузларга наби

куршаб,

Партия атрофида барқарордир

олимиз.

Шунинг учун ҳам фашизмга қарши қаратилган Улуғ Ватан уруши йилларида гитлерчи қаттол қотиллар билан шиддатли олишуларнинг энг ақил ва олдинги сафарига шоирнинг бўлганили, душманга қарши, умуман, қорат урушларига қарши ғазаб, алам билан, галабага ишонч ҳислари билан тўлган ва олов уфурган қатор-қатор ажойиб асарларини ёзганлиги буткул қонуний ҳолат эди.

«Сен етим эмассан» шулар жумласидандир.

Ёки «Соғинишнинг қуйидаги бошланғич сатрларида булган хаёли фронтдаги ўғлида бўлган интизор отанинг юракни ёндирувчи алами нақадар сода ва чуқур ифодаланган:

Зўр қаров йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда халқа-халқа ёш.
Энг кичик заррален Юпитерга
Узинг мураббийсан, хабар бер, қўёш...

Валик бир галат ўк, ё хавфу хатар
Халқнаг умримдан йўқотди олмос.
Нўқ, у ўлмас, қадамин олам яратар,
Ҳаётй бу олам сизу бизга хос.

Ҳа, ҳаёт, тарих шонидки, совет ҳалқи ва армиясининг галабаси натижасида дунё бўйлаб нақадар улуг ўзгаришлар рўй берди, ахир!..

Халқлар дўстлиги, биродарлиги ва инқилобий интернационализм муборизи ҳамда тарғиботиси бўлган шоир бир мамлакат доирасидан узоқ-узоқларга чиқиб кетди. Халқаро империализмин лаънатлади, мустанлакчиликни нафратлади, инглиз ишчисини ва итальян ишчисининг гамини еди, Америкадаги муҳтож дехқон ва таҳқирланган негр қайғусини қилди, африкаликнинг дардини чекди, курашувчи араба ҳам умид-ишонч бахш этди, қўлади, беҳт тулади. 1958 йилда француз қулдорлари Жаёзорини қул ҳолча қолдиришга қурол кучи билан уринганларид

ва бу диёрнинг жанчи қизи Жамилани ўлимга ҳукми қилганлариде, шoir оёққа туки туриб, ғазабини тўка солди ва жасурага имдод сўзини айтди:

Шарқдаги қуёш билан, ўртадаги ош билан,
Кекса кўзда ёш билан, шу чимрилган қош билан
Қасам ичиб айтаман: «Сен ўлмайсан, Жамила!
Сен ўлмайсан, Жамила, сен яшайсан, Жамила!»

Ҳа, улкан совет мамлакатининг улкан интернационалист шоири Гафур Гуломни бутун илгор инсоният тақдирини машғул этди, ўз партияси ва халқи билан биргаликда унга ёрдам беришга интилади, энг эзгу ниятда бўлди. Шу босидан уни чилилик Пабло Неруда ва турк Нозим Ҳикмат, покистонлик Файз Аҳмад Файз ва аргентиналик Рауль Гонсалес Туњон севдилар, асарларини Шарқда ва Ғарбда нашр қилдилар.

Мана, яна ўша мўъжизакор ва бутун дунёга достону донгдор Москва-нинг чароғи кўчалари, Ер куравадай вазмин, мазмундор ва кўк ғим-базидай кенг, улугвор кўринган Қизил Майдон; унда осмонлар минораларга ўрнатилган ёқут юлдузлар ва ҳамisha навқиронлигио гўзаллиги билан ҳар ёни беэни беэб, саф тортиб турган арчалар... Гафур ака билан

бу улкан шаҳарда жуда кўп марта бирга бўлганмиз. Мазкур ерларни, унинг серҳаракат кўнларини, соқит туллларини у жуда севарди. Шу Қизил Майдондан чиқмасам, дерди. Айниқса, Шарқнинг бошини силлаган буюк Ленин мақбараси олдига келганда, узоқ-узоқ тикилганча туриб қоларди. Шу эслашлар билан бирга, ҳозир кўзим ўнгиде ҳамон ўша Колонналар залидаги поэтик тантана ва ёп-ёруғ қандиллар, нафосатни олқишлашлар. Яна кулоғимда шоирнинг шеърий овози, ҳаёлимда унинг ажиб ҳаракатлари, жиддий фикр юритиши, шўҳ ҳазил-мутойибалари. Бутун дунёга қарата ҳар олтимш минутда бонгдай занг урадиган Кремль куранти ёнига келганимда, унинг ушбу ўта ажойиб шеъри бутун салобати билан Қизил Майдон буйлаб янграгандай бўлди:

«Эшит, Москва сўзлари!»
уйимдаги жарангос—
Қолган Шарқимизнинг ҳам
ўчиради уйқусин.
«Аврора» залларидек
жаҳон буйлаб бу овоз!
Уйғотар инсонларнинг
турме она туйғусин!
Мунчалар меҳрибонсан,
мунчалар чин инсонсан.
Мунчалар қадрдонсан, қадрдоним,
ога рус!
Қатор-қатор шеърлар яна кўз ўн-

гимдан бирин-кетин ўтаверди. Сўнгра уларга қуйдаги самимият тўла қуйма сўзлар улашиб кетди:
Қизил Майдон аро, кўкка кўксин кериб,
Еримиз маркази Кремль ётур.
Халқлар қўлешиг, ёрку бахтининг
Заволсиз тўениш бу ердан отур...
Ёқут юлдузлардан жаҳон уфқиға
Тинмайин оқари умид, ишонч. нур.

...Тонг отди. Меҳмонхонада биз ҳам қуёш билан бирга эрта турдик. Бутун Ер юзи халқларининг қиблагоҳи ҳисобланган муаъзам Москва-ни ҳамда муқаддас мақбарани апрель баҳори ва ифбатли офтоби қўйинда қолдириб, шу олжаноб, гўзал пойтахт улугворлигини ва тиркилар орасида тирик доҳий образини дилга жо қилган холда йўлга тушдик. Парвозда белгиланган соатлар ўтиб, ниҳоят, Сир соҳиллари, она юрт воҳалари ва навқирон Тошкент агрофлари кўрина бошлади: бор сепини буткул ёйган ажойиб кўклар ва ранг-баранг чечакдор ўлкам кўзга комил кўркамлиги билан ташлана бошлади. Шунда Гафур аканинг, кўклар дамлари мазмунини қамраб олиш учун «дунёдай каттақон китоб керак» деган сўзлари, унинг Май баҳори манзарасини чиғаван ва энг азиз орузи ифодаланган шу қуйма сўзлари тилда айлана бошлади:

Мўғултоғ курсисидан кўз ташлайман
Ватанга,
Лолали қирға ўхшар Май тоғини
байроқлари,
Ўшдан то Чупонота чулғанибди
чаманга,
Жонимнинг ўзгиниси яқини
Йироқлари,
Уфқим доирасидан достонча гуллар
териб,
Қачондир ушбу шеърим Сирдарёдай
оқолса,
Ватаним тупроғининг мағзи-мағзида
эриб,
Қатра-қатраларидан халқимиз гул
тақолса.

Нақадар тиниқ ва теран тилак!
Улуғ шоирнинг ҳам асосли, ҳам ушаларли орузи эди бу... Мана унинг забардаст шеърий овози бутун республикамиз буйлаб, бутун Ватанимиз буйлаб ҳамон янграмоқда.

...1983 сана. Ун йил ўтибди. Ҳа, ўз ўлмас асарлари билан ҳамон орамизда бўлган, ҳайқириқли шеърий овози ҳали ҳам баланд ва ҳужумкор янграётган буюк шоиримизнинг навбатдаги—80 йиллиг тўйи танталари юртимиз ва беповен диёримиз буйлаб кезмоқда: миллионларни гўзаллик ва Эзгуликка даъват этиб...

Ғ

АФУР Гулом билан ҳамсухбат бўлган киши беихтиёр тингловчиға айланиб қоларди. У зотнинг билмаган, қизиқмаган соҳаси йўқ эди... Билимга бўлган чанқоқлиги кишини ҳайратлантирарли даражада эди. Бу чанқоқлик умрининг сўнгигача сўнмади, балки кучая борди. Газета-журналлардан тортиб, бадий адабиёт, тарих, фалсафа асарлари ҳам, кимё, физика, биология, медицина, ҳатто космонавтика ҳам у кишини қизиқтирарди.

Акам Улуғбек ядро физикасига қизиқиб, Дубна шаҳрида илмий иш олиби бораб эдилар. Бу вақтда дадам ҳам ушбу фанга қизиқиб қолди. Кўпгина илмий асарлар, шу жумладан, Лев Давидович Ландаунинг асарларини кунт билан ўқиб чиқди.

Шу фан кишиларидан бири меҳмон бўлиб Тошкентга келганда, у билан отамиз бемалол шу фан ҳусусида баҳслашганида, меҳмон таъсирланган эди:

— Дадангизни шоир деган эдингиз, биз ҳозир у киши билан физик олим билан суҳбатлашгандек бўлдик. Агар шоир бўлмасам, албатта физик бўлар экан. Лекин унис бунисига ҳеч ҳалал бермайди,— деган эди.

Болалик таассуротларимда эса у зот ҳар бир фанин мукамал биладиган бир сиймо эди... Мактабда ўқиб юрган вақтларимизда математикадан бўшроқ эдим. Акамга: «Тушунтириб қўйинг», деб боргандан кўра, дадамдан ёрдам сўрашни ёқтирар эдим. У киши масалаларни бир пасда осон йўллр билан тушунтириб кўра эди.

Гафур Гулом аслида, энг яхши ўқитувчилардан бири эди. Унинг ҳамisha бизга ҳикоя қилиб берадиган «Учқун» мактаби ва унда ўқиган йигит-қизларнинг жуда тез савод чиқариб олганлари сабаби ҳам, балки уларнинг у кишидек ўқитувчилари бўлганлиги туфайлидир, деб ўйлардим. Музыка дарсларига қатнай бошлаганимда ҳам улар мени ўз тарбиясига олиб, кунт ва сабот билан ўргатишга киришиб кетгани эсимда.

Тарихий китобларни жуда қизиқиб ўқирдилар. Улардан бири инкларнинг каналлари ҳақида бўлса, бири римликларнинг давлат тузилишига оид

«БЕДИЛ ЎҚИР ЭДИМ, ЧИҚДИ ОФТОБ»

ОЛМОС

асарлар бўларди. Мен баъзан нимани бунча қизиқиб ўқияптилар экан, деб қизиқиниб, бир озгина ўқиб кўриб зерикардим:

— Бу тарихий воқеалар сизга нимага керак!— дер эдим.

— Қизим, тарихни билмай туриб, ҳозирги кундаги воқеаларнинг маъносини тушуниб бўладими!— дерди-

лар. Ешлигим туфайли бу гапларининг асл маъносига тушуниб етмасдим.

Дадам форс, араб, туркий тилларида бемалол ўқир, сўзлаша билар эдилар. Шу сабабли форс, араб, турк тилларида ижод этган шоирларнинг асарларини асл нусхаларида ўқиб, ўзбек тилига таржима қилиб бераб

эдилар. Низомий, Фирдавсий, Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Мунис, Қомил Хоразмий, Оғахий, Отойи, Муқимий, Фурқат, Аваз Утар каби классик шоирлар ижодини кунг билан ўрганиб, халққа маълум бўлган қирраларини очиб, кўпгина илмий ишлар яратган эдилар. Бу мақоаларнинг кўпчилиги Гафур Гулом ўн



Устоз Гафур ГУЛОМ дўстлари—кўп миллатли совет адабиётининг таниқли вакиллари—Меҳти ХУСАИН, Ғабиден МУСТАФИН, ОЙБЕК, В. КОЧЕТОВ, Т. СИДИҚБЕКОВ, Б. КЕРБӨБОВ, А. ТЎҚАМБӨВлар даврасида.

томлик асарларидада муносиб ўринни эгаллаган.

Фурқатнинг авваллари маълум бўлмаган Еркентдаги ҳаёти ва ижодига тааллуқли маълумотларни ўша вақтдаги газета ва журналлардан тўплаб ўрганган эдиларки, уларни ҳали-ҳозир адабиётшунос олимлар ҳам қизиқиб ўқийдилар.

Муқимий асарларини чуқур ўрган-дилар. Кўпгина адабий-танқидий мақолалар ёздилар. Сўнгра эса унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида яшаб, ижод этган шаҳрида музей ташкил этишда жонбозлик кўрсатдилар.

Кўкон шаҳрида музей ташкил этиш ишининг бажарилишини мунтазам кузатиб борди. Узбек классик адабиёти вакилларидан бири шоир Муқимий ижодига ҳурматлари нечоғлик экани шу биргина мисолдан ҳам аён бўлса керак. Кўконга ҳар гал борганида (дадам бу шаҳарга жуда кўп борар эдилар.) Муқимий ҳужрасини зиярат этмай, шеърларини қайта ўқиб, шеър мухлислари билан шеър-хонлик қилмай қайтмас эдилар.

Ғафур Ғулومнинг машҳур Бобораҳим Машраб ҳақидаги асари бу исёнкор шоирнинг номига доғ туширидан баъзи англашилмовчиликларни ойдинлаштиришга ёрдам берди, яъни бу эл ичра машҳур шоирнинг бир шеъри динга қарши бўлса, бири эса динни тарғиб этиши олимларини ҳам иккилантириб, шубҳага солиб юборди. Оқибатда шоир ижодий меросига тўғри баҳо бериш имкони йўқдай эди.

Ғафур Ғулومнинг кўпгина изла-нишлари натижада ўтинида икки Машраб бўлганлиги, бири Бобораҳим Машраб — дин, бидъатга қарши, иккинчиси Муллабўзи, яъни Машраби Соний тахаллуси билан шеър ёзиб, динни тарғиб қилган ва Бобораҳим Машрабдан 40—50 йиллар кейин яшаб ижод этган шоир бўлганлиги аниқланди.

Бобораҳим Машрабнинг диндорлар, сўфи шайхларнинг кирдикорларини фош этувчи шеърлари оддий халқ ўртасида катта муваффақият қозongan эди. Бу эса диндорлар об-рўсига пугур етказиши турган гап эди. Шу сабабли диндор шахслар Бобораҳим Машрабнинг обрўсини тўкиш мақсадида, иккинчи Машраб шеърларини атайлаб, исёнкор шоирнинг шеърларига қўшиб юборишган. Уша даврга мансуб кўпгина кўпёзмаларни кўздан кечириб, дадам шу илмий асосланган хулосага келган эдилар. Бу кашфиёт адабиётшунослигимизда катта янгилик бўлди.

Устоз шоирнинг шарҳ адабиётига қизиқиши ана шунанга бениҳоя эди. У киши ғарб адабиётининг ҳам зўр ихлосманди эди: Шекспир, Байрон, Шиллер, Данте, Вольтер, Лопе Де Вега, Гёте, Гёйне ва кўпгина бошқа

шоир ва ёзувчиларни жуда яхши кўрар эдилар. Шу сабабли бўлса керак, жаҳон адабиёти хазинасидаги кўпгина дурдона асарларни ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган эдилар.

Улар тинмай мутолаа қилар эдилар. Чой ичиб ўтирганларида, дам олиб ётганларида, поездда кетаётганларида, самолётда учаётганларида ҳам доим ўқир эдилар. У кишининг яхши кўрадиган одатлари қимми бўлмасин меҳмон қилиш, кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш эди. Яна бир фазилатлари давр талабидан орқада қолмаслигига интилиш эди. Инсонга яхшилик қилиш эса энг суйган хунарлари эди. Таржимаи ҳолларида ёзганларидек, жаҳон адабиётининг ноёб намуналарини ўша узоқ йиллар нарида, энди саводлари чиққанда ётқилиқнинг шуъласида ўқиб қўйган эканлар. Уларнинг хотира қувавлари ҳам жуда кучли эди. Эса қолдириш қобилиятлари яхши бўлганидан қомусий шоирга айланган эдилар. Етоқхоналаридаги хонтахта устида узоқ тунлар ўқиш учун ҳар хил китоблар турар эди. Улардан бири ҳозирги замон медицинасига оид бўлса, бири фиръавнлар ҳаётига тааллуқли бўлар эди.

То умрларининг сўнгигача иш столларининг устида Мирзо Абдулқодир Бедилнинг қизил чарм муқовалик «Куллиёти Бедил» китоби турар эди. Ешлигимда ҳам, кейинроқ ҳам мен шу катта китобда нималар ёзилган экан, деб ҳаёл сурар эдим. Нега ҳар доим уни қўлдан қўймай ўқийдилар, деб ўйлаганим ўйлаган эди. Бу китоб мазмунини айтиб берин, деб ҳол-жонларига қўймасдим. Шунда дадам:

— Бирор варагонин ўзинг оч, бармогингни қўйган ерингни кўрсатсанг, ўша жойини ўқиб сенга маъносини айтиб бераман,— дердилар ва мен варақни очиб кўрсатган еримдан у ёғини ёддан ўқиб кетардилар. «Единдан кўтарилмадикини», деб ўзларини синаб кўрар экан, шекилли, мен бўлсам:

— Нима деб айтибди,— дердим бесабарлик қилиб.

— Сен яхши қиз бўлар экансан, мен сени жуда яхши кўришимни ёзипти,— деб пешонамдан ўпиб қўйиб кулар эдилар. Мен у кишининг гапларига ҳайрон қолиб:

— Бу шоир ҳам сизнинг дўстингизми?— деб сўрадим. Дадам эса:

— Ҳа, албатта у менинг устозим, энг яхши дўстим,— дердилар. (Бу китобни Бедил ёзганигини, у биздан бир неча асрлар аввал яшаб, ижод

1 «Куллиёти Бедил» китобининг био-дағи нуسخасига дадамлар «1937 йил январь ойида бир чакана саҳобдан 150 сўмга олдим. Ғафур Ғулум» деб ёзиб қўйган эканлар.

этангани мен ўша йилларда билмас эдим.) Дадамнинг ўйчан бўлиб қолганини кўриб, бу гап ростлигига асло шубҳа қилмасдим.

Бедилнинг китоби бир жиҳатидан ўзининг катталиги билан, бир жиҳатдан эса ўқиёлмаганимиз сабабидан бизга сехри бўлиб туоларди. Дадам бирор нарсадан хурсанд бўлганларида ҳам, хафа бўлганларида ҳам мана шу китобни ўқир эдилар.

Эсимда, Ватан уруши охираб қолган эди. Ғафур Ғулум ўша йиллари Фурақат ҳақида катта асар ёзар эдилар. Уйимизга деярлик ҳар кун Узбекистоннинг таниқли шоирлари келишар эди, десам мулобига бўлмайди. Улар янги ёзилган шеър, мақола, фелетон, ҳикоялари муштоқи, ўзлари билан ҳамсуҳбат бўлиш бағтига мулласар бўлишдан гоат мамнун эканликларини айттар эдилар. Собир Абдулла, Ҳабибий, Сайфий, Бокий домла, Махжурий домлар билан шеърхонлик, Бедилхонлик қилишар, мушоира гоҳи тонгача улашиб кетар эди. Бедилхонлик вақтларида бу улуг шоирнинг кўпгина ғазалларига муҳаммас боғлашар экану негадир уларни ёзиб қўйишмас экан. Лекин Ғафур Ғулум машҳур «Соғиниш» шеърда:

Тонг отар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чинди офтоб.
Лойқа ҳавлётлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра симоб.—

деб Бедилни ҳар гал ўқиганларида кўнгли офтобдек қарақлаб кетишини, ҳар қандай вазасалар ўрнини ишонч эгаллаганини, умид куртаклари ниш уриб, дилни покиза ҳавллар чулғаганини гўзал лирик мисраларда ифода қилганлар. Бу шеърлардан анча кейин яна замондошимизнинг интернационал руҳини акс эттирувчи «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим», шеърда эса:

Шеър ўқийлик Лутфийдан,

Навоийдан

Бедил, Фурақат, Пушкин ила

Жомийдан

Кегин қолмай замона айёмидан.

Бедил ерсин мисралар илҳомидан.—

Бизнинг уйга қўниб ўтинг,

дўстларим!—

деганларига гувоҳимиз. Бедилга— устоз ҳақосига ҳурматлари, меҳрлари шумчалик эдики, пировақарида у улуг зот номини укамга қўйдилар ва уни ҳамиша бедилона севдилар. Дадамдан сўнг: «Куллиёти Бедилни варақлаб юриб, қатлари орасидан анчагина қизиқарли ғазаллар, болаларнинг туғилган йиллари, муҷаллари ёзилган қоғозларчалари, ноёб расмларни топиб олдик. Улар орасида Булгановичнинг хотираларидан кўчирилган бир варақ қоғоз ҳам бор эди. Унда жуда қизиқ воқеанинг баёни бор экан.

Лев Николаевич Толстойнинг Тулага

бадарга килинган Абдул Лоҳин билан суҳбатларига таалуқли гаплар эди улур. Бу хотиралар Ғафур Ғулумга нима учун керак бўлганини билолмадим. Балки, рус халқи улугъ эзувчисининг оддийгина бир ўзбек кишисига бўлган меҳрибончилиги, уларнинг ҳамфиқрияти яна бир ажойиб шеърининг яратилишига сабаб бўлиши керакмиди... ким билсин!

Бедилнинг ўша китобининг зарва-рақлари ичидан бир дона қуриган, кимдандир ёки кимгадир тақдим этилган чиннигул чикди. Биз уни Бедилдек улугъ сиймога Ғафур Ғулумдан гулчамбар деб қабул қилдик.

Ғафур Ғулумнинг ўш столларида қолган китоблар ичиде Камол Хўжаидийнинг асари, Шайх Саъдийнинг «Ғулистонининг туркийси, Толиб Ғабсиддин бини Химоиддин Муштариди Хондамирнинг «Мақоримул ахлоқ» асари бор. Тарихчи Хондамирнинг ижодини ҳам жуда яхши кўриб, ўғилларидан бирининг исмини шу муборак ном билан атаганлар. Ҳозир ҳам ўш столлариде Алишер Навоийнинг бир қанча ноёб китоблари, уларнинг орасида 1964 йилда Афғонистон сафарларида тушган суратлари сақланади. Уларда улугъ Алишер Навоийнинг қабрини зиярат этаётганлари, у муҳтарам зотга бағишланган ўз шеърларини ўқитганлари суратга туширилган.

Ғафур Ғулумнинг Алишер Навоийга, у кишининг буюк ижодига бўлган ҳурматлари чексиз эди. У кишининг бирдан-бир орзулари Навоий қабрини зиярат қилиш эди. Бу орзуга ҳам эришдилар. Бунга «Алишер Навоий қабри устиде» шеърларини мисол келтириш қифодир. Алишер Навоийнинг ғазалига муҳаммасини, «Тун ила тонгани ўзбек поэзиясининг аруз ваэнида битилган дурдонлариде» деб биламан.

Афғонистон сафаридан қайтганда ажойиб таассуротлар билан бирга, дадамда қандайдир ўқинч бордай туолди. Оддий афғон халқининг аянчи турмушини, афғон хотин-қизларининг ҳамон тутқунликдаги ҳаётини гапириб бердилар. Шунда афғон халқининг озоқлик йўлидаги мардон-навор курашлари зое кетмаслиги, Афғонистонда ҳам яқин орада қўш қиқшишга амин эканликларини башорат қилиб айтган эдилар. Афғон халқининг революционерларнинг алам касоси тулганини, интиқом ақиллигини зўр ҳаяжон билан айтган эдилар. Ушанда Ғафур Ғулум айтганларидек бўлди. Афғон халқининг орзулари ушадди. Энди афғонлар социализм йўлидан дағир бормоқдалар...

Бундай кутлугъ воқеалар Ғафур Ғулумни, уларнинг ҳамиша барҳаёт ижодларини қайта-қайта эсга соларди. Бу улугъ шоирнинг биз билан бир умр бирга яшашмақлари муқаррарлигини ифода этади.

Фан фарозлари

КОИНОТ ҲАМ АЙЛАНАДИ

Бундан бир неча йил аввал совет олими Р. М. Мурадьян Коинотдеги жисмларнинг бир-бирига боғлиқ бўлган айланшидан ташқари Коинотнинг ўзи ҳам бир бутун ҳолда ҳаракатланишини фарз қилган эди. Яқинда Англиядан келган бир илмий маълумотда, улкан радиотелескоплар ёрдамида ўтказилган астроно-

мик кузатишлар совет олимийнинг фарзини тасдиқлайди, деб таъкидланди. Шу муносабат билан Бюракант Астрофизик обсерваториясининг директори, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик В. А. Амбарцумян «Президент газетасининг Армавирстон ССР Бўйича муҳбири Ю. Аракелянга қуйидаги-

ларни ҳикоя қилиб берди:

— Кўпгина космик жисмларнинг — астероидларнинг, сайёраларнинг, юлдузларнинг, шунингдек галактикаларнинг ҳаракати — айланиб туриши узоқ вақтлардан бери маълум. Уз навбатда галактикалар группасининг ёки галактикалар тўдасининг ўзига ҳос айланишига мансублиги ҳам анчадан бери аён. Барча галактикаларнинг — улкан юлдузлардан иборат ороларнинг — бир қатор бошқа жисмлар билан биргаликдаги айланиши фанга маълум бўлган системага — маънадактика ёки астрономия Коинот системасига кирарди.

Асримизнинг янгирманчи йилларида Коинотнинг кенгаётгани, ёки, бошқача сўзлар билан ифодаланганда, галактикаларнинг бир-бири-

дан «қочаётгани» аниқланган эди. Мана, яқинда Жорджел БЭНК обсерваторияси ходимлари бўлган инглиз радиоастрономлари радиотелескоплар ёрдамида бир қатор ҳодисаларни кузатдилар. Бу кузатишлар Коинотнинг кенгаётгани ҳақида эмас, унинг айланиб туришидан ҳам гувоҳлик беради. Шу тариха физика-математика фанлари доктори Р. М. Мурадьяннинг фаразлари фақат сифат жиҳатидан эмас, қандайдир даражада миқдор жиҳатидан ҳам тасдиқланаётган.

Коинотнинг айланиши ҳақидаги назарий фарзнинг қўйилиши хусусида бир неча сўз айтиялик. Маълумки, ҳозирги замон космогония фанида космик жисмларнинг пайдо бўлиши ва ўсиши борасида ҳар хил қа-

рашлар мавжуд. Улардан бири сайракланган моддаларнинг юлдузларга ва бошқа қаттиқ осмон жисмларига тўпланиши ҳақидаги фаразга асослангандир. Бюракант Астрофизик обсерваториясининг кузатиш маълумотларига биноан ривожлантирилётган бошқа бир фараз ҳам бор. Кузатиш маълумотлари бўйича юлдузлардан туманиклар пайдо бўлаётганига асосланган бу фараз дастлабки ҳаддан ташқари зич массаларнинг аста-секин бўлиниб бориши мумкинлигини ҳамда айрим газсимон моддалар миқдорининг ажралиши муносабати билан зичлиги камроқ бўлган бошқа хил моддаларга айланишини тахмин қилади. Масалег

Давоми 14-бетда.

УТТИЗИНЧИ йилларда Каримберди мактаб ёшига етиб қолган эди. Уқувчилик йиллари ҳам тез ўтиб кетди. У ўрта мактабни тугатгач, отаси Йўлдош Охунбобоевдан маслаҳат сўради. Ота ўйлаб туриб, деди:

— Эр киши эл-юртнинг оғирига елка тутиши керак. Сен билан биз шунга даъват этилганмиз. Социалистик Жумҳуриятимизга ҳамма соҳалар бўйича оддий тракторчидан тортиб инженергача жуда кўп кадрлар керак. Хўш, ўзингнинг фикринг қалай?

— Паровоз машинисти бўлсам дегандим, — оҳиста жавоб қайтарди Каримберди.

— Жуда сози! — дея хурсанд бўлиб жилмайди ота. — Халқимизнинг узогини ақин, оғирини енгил қиладиган касб у. Ниятига ет, ўғлим!

Ёш йигит Тошкентдаги Паровоз машинистлари тайёрлаш техникумига ўқишга кирди. Уни битиргач, паровоз машинисти ардамчиси бўлиб ишлаш бошлади... Орадан йиллар ўтди. Фикри теран, янгиликка ўч йигитни Тошкентдаги бир йиллик партия мактабига ўқишга юборишди...

Каримберди совет идораларида ишлаб юрган кезлари унга бир воқеа қаттиқ таъсир қилди: Марғилондан Тошкентга меҳмон бўлиб келган кишилардан бири ўзи ишлаётган колхознинг қолоқлашиб қолганини, ҳалиям ўзини ўнглаб ололмаётганини, деярли ҳамма иш қўл кучи билан бажарилмаётганини айтиб берди. Каримберди эзтирбоғга тушди. Уруш абгор қилган юзлаб, минглаб колхозларда аҳвол ҳалиям оғирлигини у яхши биларди. Шу пайт отасининг: «Эр киши эл-юрт оғирига елка тутиши керак», деган сўзлари хаёлидан ўтди. Негадир у ўзини оғир ишлардан четга олиб юрадиган кишига қийслаб уялиб кетди.

Ана шу андиша уни эллагинчи йилларнинг бошида Марғилон яқинидаги Жуйбозор қишлоғига, ота юртига бошлаб келди. Ҳар қалай, техникадан хабарим бор, ҳеч бўлмаса колхозда трактор ва механизмлар ишини йўлга қўйишга қурбим етар, деб ўйлади у.

Каримберди бутун вужуди билан ишга шўнғиб кетди. У кечани кеча, кундузини кундуз демая елиб-югурди. Техникани яхши билиши бу ерда ҳам қўл келди. Ямоқ-юлюк, сурастига қолган тракторларга қайтадан «ожон» киритди. Далаларда тракторлар гуриллай бошлади.

Уша йиллари Ленин номи ихчамгина колхозда Йўлдош Охунбобоевнинг укаси — Каримбердининг амекиси Солижон тоға ҳосилот бўлиб ишлар, хўжалик раҳбарлари ҳам бу ажойиб, тадбирли деҳқон билан бамаслаҳат иш тутишар эди. Каримберди деҳқончилик сир-асорини қаттиққўл, талабчан бўлган шу амекисидан ўрганди.

Уруш қолдирган асоратлар битиб, давлат колхозларини турли машина ва механизмлар билан таъминлай бошлаган эди. Каримберди колхозга келатган ҳар бир механизмни ўзи кўздан кеңибар, слесарлик, шофёрлик ҳам унинг касбига айланиб қолган эди. Мустикал ўчиб-урганиш орқали ҳатто радиотехник ва электротехник касбларини ҳам эгаллаб олди. Буларнинг барчаси колхознинг турли юмушларида унга қўл келарди.

Бир кун уни раён партия комитетига чақирди. Райком секретари Ленин номи колхоз билан ёнма-ён бўлган камуқват «Қизилой» колхозига раислигини Каримберди акага таклиф қилиб қолди.

— Мен «Қизилойга раис бўлганимда, — деб ҳикоя қилади Каримберди ака, — ҳатто колхоз отларини боқиб учун бир тутам ҳам беда йўқ, хўжалик аъзоларининг турмуш шaroити ҳам бирмунча ноҳор эди. Мен минг ҳижолат ичида амаликдан қарзга маблағ ва беда сўрадим. У ҳеч вақо бермади. Устига-устак, ўзинг топсанг ширин бўлади, деб мени қайтариб юборди. Мен хафа бўлиб, Заркентдаги Сталин номи колхоз раиси, машҳур пахтакор Раҳимберди Тўхтабоевдан 100 минг сўм пул, Сада қишлоғидаги «Партия XIX съезди» колхозининг раиси Аҳмаджон Тўшбоевдан 50 минг боғ беда қарз олдим. Қаттиқ алам ўтиб кетган эканми,



аввал-баҳорданоқ ишга киришиб кетдик. Беда майдонларини кенгайтирдик. Колхозда тартиб, интизом ўрнатилди. Уша йилнинг ўзидеёқ пахта ва бошқа соҳалар бўйича белгиланган планлар ошириб бажарилди. Район партия комитети ва район ижроия комитетининг қарорига мувофиқ, зришилган катта муваффақиятлар учун колхозга битта юк машинаси мукофот қилиб берилди. Уша йиллар учун бу катта гап эди.

1950 йилда «Қизилой» колхозга бир неча хўжаликлар билан бирлаштирилгач, хўжаликка мохир деҳқон Тошпўлат Тўхтаназаров раис қилиб сайланди. Каримберди Охунбобоев унга муовинлик қила бошлади. Колхоз йириклашган, унинг пахта майдонлари 2 минг 150 гектарга етди. 1956 йилда ҳар гектар ердан биринчи марта энг юқори — 31,1 центнердан ҳосил кўтарилди. План ва мажбуриятлар ошириб бажарилди. Уша йили СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида мувофиқ Х. Тўхтаназаров, С. Охунбобоевларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Колхознинг ўнлаб илғор кишилари орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Каримберди Йўлдошевич колхоз аҳлининг бу қадар юксак обрў-эътиборга эга бўлишида амекисининг роли катта эканлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, бу тўғма деҳқон янги ерларни, айнисека, Писсоқ чуғларини ўлаштиришда, Катта Фарғона каналидан ариқ чиқариб, мазкур майдонларга сув чиқаришда бениҳоя катта хизмат қилганди. Шунинг учун бўлса керак, колхознинг Писсоқдаги участкаси базасида бунёд бўлган қўриқ совхозга «Солижонбод» деб ном берилган.

Очиқ эътироф этиш керакки, турли сабабларга кўра хўжалик раҳбарларининг тез-тез алмашишини мазкур колхоз ишига салбий таъсир кўрсатди. Ҳосилдорлик бирданга кескин камайиб, 22 центнерга тушиб қолди. Хўжалик иқтисодий жиҳатдан заифлашиб, тартиб ва интизом издан чиқди.

Колхозчиларнинг 1963 йилнинг февралдаги умумий йиғилиши Каримберди Йўлдошевич Охунбобоевни правление раислигига бир овоздан сайлади. Деҳқончилик ота касби бўлган, аини куч-қувватга тўлган йигит партия ва ҳукуматимизнинг оталарча гамхўрлигига таяниб, ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолатини яхшилаш, қўл қувиш ҳисобига экин майдонларини кенгайтириш, унга сув келтириш, ҳосилдорликни кўтариш ишига колхозчиларнинг ғайратини сафарбар этди. Хўжалик раҳбари доим кишилар орасида бўлди.

Хўжалик қадам-бақадам ўз мақодини тиклай борди. 1974 йилга келиб, ҳар гектар ердан 37,1 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 9 минг тонна пахта етказиб берилди. Ҳосил ҳам, даромад ҳам мўл бўлди. Ҳосилдорликни ошириш йўлидаги самарали хизматлари учун Каримберди Охунбобоев сўнги йилларда икки марта Ленин ордени, «Хўрмат Белгиси» ордени ва қатор медаллар билан мукофотланди. Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланди. Бошқа ўнлаб колхозчилар ҳам ана шундай ҳурмат ва эътиромга сазовор бўлдилар.

Йўлдош Охунбобоевнинг ўғли. Каримберди Охунбобоев, мана 24 йилдири, ота ўғитларини дилга жо этиб, катта хўжаликка моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор, Фидойи коммунист, камтар ва меҳрибон Каримберди ака раҳбарлик қилаётган хўжалик ўтган йили ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш бўйича белгиланган план ва мажбуриятларни тўлиқ бажариш билан ақунлади. Ҳар гектар ердан 33,1 центнердан пахта топширилди. Аввалги йилдагига қараганда 200 тонна пахта, 130 тонна дон кўп етказиб берилди. 810 тонна сўт, 105 тонна гўшт, 102 минг дона тухум, 95 центнер жун, 505 тонна мева-узум, қовун-тарвуз, сабзавот етиштирилди ва давлатга сотилди. Чорвачилик йилига неча ўн минглаб сўмдан соф фойда келтирмоқда. Хўжаликнинг ялли даромади 1982 йилда 5 миллион сўмдан ортиб кетди.

Каримберди Охунбобоев раҳбар бўлган хўжаликда тежамкорликка қатъиян риоя этилгани туфайли ҳар йили 300 бошдан зиёд қўй бурдоқига боқилиб, колхоз аъзоларига гўшт ва ёғ тақсимлаб берилмоқда. Бу ерда йилнинг апрелидан то декабригача даладагиларга бепул иссёқ овқат тайёрлаб бериш одад тусига кирган. Замонавий тилда қурилган қатор боғчалар, мактаб ва маданият саройлари, шифохона, магазин ва ишлаб чиқариш бинолари эл-юрт хизматида. Хонадонларга табиий газ келтирилган, юзлаб колхозчилар шахсий ангил автомашина, мотоцикл билан таъминланганлар.

Колхоз ахли КПСС Марказий Комитетининг Май ва Ноябрь пленумлари қарорларини давгига изчил тадбиқ эти бориб, бу йил ҳам мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга аҳд қилишган. Бу йил улар 6 минг тонна пахта, 700 тонна дон, 1000 тонна сўт, 150 тонна гўшт, 70 тонна пилла, 700 тонна қовун-тарвуз ва сабзавот, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш учун зарур бўлган барча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Тадбиркор деҳқон Каримберди Охунбобоев раҳбарлик қилаётган колхоз — Фарғона областидаги йирик хўжалиқлардан бири. Бу колхозда меҳнат қилаётган минглаб кишиларни раис деярли номма-ном биледи. Бу фазилат унга отасидан ўтган. Ота изидан боришининг шарофати туфайли у одамларнинг меҳрини қозонди, уларни эл-юрт ишига сафарбар эта билди. Колхозчилардан Маҳкам Мамаатов, бригадирлар Жамол Мамадалиев, Отажон Мусоев, механизатор Турғун Турдубоев, бош инженер Мўйдинжон Абдуқодиров каби ўнлаб, юзлаб ажойиб меҳнат кишилари билан у янги-янги довларини кўзлаб олган интилоқда. «Элдан айрилма» деган ота ўғити унинг йўлини ҳаммиса машъала қилиб ёритиб туради.

Абдулла РҲЗИЕВ

— Жамоат жам экан! Кираверинг-
лар, йигитлар,— деди ва уй эгасидек
дадил юриб, кўршишмоқ учун Тўлаш
акага кўл чўздади, гапида давом эт-
ди.— Биз область халқ контролидан
келдик. Мен Очил Қамчиев бўламан.
Бу икки йигит — бизнинг ёрдамчилар.
— Яхши, яхши,— деди Тўлаш Бер-
диев шошиб. Сўнг ўз ҳамроҳларини
Қамчиевга таништирди.

— Биз излаганлар шу ерда
экан,— деди Қамчиев хонадагиларга
синчковлик билан қараб.— Иш ўнги-
дан келганининг аломати бу. Хўш,
биз совхозда, эхтимол, бир неча кун
бўлармиз. Бизга бошпана берсалар-
рингиз.

— Совхоз меҳмонхонаси сизлар-
нинг ихтиёрингизда,— деди дирек-
тор.— Ҳозир сизларни олиб борамиз.
— Жуда соҳ! Шу бугунгоқ иш
бошлаймиз. Тегшишли одамлар биз
билан бирга бўлса.

— Бўлади! Ишни нимадан бошла-
моқчисизлар?— деб сўради дирек-
тор.

— Аввало фермани кўрамыз.
— Фермани?!— Таажуб билан
сўради директор.— Фермани куни
кеча райондан келиб ревизия қилиб
тугатишди. Ҳали якунини ҳам муҳока-
ма қилганимизча йўқ. Мана кўри-
шгиниз мумкин,— директор столдаги
папкага ишора қилди.

Очил Қамчиев директорнинг сўз-
ларига «ҳаммасидан хабаримиз бор»
дегандек бош қимирлатиб қўйди-да:
— Кераги йўқ,— деди.— Биз ўз
йўлимиз бўйича фермани кўриб чи-
қамиз. Қани, меҳмонхонага юрдик.
Авал жойлашиб олайлик...

Меҳмонлар ташқарига йўл олиш-
ди. Улар изидан Тўлаш, Ҳоким ва
Қолдибек чиқиди. Ҳоким Қолди-
бекни коридорда четга тортиб тай-
инлади:

— Бизникига уч! Яхшилаб дастур-
хон тайёрлашин. Меҳмонлар бора-
ди, де. Тезда изинга қайт!

Совхоз меҳмонхонаси идора ҳо-
лиснинг нариги томонида. Шафто-
лизор боғни кесиб ўтган асфальт
йўлқалар унга туташган. Тўлаш билан
Ҳоким меҳмонларни бошлаб меҳ-
монхонага киришди. Улар жойлаш-
гулларича ферма мудирини директорга
алланарсаларни пичирлаб узоқ ту-
шунтирди. Бу ўртада Қолдибек қай-
тиб келди. У Ҳокимга: «Ҳамма нарса
тайёр», дегандек кўз қисиб қўйди.
Очил Қамчиев папка кўлтиқлаб ич-
кардан чиқди.

— Бошпаналик бўлди. Энди
фермага бораск.

— Бир пиёла чой ичайлик. Кейин
майли.

— Хўп, иссак ичайлик,— деди
Очил Қамчиев ва йигитларни ёнига
чақирди.

— Қизчам касалхонага тушиб қо-
либди. Хабар олиб келай,— дея ижо-
зат сўради директордан Ҳоким атай-
лаб меҳмонларга эшиттириб.

— Тез қайтинг,— деб тайинлади
унга директор.— Чой ичиб, меҳмон-
лар билан биз фермага ўтамиз.

Ҳоким лапанглаб йўлга тушди.
Идора ёнида уч меҳмон, директор
ва Қолдибек «Газикка» ўтиришиб Ҳо-
кимнинг уйига келишди.

Очил Қамчиев машинадан тушгач
нақшдор дарвозага термулиб, мийи-
нда жилмайиб: «Зўр!» деб қўйди.
Йўлдаги қўш машинага қараб, яна:
«Зўр, зўр!» деди. У ҳазил қиляптими
ёки чиндан таажубланаётгани,—
буни билиш қийин эди. Ҳовлига кир-

гач эса пештоқига гул солинган, бў-
ёқлари ярқираган қатор иморатларга
термулди. Ҳовли пастиди янги уй-
ларга қараб турди. Кейин баралла:
«Жуда зўр!» деб қўйди. Тўлаш Бер-
диев уларни меҳмонхонага тақриф
қилди. Очил Қамчиев даҳлига кириб
одатича ҳамма ёққа тикилиб қаради.
Сўнг шляпасини қозикча илиб қўлла-
рини ювди.

Меҳмонлар ичкарига киришди.
Очил Қамчиевни меҳмонхона тўрига
ўтказишди. Дастурхон тўки эди:
гулдор кичик косаларда қаймоқ,
графинларда қимиз, тарелкаларда
увилган норин, қазим-қарта, патир,
ширмой нош, уч бурчак, думалоқ
сомсалар. Очил Қамчиев столдаги
таомларга нигоҳ ташлаб, кафтларини
бир-бирига ишқаб: «Зўр!» деб қўйди.
Тўлаш Бердиев лагандай патирин
олиб ушатмоқчи эди, Очил Қамчиев
уни тўхтади.

— Бир минут, гап бор! Биз қаер-
дамиз? Бу кимнинг хонадони?
— Ҳоким аканинг уйи!
— Ҳоким аканинг, яъни ферма
мудирининг уйидамизми? Оббо, қи-
зик бўлибди-ку! Биз суриштирмай
келаверибмиз. Урқоқ Бердиев, ке-
чирасиз, биз турамыз.
— Ия, қизикмисиз, нега?— дея
ажабланди директор.
— Биласизми, сизга қандай ту-
шунтирсам экан.— Очил Қамчиев
яна кафтларини бир-бирига
ишқаб.— Шу ҳар бир инсонда,
масалан, сизда ҳам, менда ҳам виж-
дон ва жиғилдон бор... Хўш, маса-
лан, менинг виждоним жиғилдоним-
дан олдинга жойлашган. Базиларни-
ки жиғилдондан кейинга, яна қайси
бировларники жиғилдоннинг ёнига
жойлашган бўлади. Бунақаси чатоқ.
Аммо яна бир тоифа одамлар бор-
ки, уларнинг виждони жиғилдоннинг
гоҳ ортига, гоҳ четига кўчиб туради.
Энг ёмони бирдан йўқолиб қолади.
Бу — дахшат...

Тўлаш Бердиев ва Қолдибек Очил
Қамчиевнинг ҳазил ёки чин сўзлаёт-
ганини, умуман, унинг нима демоқчи
бўлаётганини англай олмай, бир-бир-
ларига қараб, елка қисиб қўйишарди.
Икки меҳмон йигит эса жилмайиб,
гоҳ қиқир-қиқир кулишиб, бошлиқла-
ри оғзига термулиб ўтиришарди.

— Қисқаси,— деб гапига акун
яради Очил Қамчиев,— мен ва йигит-
ларим ҳам бу дастурхондаги ноз-
неъматларни ҳам қилолмаймиз. Са-
бабини ҳозир айтдим. Сизлар бема-
лол овқатланинглар. Бизга ижозат.

Очил Қамчиев ўрнидан турди.
Йигитлар ҳам кўзголишди. Тўлаш
Бердиев нима қиларини билмай, зўр
бериб бир гапни такрорларди:

— Ия, Очил ака! Илтимос, ўти-
ринглар, илтимос.
— Гап битта!— дея чўрт кесди
Очил Қамчиев.— Машина бизни ош-
хонага элтиб қўйсин.

— Яхши, бирга борамиз,— деди
Тўлаш Бердиев.

— Сизлар безовта бўлманглар.
Биз ошхонада андак овқатланиб
оламиз. Фермада сизлар билан уч-
рашамиз. Келишдикми?
— Илтимос, Очил ака!
— Биз ҳам илтимос қиламиз, айт-
ганимизни қилинг. Қани, йигитлар
юрдик.

ҲУБОБ

Қиссадан парча



Неъмат Ёқубовнинг «Ҳубоб» деб номланган янги қиссаси мам-
лакатимиз Озёқ-овқат программасини амалга ошириш учун кураша-
ётган қораводорлар ҳаётига бағишланган. Асарда давримизнинг ден-
гиз тўлкинидек жўшқин шижоатига тоб беролмай кўпликдек изсиз
кетган айрим шахсларнинг сохта шухрат ва худбинлик фожияси
тасвирланган.

Очил Қамчиев ҳамроҳларини эр-
гаштириб, меҳмонхонадан пилдираб
чиқди. Тўлаш Бердиев улар ортидан
бўзрайиб қараб қолди.

...Очил Қамчиев йигитлари билан
совхоз марказидаги ошхонада овқат-
ланиб олгач, зудлик билан фермага
қайтиб, текширув ишларини бошлаб
юборди. У молларнинг бош сони ҳи-
соб-китоби билан шуғулланди. Ер-
дамчи йигитларидан бири— Турғун-
бой фермадаги штатлардан фойдала-
наш масаласини ўрганган. Турсунбой
эса озунга ахволини текширишга ки-
ришди.

Касал қизини кўриш баҳонасида
қирдаги фермани тартибга солишга
кетган Ҳоким Ҳасанов кенга яқин
уйга қайтиб келди. У ревизорларнинг
ўз уйидаги безатилган дастурхонни
ташлаб кетиб қолишганини эшитиб
ёқсини ушладди:

— Бирон киши уларга оғир гап
қилмади?— деб сўради ўғлидан.

— Билмадим. Тўлаш ака кўп илти-
мос қилди, ялинди. «Бир пиёла чой
ичинглар», десалар ҳам унашмади.

Ҳоким ревизорларнинг кўнглини
ўзим топаман, деган ҳаёлда тайёр
чойга ҳам қарамай фермага келди. Бу
пайт Очил Қамчиев бузоқхонада бир
неча сут соғувчи ва бузоқбоқар қиз-
ларни атрофига йиғиб, улардан ни-
малернидир сўраб, катта дафтарига
ёзиб ўтирарди:

— Очил ака, ҳорманг,— деди му-
дир унинг ёнига келиб.— Бола-чақа
катта бўлгач, ташвиш ҳам ортаркан.
Бетоб қизимни кўриб келдим. Сиз-
лар билан ҳалигача гапирिशолма-
дим, узра! Чой-пой, одамгарчилик
дегандек...
— Ҳамма нарсанинг мавруди бор.
Ишимиз кўп.

— Иш қочмас. Юринг, сизнинг
бахонангизда мен ҳам бир пиёла
чой ичиб олай!

— Қизик экансиз, мен сизнинг
қўл-оёнгизини ушлаб турганим йўқ.
Бориб, чойингизни ичаверинг. Зарур
бўлсангиз, йўқлатмай.

Ҳоким нима деярини билмай жи-
миб қолди. Ферма мудирининг тек
қотиб турганини кўриб:

— Боринг, чойингизни ичинг, ме-
ни ишдан қолдирманг!— буюрди унга
Очил Қамчиев.

Мудир ўсал бўлди. У лапанглаб
бузоқхонадан чиқиб кетар экан, ор-
тига — қизлар даврасида ўтириб хан-
дон кулган ревизорга бир неча
бор қаради.

Бир чойнак чой ичар вақт ўтгач,
Ҳоким бузоқхонага яна кириб келди.
У ревизорни бугун биринчи кўрган
кишидек гап бошлади:

— Ҳорманг, Очил ака, чарчама-
дингизми? Бугунга етар. Қирдан чў-
поналар келишди. Зўр қимиз олиб
келишибди. Юринг, бир пиёла ичинг!

— Раҳмат. Мен қимиз ичмайман.
— Тоза қимиз!
— Тозасини ҳам ичмайман. Мен-
га ёқмайди.

Ҳоким яна лавлагидек қизариб,
ундан узоқлашди. У озунга цехига
йўл олди. Мудир озунга сифатини
текшираётган ревизор ёрдамчиси
Турсунбойни гапга солди.


— Укам, сўраганимни айби йўқ,—
деди у йигитга.— Бу, Очил ака қан-
дай таомни хуш кўради?

— У киши таом танламайди. Бо-
рини еяверди.

— Биронтасини яхши кўрар. Ҳар
қимда бир одат бор. Масалан, мен
норинни хуш кўраман. Биров палов-
ни.

— Очил акага барибир. Айтяп-
ман-ку, у киши овқат танламайди.

— Хўп. Ичкиликнинг қанақасини
хуш кўради?
— Ичмайди.
— Сира-я!



Расмини А. ХОЛИҚОВ чизган

— Сирал бир тонна ҳам ичмайди.
 — Укам, тўғриси айтавер. Мен сизларни бир меҳмон қилай дедим.
 — Тўғриси шу. Ишонмасангиз, ўларидан сўраг.
 Ҳоким Очилдан бунни сўрашга журъат этмади. У қош қорайшини сабрсизлик билан кутди. Ферма чи-роқлари ёнганда, ревизорлар ишларини тўхтатишди. Шунда мудар яна Очил Қамчиева рўпара бўлди.
 — Хизматингизга тайёрман,— дея икки қўлини кўксига қўйиб илтимос қилди мудир.— меҳмонимиз бўлинг.
 — Биз меҳмонга эмас, ишлашга келганмиз,— деди Очил Қамчиев.— Ҳозир ошхонада жиндек тамада қилиб, яна ёзув-чизува ўтирамыз. Вақт зик.
 — Ошхонанинг овқати бор бўлсин. Биз билан юринг. Бир пиёла чой ичинг.
 — Раҳмат. Сиз йўлингиздан қолманг. Эрта билан яна шу ерда учрашамиз...
 Ревизордан ҳафсаласи пир бўлган Ҳоким Ҳасанов ўша оқшом совхоз директори ҳузурига келди. Тўлаш Бердиев хонада ёлғиз эди:
 — Қирга бориб келдингизми?— сўради ундан директор.
 — Бордим. Чўпонларни ревизор келди, деб огоҳлантириб қўйдим. Бўриной чўпон хуноб бўлиб, бирини кузатмасиниздан иккинчиси келадими? Мазакхўрақка ўргатяссизми уларни, деб менга ўшқирди. Уларга кимнинг кузи учиб турибди. Қелишгач, ҳайдаб бўлмас, дедим. Қисқаси, эн-

ди кирдан кўнглим тўқ. Бу ерда ш чатақ-ку.
 — Ҳа, нима бўлибди?
 — Бу ревизор биз билан гаплаш-гиси келмайди, бир пиёла чой ичай-лик, десам, унамайди. Узи қанақа одам бу. Сиз гаплашдингизми?
 — Нимани гаплашаман. Парвози жуда баланд!— деди директор хона-нинг шифтига қараб.
 — Бизнинг уйдан нега чой ичма-ди?— бўшашиб сўради мудир.
 — Хайронман. Уртадан ҳеч гап ўтгани йўқ. Меҳмонхонага кириб ўтиргандик, у бу кимнинг хонадони деб сўради. Ферма мудириники, де-дим. Виждону жигилдон тўғрисида пекция ўқий бошлади. Жавраб-жавраб ўрнидан турди-да, йигитларини бошлаб чиқиб кетди.
 — Жуда совуқ одам экан!— Ҳо-ким одатича лунжини шишириб хўр-синди.— Гапга қулоқ солмайди. Ол-дидан борсанг тишлайди, ортидан ўтсанг тепадиган сўртидан экан.
 — Текшир-текширда юравериб лихи қайрилиб кетган. Яна гап чува-ти бўлмайди. Йўлини топиб, тезроқ тинчтинг.
 — Қуриб кетгур, ўша йўли топи-лаётир. Ердамчиси билан гаплашдим. У ҳам ланж.
 — Нима ҳақда гаплашдингиз?
 — Бошлигин қайси таомни хуш кўради, нима ичади, десам, овқат танламайди, ичкилик ичмайди, дей-ди...
 Сўхбат бўлинди. Хонга совхоз бў-лим бошқарувчилари, бригадирлар

бирин-кетин кириб кела бошладим.
 Директор Ҳокимни кечки плани-ровкага қатнашишдан овоз қилиб, фермадаги ишларини тезроқ тартибга солиб, ревизорлардан кўз-қулоқ бў-либ туришини тайинлаб, уни хонаси-дан чиқарди.
 Ҳоким Ҳасанов Очил Қамчиев би-лан «эрқақчасига гаплашиб олиш» учун совхоз меҳмонхонасига келди. Шафтолизор боғни кесиб, меҳмон-хонага яқинлашгач, беихтиёр тўхта-ди. Нима деб қиради, гапни нимадан бошлайди? Ахир, боя йўлингиздан қолманг, эртага учрашамиз, деб пи-сенда қилганди. Ҳоким Очил Қамчи-ева рўпара бўлишдан чўчиб, ўйла-ниб қолди. У ортига қайтиб, қоронги дарахтзор оралаб, меҳмонхонанинг орқа томонига ўтди. Дераза қия очиб турар, ташқари илганмас, хона ичка-риси кўзга ташланиб турарди. Ревиз-орлар меҳмонхонанинг катта залида думалоқ стол атрофида қизгин суҳ-батлашиб ўтиришарди. Ҳоким оёк-унда юриб очиб деразага яқинлаш-ди. Ичкаридаги суҳбат чала-чулпа қу-лоғига чалинди:
 — Хўш, Турғунбой, нималар аниқ-ланди?— Очилнинг овози баралла эшитилди.
 — Фермада бир неча «ўлик жон-лар» бор экан.
 «Улик жонлар!» дегани нима экан, ўйлади Ҳоким қошларини қамириб.
 — Қимлар экан?
 Қамчиевнинг саволида хайл су-риб турган Ҳоким чўчиб тушди. Ичкаридаги йигит нимадир деб

жавоб берди. Ҳоким уни англай ол-мади. Дам бўлмай ревизорлар хо-лоб қулишди:
 — Ҳатто хотинини ҳам «ўлик жон-лар» ичига тиқиб қўйибдими!— деб сўради Очил Қамчиев.
 — Одамлардан сўрадим, йилда бир марта ҳам фермада қораси кў-ринмасмиш.
 — Хўш, сизда қандай гаплар бор, Турғунбой?
 — Очил ака, гап кўп... Буларда ҳа-шак билан беданинг аниқ ҳисоби йўқ. Беш тоннали ҳандақлар етти, етти тонналикка ўн бир тонна силос бостирилган, деб ҳужжат тузилган.
 — Хуллас, укалар, чуқурроқ ко-валаштираверинглар. Иш чатақ! Сигир-бузоқлар штатини роса қиратибган. Бу ерда қаллоблар ўн курганга ўх-шайди.
 Очил Қамчиев ўрнидан турди. Де-разага яқинлашди. Ҳоким эса шоша-пиша ортига, шохлар ораси — қорон-гиликка тисарилди. Ревизор қўлидаги папирос қолдигини ташқарига ири-тиб, деразани ёлиб қўйди. Ҳоким эса шафтолига елка тираб, ёғду та-ралаётган деразага узоқ термилиб турди. Шафтоли шохларидан ўр-малаб ўтган, тўкилган қуруқсалар унинг боши, елкаси, бутун аъзои ба-данига тарқала бошлади. Ҳоким эса жонсиздек, буларни сезмас, унинг ҳаёлини меҳмонхонадагилар суҳбати банд қилган эди. Текширувчилар о-ғиздан чиққан ноаниқ, аммо даҳшат-ли «ўлик жонлар», «қаллоблар» сўз-лари юрагига бигиздек санчиларди...



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ориф ҚОСИМОВ



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Орифхон ХАТАМОВ

Наботот оламида

КОНТОПАР ЎСИМЛИКЛАР

Ер юзесиде ўсаётган ўсимликнинг таркибини текшириш орқали шу ердаги тупроқ ости қазилма бойликларини аниқлаш мумкинлигини фанда биринчи бўлиб машҳур геолог олим, Ленин мукофотининг лауреати Ҳабиб Абдуллаев очган эди. Олимнинг аниқла-дан ташқари шакли, шохча-ларнинг жимжимадор буки-лиши ероти хазинасининг индикатори вазифасини ўтайди. Бу кашфиёт ероти қазилма бойликларини топишда геолог олимлари-мига катта ёрдам бермоқ-да. Яқинда Ленинград Дав-лат университети ботаник-ларининг БАМ қурилиши зонасидан йиғиб келган ўсимликлар коллекцияси орқали геологлар шу ўсим-ликлар ўсган ерда яна бир кон борлигини аниқлади-лар.
 Университетнинг ботани-ка-география кафедрасида

фойдали қазилмалр қиди-ришнинг биохимик усулла-ри ишлаб чиқилмоқда. Экс-педициянинг Кольск ярим оролларида, Қозогистон-дан, Байкалбўйидан кел-тирилган материаллари бў-йича икки юз номдан зиё-роқ «контотпар» ўсимлик-ларнинг рўйхати тузилди. Чунончи, Тува қайини да-рахтларининг буқоқлари ко-бельт сақланишининг юк-саклигини кўрсатса, Урал-даги пуштиранг уйку гивх гулининг оқариши никел тўпланишининг аломатидир. Олтой чиннигулларининг кў-риниши бўйича мис қатла-лари аниқланди.
 Ероти сувлари билан бирга ўсимлик ўз-илдила-ри орқали таналарига ер-нинг чуқур қатламлари ми-кроэлементларини ҳам сў-риб олади ва тўқималарида асрайди.

ЮСАКЛИК — УМРБӨҚЙЛИК

Табият мўъжизалари би-лан тўла гўзал тоғ днабаир-ларда яшовчиларнинг узоқ умр кўришлари ҳаммамизга

маълум ҳақиқатдир. Аммо текширишлар шунни кўрсат-дики, тоғ иқлими, бу ерда-ги муссаффо табият дарах-тларининг ҳам узоқ умр кў-ришларини таъминлайди. Айрим тур дарахтлар во-дийда яшаган умрига нис-батан тоғда икки баравар ва ундан ҳам кўпроқ ҳаёт кечирмоқдалар. Масалан, Тянь-Шань тоғи этакларида ўсган арчанинг маълум бир тури кўпи билан 150 йил яшайди, худди шу арча ту-ри юксак баландликда 500 йилгача умр кўради. Енгоқ дарахти оддий шароитда 100 йил, 1700 метр баланд-ликда эса 300 йил яшайди.

ЎСИМЛИК СУТИ

Коста-Рика мамлакатида гаройиб бир дарахт ўсади. У «сигир дарахти» деб ата-лади. Бу бежиз эмас. Агар бу дарахтининг танаси кўн-даленгига кесилса, ундан таъми ва ранги худди сигир сутига ўхшаш оплоқ суюқ-лик оқади. Бу суюқликини сигир сутининг ўрнида бе-малол истеъмол қилинаве-ради. Маҳаллий халқ та-биатнинг бу нодир неъматни бўлган «сигир дарахтларини» экиб ўстирадилар, айрим тажрибали «сут соғувчилар» ҳар бир дарахтдан бир кун-да ҳатто ярим литрдан ор-тиқ «сут» соғиб оладилар.

БИОСФЕРА ЎЗГАРИШИ МУМКИНМИ?

Ўзбекистон Фанлар академияси Биосферани муҳофаза қилиш комиссиясининг раиси, медицина фанлари доктори, профессор Валерий Борисович ДАНИЛОВ билан сўзбат.

Мухбир:— Валерий Борисович! Атрофимизни ўраб турган биосфера ва унинг моҳияти ҳақида бир-икки оғиз гапириб берсангиз.

Профессор:— Биосфера ернинг ҳаётга мақом бўлган, тирик организмлар яшайдиган қисми демакдир. У ер юзининг океани, денгизи, кўл ва дарё сувлари билан қопланган қисми — гидросферани ҳамда ер қобиғининг устки қисми — литосферани ўз ичига олади. Бу қатламлар моддалар ва энергия айланишидек мураккаб биохимиявий циклар билан ўзаро боғланган. Коинотда биосферадан ташқари ҳаётга мақом бўлган бошқа қатлам йўқ.

Биосфера дунёда тенги йўқ гўзалликлар манбаи. У инсонда барча нолик хис-туйғуларни тарбиялайди. Биз гўзаллик тушунишини табиатда мавжуд бўлган рангларга, тиниқликка, улугворликка нисбатан бериб идрок этамиз. Кўшнинг ҳар субҳидан тоғлар ортидан заррин нур сочиб оқизта чиқиб келиши, кўм-кўк мейсозорлар, долалар ёноғида титраб турган шабнам, анҳорларнинг бўйларидан ниш урган ялизи, чашмалар, шаффоф дарё — буларнинг ҳаммаси бизга табиат яратган таърифга сизмас буюк эҳсондир.

Мухбир:— Қаранг, шундай бир бетимсол гўзалликларни баъзан топтайдилар, табиий бойликларни аямай горат қиладилар!

Профессор:— Аслида бизга ҳаёт бахш этган, бизни боқайтган ҳам мана шу биосфера манбалари. Ҳатто тарихда шундай дэврлар бўлганки, кишилик жамияти ўзининг турли эҳтиёжларини табиат яратган тайёр маҳсулотлар билан қондирган. Ҳар қандай шафқатсизлик қилган

кимса табиатнинг қаҳрига дучор бўлади, деб ўйлаганлар. Паррандларданларини овлаш гуноҳ саналган. Бу бежиз эмас эди. Дарҳақиқат, табиатнинг бирор компонентига кўрсатилган арзиманган таъсир ҳам қуттилмаган хавфли ўзгаришларга, биосфера мувозанатининг бузилишига олиб келади. Бунга кўпроқ ижтимоий тузум сабаб бўлади. Капиталистик мамлакатларда келажакни ўйламай, табиий бойликларнинг ҳаммасини бир йўла ишга солиш, ҳавонин зарарлантириш, ер ва сувга химиявий ҳамда биологик чиқитлар билан таъсир этиш — буларнинг ҳаммаси инсонни маънавий қашшоқликка, психик ҳамда жисмоний заифликка олиб келмоқда. Буржуа билимдонлари эса бу экологик тангликни илмий-техника тараққиёти билан боғлайдилар. Улардан бири бу тангликдан кутулиш учун цивилизацияни, тараққиётни тўтатиши ва ўтмишга қайтишни тарғиб қилса, иккинчиси бу жараёнга умуман аралашмаслигини ақлаб чиқади. Учинчи тоифа сийбатдонлар эса табиат ресурсларининг камбўла бўлиши, озиқ-овқат маҳсулотларининг қамайиши, энергия танглиги, биосферанинг бошқа муаммоларини ер юзюда аҳолининг ўсиши билан боғлайдилар ва буни фақат мамлакатлар ўртасида бўладиган урушлар ҳал қилади, деган пессимистик сифатларини тарғиб қилмоқдалар. Бу фикрлар мутлақо асосиз, албатта.

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилишнинг барча асосий масалалари бўйича мукаммал тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Биосфера манбаларидан фойдаланишни мукамаллаштириш, фойдали қазилма ва минерал хомашёларни қазиб олиш ҳамда қайта ишловлардан улардан тўла ва комплекс фойдаланиш соҳасида ташкилот ҳамда корхоналарнинг масъулиятини ошириш, саноат, коммунал ўжаликлар чиқиндилари, захарли моддалар билан туپроқ, сув манбалари, ҳавонинг ифлосланишининг олдини олиш, теварак-атроф муҳитни муҳофаза қилишда ҳар бир гражданинг шахсий масъулиятини ошириш шулар жумласидандир.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиат бойликларидан тўғри фойдаланиш ишларини яхшилаш борасидаги мукаммал программа КПСС XXVI сьезида қабул қилинди. Партияимизнинг XXV ва XXVI сьездлари материалларида эса у янада ривожлантирилди. КПСС XXVI сьезида ва Ўзбекистон Компартиясининг XX сьезида қарорлари, шунингдек, «СССРнинг 1990 йилгача бўлган Озиқ-овқат программаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII (1982 йил, сентябрь) Пленумининг табиат муҳофазасига бағишланган материаллари олимларни туپроқ, наботот ва ҳайвонот дунёси, ҳаво ҳамда сув ҳавзаларини муҳофаза қилишга, улардан фойдаланишини илмий асосларини яратишга даъват этди.

Республикамизда фаннинг бу борасидаги кўп томонлама нуктаи-назарини

ни бир-бирига мувофиқлаштириш Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Атмосферани муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан тўғри фойдаланишнинг регионал проблемалари илмий кенгаши» зиммасига юклатилган. Мазкур кенгашга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, академик Обид Содиқов раслик қилмоқда. Илмий кенгаш аъзолари республикада биосфера масалалари бўйича тадқиқот ишларининг ҳозирги аҳолини тахлил қилиб, табиатни муҳофаза қилишнинг 20 йилга мўлжалланган программасини ишлаб чиқдилар.

Маълумки, қардош республикалар орасида Ўзбекистоннинг ҳам ўз ўрни бор. У қадим замонлардан оқ ўзининг табиий бойликлари, қулай об-ҳаво шароити билан кўпгина мамлакатларни мафтун қилиб келади. Биосфера манбалари республикамиз саноатини энергетика, химия, тоғ-металлургия, рангли ва қора металлургия билан таъминлаб келади.

Булардан ташқари, Ўзбекистон асосан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, пахта ўлкасидир. Республикда пахта етиштириш қанчалар машаққатли иш эканини ҳаммамиз яхши билаемиз. Зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда ҳамда пахта дефляциясига ишлатиладиган химикатларнинг аввало инсон соғлиғига, жониворларга, сувга, доривор ўсимликларга салбий таъсир кўрсатадиган турларини ишлаб чиқиш, атроф-муҳитни ишлаб чиқаришдан ажратиб олиш ва таъсир кўрсатадиган зарарли таъсирдан химоя қилиш, атроф-муҳитга таъсир кўрсатадиган технология жараёнларини қидириб топиш, саноат тармоқларининг чиқиндисиз ишланиши таъминлаш — булар ҳаммаси ўз ечимини кутаётган зарур муаммолардир.

Мухбир:— Бу борада илмий-тадқиқотлар қилган олимларимизга эътирозлариниз ҳам йўқ эмас...

Профессор:— Фикрингизни тушундим. Қишлоқ ҳўжалигида инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган захарли химикатларни тасвия этганлар, селитра ёрдамида маҳсулотни «семиртириш» ҳисобига фойда олаётганлар, оқибатини ўйламай, ҳавонин, сувни булғайганлар қонун йўли билан жазоланганга лойиқдирлар.

Мухбир:— Чимён тоғ ён бағирларида ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдим. Аҳоли тоғлар бағридан отилиб чиқётган чашма сувидан фойдаланишдади. Дарё ҳам чашма сувидай тиниқ оқади. Шунинг натижасимикан, бу ерда етиштириладиган мевалар, экинлар шу қадар тогли, хушбўй, фойдалики, таърифига сўз тополмайсиз. Бироқ, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган ҳўжаликларда аҳоли ачинарли. Айтишларича, бу ерда кейинги вақтларда дарё сувидан сугорилаётган экинларнинг ичи говак, ўзи ҳам қандайдир таъминини йўқотаётган, помидорлар тахир бўлиб пияшайтган эмши.

Профессор:— Бунга дарёга йўл-йўлаккай ҳар хил оқова сувларнинг қўшилиб, ифлослантириши сабаб, албатта. Урта Осий тарихида сув қанчалар қадрлангани эсланг. Юнон тарихчиси Геродот Урта Осий халқларининг сувга муносабати ҳақида қанчалар ҳавас ва беқийс ҳурмат билан ёзади: «Улар дарёларни ножин кичиндилар билан бўлғашмайди. Ҳатто дарё бўйида кўл чийишмайди. Улар дарё тимсолида илохий бир қудратдан бошқа ҳеч нарса ни кўришмайди». Игна бўйи сув ҳалол» деган ибора ҳам ана шундан келиб чиққан бўлса керак...

Мухбир:— Эндиликда эса тизза бўйи оқар суви ҳам истеъмол қилиш мумкин бўлмай қолди. Бунинг сабабларини тушунириб бера оламизми? «Бирники мингга, мингники туманга», деганларидек, нега айрим худбинларнинг суви ифлослантиришдан юзлаб ҳалол, меҳнатсевар одамларимиз жабр тортишлари керек?

Профессор:— Республикаимиз шароитида экинзорлардан чиққан оқова сувлар истеъмол учун мутлақо яроқсиз, албатта. Ерга солинган минерал ўғитлар, пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинларининг зараркундаларига қарши ишлатилган захарли кимёвий дорилар оқова сувлар тарихида дарё ва сув омборлари келиб қўйилмоқда. Республикамизнинг асосий сув манбаи бўлмиш Амударё, Сирдарё, Қорадарё, Зарафшон, Чирчик, Оҳангарон дарёлари келиб тушаётган оқова сувлар тозаланмаёпти. Натжидада бу дарёларнинг суви аммон, фенол, рух қуйқалари билан захарлангани аниқланди. Феноллар сув тарихида йил ўн икки ой сақланиб туради. Инсон ва жониворларнинг саломатлиғига хавф солади.

Шунингдек, сувга тўкилган бир литр бензин ҳам ўнлаб километр сув сатҳини ҳаво ўтказмайдиган парда билан қоплашга етади. Натжидада сув ости ўтлари, бақилар, турли хил жониворлар ҳалок бўладилар. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича белгилаётган чора-тадбирларни эса баъзи корхоналарнинг раҳбарлари писанд қилмаётдилар. Олмалик Кон-металлургия комбинати, Мис эртинш фабрикаси, Рух заводи, Тошкент Кабел заводи, Янгйўли Биохимия заводи, «Ўзбекгазмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхоналар ва ташкилотларда биосфера муҳофазаси юзасидан берилган кўрсатмалар мутлақо қонқарсиз бажарилаётди. Уларда ишлаб чиқариш жараёнида ҳавога тарқаладиган чангини йўқотиш, ишлатилган сув ва газни қайта тозалаш аппаратлари сув қўлланилаётди.

Автотранспорт бошқармалари қошида машиналарни тозалаш ишоотлари куриш кўпгина раҳбарларнинг эсига келмаёпти. Машиналар аксарият ҳолларда одамлар истеъмол қиладиган оқар сувлар бўйида ювликмоқда. Йирик саноат корхоналарининг биосфера манбаларига бу хил салбий таъсир натижасида кейинги ўн йил ичида аксарият катта шахарлардаги ариқ ва анҳорларнинг зилол сувлари ифлосланиб, истеъмол учун яроқсиз бўлиб қолди.




Томчида кўёш ақс этади. Эндиликда сувнинг ифлосланишига қарши қатъий чоралар белгилаш, ҳар хил захарли моддалар билан сув манбаларига таъсир этишни тўтатиш олимлар олдида турган долзарб масъала бўлиб қолди. Ахир, умуман олганда ер юзюдаги сувларда 180 мион хилдан зиёд ўсимлик ҳамда тирик жонивор мавжуд. Улар миллион йиллардан бўён инсонга хизмат қилиб, табиатни безаб келмоқда. Океан ва денгизлардан ҳар йили 55 миллион тонна балик тутилади. Демак, сув ости хазинаси инсонни озиқ-овқат билан таъминламоқда. Суви бўлғаш эса мана шуларнинг ҳаммасидан бир йўла маҳрум бўлиш деган гап.

Булардан ташқари, океан ва денгизлар ер юзини тоза ҳаво билан таъминлаб турувчи, дунёда тенги йўқ мўъжиза ҳам. Она Ўзбекистонимизда эса сув деҳқончилик экинларининг, ҳар миқсоли олтинга тенг бўлган пахтаимизнинг асоси, энергетика ва балиқчилик ҳўжалиги манбаи.

Мухбир:— Айтинг-чи, сувнинг ифлосланишининг олдини олиш учун олимларимиз томонидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Профессор:— Суви муҳофаза этиш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланишни тўғри ташкил этиш борасида «Ўзбекгидрогеология» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Урта Осий ирригация илмий тадқиқот институти, Тошкент Давлат университетини, ЎзФА Санитария-гигиена профилактикаси, Пахта целлюлозаси химияси ва технологияси, Микробиология, Сейсмология, Геология ва геофизика илмий-тадқиқот институтларининг олимлари ишланмоқдалар.





Фаргона областининг Езёвоң массивида йирик «Целенник» дон-чорвачилик совхозини ташкил этиш ишлари қизғин олиб борилаётир. Хўжалик 10 минг бош қорамолни сўқимга боқиш ва уч минг гектар ерда озуқа экинлари ўстириш имкониятига эга бўлади. Суратларда: 1. Қум барханлари билан қопланган қўриқ ерлар. 2. Топографлар қўриқ ер рельефини ўрганмоқдалар. 3. Қўриқни текислаш ишлари қизғин бораётир. 4. 9-Қурилиш трестининг 149-кўчма механизмлашган колоннаси гишт терувчилари А. Отажонов ва З. Йўлдошев янги совхоз посёлқасини қуришда фаол қатнашмоқдалар. 5. Совхознинг янги қорамолчилиқ фермаси.

В. Баснаков ва К. Тошпўлатов
фотолари

2

4

Фан фаразлари

Боши 9-бетда

Бундай ёндошиш бошқа астрофизик ҳамда физик кузатув методлари билан уйғунлашгани ҳолда энг янги, муҳим космогоник хулосалар ва тахминлар учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ана шу хулосалардан бири бир бутун астрономик Коинотнинг ҳаракатдалиги— айланиб туриши эҳтимолидир. Р. М. Мўрадян 1975—1976 йиллари суперэдрон деб аталмиш ўта оғир элементар зарралар ҳақидаги тушунча бўйича шундай хулосага келди. Гап шундаки, ҳозирги замон элементар зарралар физикаси тушунчасига кўра, жисм билан унинг айлиниш вақтининг лаҳзалари орасида ўзаро чуқур алоқадорлик мавжуд. Агар астрономик Коинотни шартли равишда «биринчи эдрон» деб аталмиш битта ўша оғир элементар зарра-

нинг бўлинишидан пайдо бўлган, деб тасаввур қилсак, кузатаётганимиз Коинот назарий жиҳатдан минг миллиард йилда бир марта айланиб чиқишни ўтайди, деб назарий фараз юритиш мумкин. Коинотнинг ёши тахминан 20 миллиард йил экан, демак бизнинг оламимиз ўзи барпо толганидан буён ҳали ҳатто бир марта ҳам айлинишга улгурмабди.

Метагалактика айлиниши фактининг кузатувлар воситасида тасдиқланиши, менинг назаримда, Бюракон космогония назарий хулосасининг бундан кейинги тараққиётига хизмат қилади ва ҳозирги замон фанининг бир қатор фундаментал масалаларига янги эңдошишни талаб этади.

(«Правда», 1983 йил, 31 январь)

5



Хар гал Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат Политехника институтига кириб борганимизда бош корпуснинг остонаси деворига осирлик мўътабар олимларнинг суратлари қаторидан жой олган кўзойнакни, таниқли алломанинг самимий сиймоси диққатимизни тортади. Етуқ олим, жамоат арбоби, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Гофур Раҳимовнинг шонли ҳаёт йўли кўз олдимиздан ўтади.

Отаси вафот этганида Гофур ҳали мактаб ёшига ҳам етмаганди. Аккалари — атоқли маориф ўқитувчиси, биринчи ўзбек алифбоси «Соғва» ва бошқа қатор дарсликлар муаллифи Шокиржон Раҳимий, республикада кўзга кўринган тилшунос Собиржон Раҳимийлар адабиётчи эдилар. Гофуржон бошланғич маълумотни улардан олди. Сўнгра аккалари уни Тошкентнинг Хадра маҳалласида ташкил этилган «Намуна» мактабига ўқига бердилар.

Гофур мактабда кейинчалик ёзувчи бўлиб етишган Ойбек, Ҳомил Ёқубов, Мирқарим Осимлар билан бирга таълим олди. Илгга бўлган чанқоқлик уни Ленинград Давлат университетининг ишчилар факультетига етказди. Ишчилар факультети университетнинг тайёрлов бўлими ҳисобланар, унда Россиянинг турли областларидан келган ёшлар ҳам ўқир эдилар. Студентларнинг кўпчилиги 23—24 ёшларда бўлиб, Гофур уларнинг орасида энг кичиги эди. Ўқинишнинг дастлабки кунларидан бошлаб Гофур ўзига рус тили сўз бойлиги етарли эмаслигини сезди. У вақтда русча-ўзбекча луғат ҳали тузилмаган, айрим сўзларнинг эквивалентини топиш ва мазмунини тушунишда қийналарди. Рус курсдошлари унга яқиндан ёрдам бердилар. Лекин бари бир дастлабки ойларда Гофурнинг дарслардан ўзлаштириши паст бўлди. Ҳатто бир кун билганларини дарсада сўзлаб беролмай қийналганидан Тошкентга қайтиб кетиш фикрига ҳам борди ва бунга хат орқали ундагиларга маълум қилди. Мактаб унинг онаси Шарофат аяни қаттиқ ташвишга солди. Дарров катта ўғли Собиржонни топиб:

— Эртага эрталаб Петроградга жўнайсан, уқандан хабар ол. Йўқ десанг, тилмоч ёллаб ўзим бораман,— деди.

Шарофат ая кўрқмас ва жасур аёл эди. Унинг айтган сўзидан қайтмаслигини билган Собиржон ишонасми — Эски шаҳар маориф шўба-сидан 20 кунга жавоб олиб, йўлга тушди. Собиржон тўққиз кун деганда укаси Гофурни излаб топиб борди. Ўқитувчиларга уярашиб, Гофурга рус тилини ўргатишда кўмаклашувчиларини илтимос қилди. Институтнинг рус тили ўқитувчиси Николай Васильевич Гофур билан алоҳида шуғулланишга ваъда берди. У ўз шоғирларини театрларга, адабий кечаларга тез-тез олиб борарди. Гофур курсдошлари билан Петроградда В. В. Маяковскийнинг кўрди, шёрларини эшитди. Сергей Есениннинг адабий кечасида иштирок этди. Хуллас, аста-секин у рус тилида ўз фикрини белалол ифодалайдиган бўлди.

Бир кун машҳур математик олим, академик П. Л. Чебишевнинг қариндошларидан Чебишев-Дмитриев Гофурнинг математикага қобилияти борлигини сезиб, ишчилар факультетининг ижтимоий-иқтисодий бўлимидан техника бўлимига ўтишини таклиф қилди. Гофур бунга розилик билдирди. Умумий техника факультетидан академик Иоффе Скобелкин, Мешерский, М. Шателен каби етуқ олимларнинг лекциялари унда қаттиқ қизиқтир ўйотди. Бир гал профессор М. Шателен лекциясида В. И. Лениннинг Россияни ёппасига электрлаштириш тўғрисидаги фикрини ҳамда ўзи бевосита иштирок этган ГОЭЛРО вақтидаги ҳақиқий янгилишни тўлқинлаб сўзлади. Олим В. И. Лениннинг: «Коммунизм — бу Советлар ҳокимияти плюс электрлаштириш», деган гоясида алоҳида ургу берди. Ушанда Гофурда биринчи марта электр инженерии бўлиш истаги туғилди. Шунинг учун ҳам 3 курсда студентларни ихтисосларга ажратиб бошланганда Гофур электр инженерии ихтисосини танлади.

1931 йил Гофур Раҳимов ҳаётида ажиб бир ҳаяжонли из қолдириди. Уша йили унга институтнинг «Юкори кучлининг бўйча электр инженерии» дипломи берилди. Институт лабораториясига илмий ходимликка таклиф қилинди. Янги электростанцияларни лойихалаш соҳасида эгалланган билимларини такомиллаштириш учун лаборатория имкониятларидан кенг фойдаланиш. Бироқ бу узоққа чўзилмади. Республикамизга электр инженерлари зарур эди. Ўз оиларининг бирида институт лабораториясидан

жалланган Озик-овкат программасини тўла амалга оширишда қишлоқ хўжалигида одамларга, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига зарар етказмайдиган янги фойдали химиявий дориларни ишлаб чиқишмоқда. Бу соҳада республикада химиклар катта муваффақиятларга эришмоқдалар. УЗФА Химия институтида аτροφ-мухитга даярла тэксир этмайдиган дефолация системаси ишлаб чиқилди...

Умуман, олиб борилётган тадқиқотларда яқин келажакда бир грамм ҳам сувни беҳудага исроф қилмаслик тадбирлари тўла амалга оширилиши кўзда тутилади.

Муҳбир:— Маълумки, табиатни, биосферани муҳофаза қилишда алоҳида ажратилиб кўриқланадиган территориялар муҳим аҳамиятга эга. Бундай жойларда табиат комплекслари табиий ҳолда сақланади, ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар кўпайтирилади. Бироқ, кейинги пайтларда бу соҳа билан бевосита шуғулланадиган Республика ўрмон хўжалиги министри-

Бутунтифтоқ электротехника бир-лашмасининг Тошкент бўлимига бош лойихачи инженер лавозимига ўтказилди.

Бу вазифада у бир неча вақт ишлаб тажриба орттирди. 1933 йилда Гофур Раҳимов Урта Осие Энергетика институтини [ҳозирги Тошкент Политехника институтига ассистентлик вазифасига тайинланди. Унинг қирқ йиллик фаолияти ана шу институт билан боғлиқ. У илмий тадқиқотларини педагогик фаолияти билан бирга давом эттириб, 1940 йилда кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакатимизнинг марҳазини шаҳарларидан ишга таклиф қилинган академиклар билан ҳамкорликда ишлаш Гофур Раҳимов учун катта мактаб бўлди. Кўп йиллик тадқиқотлари асосида 1958 йилда Ленинград Политехника институтининг илмий кенгашида: «Электроферромагнит занжирларининг параметрик уйғониши» мазмунда докторлик диссертациясини ёқлади. Уша йили унга профессорлик унвони ҳам берилди. Олим докторлик диссертациясини «Феррорезонанс» деган номда монография қилиб чиқарди. Бунда у ҳисоблаш техникаси, электротехника, автоматика каби соҳаларнинг янги тармоқларини таҳлил қилишга уринди. Олим томонидан ишлаб чиқилган ноҳизиқли электр занжирлари ва системаларнинг ҳисоблаш методикаси фанимиз учун янгилик бўлди.

Уша йиллари «Огонёк» журналида Гофур Раҳимовнинг пахтани кўриштириш учун юкори частотали электр лампа-ли генератор ихтиро қилгани ва унинг хўжалиқларда яхши синовдан ўтганлиги ҳақидаги мақоласи эълон қилинди. Кейинчалик бу ускунани такомиллаштириб, пахтанинг намлик даражасини тез англайдиган асбоб яратилди. Эндилкида бундай асбоблар ёғ соноатида ҳам қўлланилмоқда.

Олимнинг фандаги хизматлари унга катта шухрат келтирди. Унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби деган юксак унвон берилди.

Республикада техника тараққиети янада кўплаб истеъдодли электр инженерлари тайёрлашни тақозо этарди. Гофур Раҳимов 1960—1972 йилларда институт проректори сифатида ёш электротехника мутахассислари тайёрлашга катта зътибор берди. Унинг бевосита раҳбарлигида институтда ТОО [Электротехника назарияси асослари] нафдераси ташкил этилди. Инженер-физика факультетининг тарбиб топилшида ҳам бевосита Гофур Раҳимовнинг хизмати бор. Натижада республикада биринчи марта автоматика, электротехника соҳалари бўйича инженерлар етиш-

тириш имкони яратилди. Уша йиллари Гофур Раҳимов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институтида ташкил этилган махсус лабораторияни жамоатчилик асосида бошқарди. У Ўзбекистон ССР Энергетика ва электр соноати ходимлари илмий-техника жамаиятининг раис сифатида республикада энергетикасининг 1990—1999 йилларга мўлжалланган перспектива планининг дастлабки вариантларини тузишда актив қатнашди. Ана шу йилларда унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида бир гуруҳ олимлар электромагнит соҳасидаги муҳим тадқиқотларни амалга оширдилар.

Ҳа, профессор Гофур Раҳимов республикада электротехника фанининг кўзга кўринган ташкилотчиларидан бири эди. У СССР Олий таълим министрилиги илмий методик кенгашининг аъзоси, электротехника ва электроника илмий секциясининг раис сифатида узоқ йиллар самарали ишлаб, бу фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди.

Олим ёшларнинг талабчан ва меҳрибон устози ҳам эди. Гофур Раҳимовнинг бевосита раҳбарлигида етиш фан доктори, 20 фан кандидати беш чиқди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, марҳум М. Ҳамидинов ва профессор П. П. Ҳасанов, М. Ф. Зарипов, З. И. Зокиров, А. С. Қаримов сингари ўнлаб олимлар Гофур Раҳимовнинг муносиб шоғирларидирлар.

Гофур Раҳимов бизга қимматли илмий мерос қолдирди. 5 монография ва бир неча дарсликлар, 150 дан ортиқ илмий иш унинг қаламига мансубдир. Шунингдек, у ўзбек тилида нашр қилинган «Техника ва электроника терминологияси» китобининг ҳамда электротехника ва электромагнит автоматикасига доир бир неча дарсликларнинг муаллифидир.

Гофур Раҳимов фаол жамоатчи ҳам эди. У кўп йиллар давомида институт партия комитетининг секретари, Тошкент область ва Куйбисhev район партия комитетларининг аъзоси сифатида катта жамоат ишлари олиб борди.

Партия ва ҳукуматимиз Гофур Раҳимовнинг илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолиятига юксак баҳо берди. У «Меҳнат Қизил Байроқ» ва «Ҳурмат белгиси» орденлари билан тақдирланганди.

Олимнинг энергетика соҳасидаги амалга оширилмаган режаларини эндилкида унинг шоғирлари рўёбга чиқармоқдалар.

Энергетика фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган етуқ олим, ажиб-иб инсон, гамхўр устоз Гофур Раҳимовнинг ҳаёт йўли кўплар учун ибратлидир.

Ҳикмат СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори.

Боши 13-бетда.

Орол денгизи суви камайиб кетишининг аτροφ-мухитга, балиқ етиштиришга салбий таъсирини бартараф этиш, Сибирь дарёлари сувларининг бир қисмини Урта Осие дарёларига буришининг техник-иқтисодий томонларини ўрганиш ишлари қизгин давом эттирилмоқда. Айниқса Меҳнат Қизил байроқ орденли Урта Осие Иригация институт олимларининг сувнинг ифлосланишига қарши олиб бораватган ишлари диққатга сезовор. Улар ишлаб чиққан Урта Осие шароитида дренаж сувлардан фойдаланиш перспектив планлари халқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда. ВНИ-ВОДГЕО илмий-тадқиқот институтида эса ишлатилган сувни йўлга тозалаш биологик методи қайта ишлаб чиқилди. Бу тадқиқот соноат корхоналарида, қишлоқ хўжалигида ишлатилган сувнинг 90 процентини тозалашга ёрдам беради.

Шунингдек, пахтачиликни янада ривожлантириш, 1990 йилгача мўл-

ги ҳамда ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институт олимлари адресига бир қанча тэзналар, танқидий фикрлар айтилмоқда. Бу борада Сизнинг фикрингиз қандай?

Профессор:— Ўзбекистон ўрмон хўжалиқларида 1924 йилдан бошлаб дарэхтзорлар бунёд этилмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ўрмон билан қопланган майдон 950 минг гектарни ташкил этади. Булар ҳавонинг ифлосланишига қарши курашда катта ёрдам беради. Бироқ баъзи мутасадди ўроқларнинг ҳафсаласизликлари, ўрмонларни кенгайтириш борасида қайғурмаётганликлари натижасида кўпгина хиддий хато-ларга йўл қўйилди.

Она табиат кўп нарсани муҳофаза этиш, йўл қўйилмаётган хатоликларнинг олдини олишга бизни оғохлан-тиреди. Яна бепарволик, шафқатсизликларга йўл қўйилса, тузатиб бўлмас хато ўз бериши ҳеч гап эмас. Табиат ўзига нисбатан бўлаётган меҳрини ҳам, меҳрsizлигини ҳам она-

дай сезиб, билиб, ҳисобга олиб боради.

Муҳбир:— Йиллар ўтиши билан кўпгина табиий манбалар инсон эҳти-ёжларини қондорилмай қолади, шунда қандайдир янги манбаларни излашга тўғри келади, деган фикрлар ҳам айтилмоқда. Бунга Сиз қандай қарайсиз?

Профессор:— Бундай фиколар биосфера қатламларидаги табиий жараянлардан, табиий бойликлардан чуқур хабардор бўлганда баъзи шахсларнинг фаразлари, албатта. Ёр-да ҳаёт пайдо бўлгандан бунён биосфера манбалари инсониятга хизмат қилиб келган ва бундан кейин ҳам у шундай бўлиб қолади. Ҳар бир асрнинг ўз муаммолари бўлганидек, келгуси аср олимлари бунинг ҳам чобасини топадилар. албатта. Она табиатнинг чек-чегараси йўқ.

Муҳбир:— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат, Павел Данилович! Суҳбатни Назира ЙУЛДОШЕВА эзиб олган



КОИНОТ СИРЛАРИ

Космос, коинот, дунё, олам. Бу сўзларнинг асл маъноси битта: абадий материянинг бепоян фазода чексиз вақт мобайнида мавжудлиги. Чексизликини билиш учун унинг чекли қисмларини ўрганишдан бошламасликнинг иложи йўқ. Шу мақсадда бу сўзларни бир-бирларидан ажратма олак, тасавурлар ўнғайлашадди. Атрофимизни қуршаб олган чексиз мавжудликни чексиз олам ёки содда қилиб олам деб тасавур қилсак, масала анча ойдинлашадди. У ҳолда оламнинг атрофимиздаги нисбатан яқин доирасини космос деб аташни мумкин бўлади. «Коинот» сўзини «космос» ҳам, «олам» ҳам синоним деб қараш мумкин. Лекин «дунё» сўзи одатда икки хил ишлатилади. Биринчиси — «олам» билан бир хил маънода, иккинчиси — оламдаги, космосдаги конкрет объект сифатида, масалан Ер дунёси ва Марс дунёси, электрон дунёси ва атом дунёси. Шу йўсинда шоиримиз Эркин Воҳидовнинг қуйидаги мисраларини эслатишимиз ўринлидир:

Инсон яшар тилсимлар аро,
Хар кашфиёт янги маррадир,
Унинг ўзи сирли бир дунё,
Дунё эса, фақат заррадир.

Биз сезги органларимиз туфайли бевосита ва ҳар хил илмий асбоблар ёрдамида билвосита кузата ва тадқиқ қила олаётган космоснинг радиуси 10^{15} см дан 10^{28} см га, яъни микродунёда зарранинг диаметри сининг миллионга миллиард қисмининг икки улушидан тортиб, оламда диаметри 200 миллиардга триллион километрли космик сферани текширишга имконияти бор. Ундан чуқури ва ундан узоғи кейинги масала. Оламнинг бу бизга маълум қисмида атомлар сони 10^{70} , бунинг бир, икки, уч... деб охиригача етказиб бўлмайди. Умуман, оламнинг ёши 10^{23} сек. дан 10^{10} йил, яъни 10 миллиард йилдан қари бўлмаган мазкур қисмида, космосда исталган нарсанинг сониги 10^{60} дан ортқ эмас. Оламнинг бу чегарали қисмидагилар: Қуёш системаси (Қуёш, Ер, Меркурий, Венера, Марс, Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун, Плутон), юлдузлар, галактикалар...

Космосда жойлашган галактикалардан 75 миллионгача суратга олинди. Улардан биттасида бизнинг Қуёш системаси ва яна 100 миллиарддан ортқ қуёшлар-юлдузлар жойлашган. Бизнинг бу галактикамизнинг ўзи шунчалик каттаки, унинг бир томонидан иккинчи томонига ёруғлик 100 минг йилдан кейин етиб боради.

Космосдаги ҳамма объектлар — галактикалар, юлдуз-қуёшлар, сайёралар, жисмлар, атом ва элементар зарралар ўзгариб туради. Нима ўзгаради, агар ҳамма нарсга ўзгарса? Сақланиб қолган нарсга ўзгарса-да, ахир. Ана шу устиворликни ифодаловчи қонуният сақланиш принциплари деган ном олган. Бу принцип ҳар хил сақланиш қонунлари кўринишида намоён бўлишига маълум, албатта. Лекин бу ерда гап кичик, элементар зарралар ҳақида кетаятган экан, янги зарраларнинг базиларининг

кашф этилишида мана шу сақланиш қонунларининг роли катта бўлган. Тўғрироғи, сақланиш қонунларининг ўзи эмас, балки сақланиш қонунларининг бузилиши, дейиш мумкин.

Масалан, ҳаракат микдорининг сақланиши, ҳаракат микдори моменти-нинг сақланиши, ҳатто кинетик энергия билан потенциал энергия-нинг сақланиш қонуни (бир маълум массали объект гравитацион майдонда бошқа куч таъсирсиз ҳаракат қилаётганида $T+I=C$) — макродунёдаги бу сақланиш қонунлари микродунёда ўз кучини йўқотади. Бу масалалар атом дунёсидаги зиддиятлар нисбийлик назарияси ва квант механикасининг яратилишига туртки бўлди. Микродунёда у қонунларининг ўрнига бошқа қонунлар, чунончи энергия — импульс, энергия — ҳаракат микдори, энергия — масса сақланиш қонунлари, энергия — масса орасидаги муносабат қонуни юзага келди.

«Галакти» зарраларининг кашф этилиши ҳам шу йўсинда бўлган. Одатда кучли ўзаро таъсир шароитида қандай вақт ичда пайдо бўлса, шунча вақт мобайнида йўқолади. Лекин К-мезон ва гиперонлар 10^{-22} секундда пайдо бўлиб, 10^{-8} — 10^{-10} секундда йўқолади. Бу зарралар одатдагиларга ўхшамаганликлари учун «галакти» зарралар деб аталади ва улар учун сақланиш принциплари ҳам бошқароқдир.

Нейтронининг кашф этилишини айтмайсизми. Нейтрон икки заррача: протон ва электронга парчаланганда олимлар завқланганлар. Бу ҳодисани энергиянинг сақланиш қонунига солиштириб ҳайрон қолганлар. Бу нимаси, ахир: энергия қаёққадир йўқоляпти-ку?! Йўқолган энергияни ўзида ушлаб турган зарра борлиги ҳақида тусмол қила бошладилар. Нейтрино мана шундай кашф этилди.

Резонанс деб аталувчи зарраларнинг пайқалишига сабаб ҳам шундир. Айни вақтда шу нарсга маълум бўладими, маълум қонуннинг бузилиши — умуман қонуниятни йўққа чиқазмайди, балки фақат чегарадан ўтилганликни билдиради, янги сақланиш қонуни эскисини чиплакка чиқазмай, уни ўзига қамраб олар экан.

Физикада янги сақланиш қонунларининг кашф этилиши космос сирларининг очилишини ифодалайди. Қуёш ва юлдузлар ичиде рўй берадиган термоядро энергиянинг табиатини ўрганишда нейтронининг роли ниҳоятда катта. Микродунё соҳасидаги кашфиётлар макрокосмос сирларини очишда муҳим восита бўлаётди.

Асримизнинг бошларида электрон ва радиоактивлик ҳодисаси олимларни қандай ҳаяжонлантирган бўлса, ҳозир олимлар ва физиклар ақлини кварк ва «қора тешик» номли объектлар шундай забт этмоқда.

Элементар зарралар хусусиятларини изохлаш мақсадида янги зарра модели яратилди. У шундай зарраки, фақат ўзаро таъсирда, оилада яшай олади, алоҳида, озод ҳолда, танҳо

яшай олмайдди. Шу сабабли унинг массасини аниқлаб бўлмаётди. Ваҳоланки микродунёнинг асосий проблемаси — масса масаласидир. Биронта ёш олимларимиз кварк массасини аниқлаб беришса, буюк физик ҳисобланур эди.

Бу микродунёда, макро оламда, мегадунёда, оламнинг узоқ-узоқлардаги дунёларида янги моддий космик объектлар кашф этилди. Улар ядроси нейтрон юлдузидан иборат пульсарлар; ёруғлиги Қуёш ёруғлигидан 10^{13} марта, яъни 10 миллиард-та минг марта катта объект квазарлар топилди.

Осондаги, Оламнинг узоқ-узоқ районларидаги «қора тешик»нинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ундан биронта информациянинг чиқиши жуда маҳол, зарраларни, квантларни ўзида ушлаб қолади; унда вақт нисбатан секин оқди; «қора тешик»ларнинг ўзлари юлдузлардан ташкил топган-ку, лекин улар ўзларининг бу тарихларини ўчириб юборганлар.

«Қора тешиклар галактикалар ички энергиясининг манбаи, қулоқбошиси бўлса керак, деган ҳозирги назариялар афтидан ҳақиқатдан узоқ эмас. Бу эса илм-фаннинг замин проблемаларидандир.

Шундай қилиб, кварк билан «қора тешик» олам масофаси шкаласининг икки кутбида — энг пастиде ва энг юқорисиде пайдо бўлган икки сеҳрли моддий объектлардир.

Буларни ўрганишда космонавтика-нинг роли ниҳоятда катта бўлди. Оламнинг узоқ-узоқ районларидан келаётган нуруларнинг кўпчилигини Ерни ўраб олган қалнин атмосфера қатламлари тўсиб қолар экан. Бунинг космонавтиканинг ютуқлари туфайли билдик ва натижада кўпгина космик нурулри, янги физик майдонларнинг борлигини билиб олдик.

СССР — космонавтика ватани. Космонавтика назариясининг заминини К. Э. Циолковский яратган. Ф. А. Цандер, И. В. Мешчерский ва бошқалар бу соҳани бойитдилар. Реактив ҳаракат назарияси юзага чиқди.

Космос бағрига Ердан узилиб чиқиш учун Ернинг тортишини — оғирлик кучини енадиган куч яратмок лозим эди. Бунинг учун эса камида секундига 8 километр тезлик яратиш керак эди. Шундай тезлик билан Ер теварагида айланадиган жисм (космик аппарат) вазнсизлик ҳолатида ҳаракат қиливчи Ер йўлдошига айланиб қолади. Ой — табиий йўлдош деб аталади. Мазкур тезликни яратиш янги, хали номалтум ёқилгани бунёда келтириши тақозо қилади. Сановатинг тақомиллаши, назариянинг етарли ривожини, бошқаришини автоматлаштириш, фан-техниканинг комплекс тараққиёти амалий космонавтиканинг рўёбга чиқишига шароит туғдирди. С. П. Королев биринчи космик аппаратни конструкция қилди.

Бундай ёқилди, мос аппаратлар фақат Совет Иттифоқида яратилди. 1957 йили 4 октябрда биринчи Ернинг сунъий йўлдоши космосга учи-

рилди. Шу вақтдан космик давр бошлади. Биринчи бўлиб космосга учган инсон ҳам совет граждани Ю. А. Гагарин эди.

Космонавтика кўпгина янги ютуқларга эришди. Ер атрофи фазосида янги физик майдонлар кашф этилди. Коинотда чанглардан ташкил топган қобиқлар аниқланди. Ой тупроғининг кимёвий таркиби ўрганилди. Пульсар, квазар, «қора тешиклар» кашф этилди. Ер юзидаги географик ҳодисаларни, ўрмонзорлардаги ўзгаришлар, океан ва денгизлардаги бойликлар ўрганилмоқда, ундан унумли фойдаланилмоқда. Об-ҳавонин олдиндан айтишга кўмаклашмоқда. СССР территориясининг узоқ-узоқ жойларида ҳам телевидениадан фойдаланиш имкониятини космонавтика яратди. «Молиния», «Радуго», «Экран», «Горизонт» алоқа йўлдошлари воситасида мамлакатимиз аҳолисининг 90 фоизи марказий телевиденке кўрсатувларини кўрмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига қараганда 150 мамлакат космик алоқадан фойдаланаётди. Унлаб давлатларда жойлашган 200 дан ортқ станциялар метеорологик йўлдошлардан ҳаводаги булутлар тасвирини олиб турибди. 100 дан ортқ мамлакат табиий бойликларни аниқлашда йўлдошлар уза-таётган маълумотлардан фойдаланилмоқда. Юзлаб денгиз кемалари космик станциялар бераётган навигация кўрсатмаларига амал қилмоқда.

Космонавтикада халқаро ҳамкорлик ривожланивди. Қардош социалистик мамлакатлар космонавтилари бир неча бор парвоз қилишди. Франция ва Ҳиндистон космонавтилари актив иштирок этмоқдалар.

«Салют-7» орбита станциясида 211 кун парвоз қилган А. Березовой ва В. Лебедев чорак асрлик космонавтика тарихини энг юксак ютуқлар билан бойитишди. Астрофизика ва космик материалшунослик, космик биология ва медицина, метеорология ва экология, қишлоқ хўжалиги ва геология, умуман фан-техниканинг жуда кўп соҳаларида янгиликлар очдилар. Мамлакатимиз территорияси билан боғлиқ 20 минг фотосуратни космосдан юборишди. Улар ёрдамида 1982 йил, октябр ойида Каспий денгизини, Орол денгизини ва Балхаш кўли хавзаларида фойдали қазилма конлари аниқланди.

Березовой ва Лебедев Қизилқум ва Қорақум яйловларини ва ерости бойликларини космосдан туриб тадқиқ қилишди. Уларнинг аниқлашича, бу йил Урта Осиё тоғларидаги музликлар сувага сероб эмас.

Космонавтика фақат кишилик жамиятининг равнақи учун хизмат қилиши керак.

Атрофимиздаги яқин космик фазо сирларини ўрганишимиз бутун табиатнинг ривожланиш қонунларини билиб олишда муҳим воситадир. Фақат билиб олиш эмас, табиатдан унумли ва оқилона фойдаланиш ҳам кишилик жамиятининг фойдалишидаги муҳим ва зарур вазифадир.



Н. КОЖАНОВ.
В. И. ЛЕНИН Туркистон
меҳнаткашлари вакиллари билан
суҳбатлашмоқда.



Н. ҚУЗИБОВЕВ.
В. И. ЛЕНИН ва СУХЭ-БАТОР.



В. ПЕТРОВ.
М. И. КАЛИНИН ва И. ОХУНБОБОВ
ўзбек деҳқонлари орасида.



Ўзбекистон ССР халқ шоири, академик Гафур ГҲЛОМ.
(Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи
экспонатларидан)

Л. РЕЗНИКОВ. ОНА.



Ўзбекистон ССР халқ шоири ҒАЙРАТИЙ.
(Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи
экспонатларидан)



Ўзбекистон ССР халқ артисти, бастакор
Юнус РАЖАБИЙ.
(Қабр устидаги бюст).



Ўзбекистон Ленин комсомо-
ли мукофоти лауреати Гулчеҳ-
ра ЖУРАЕВА.

Н. Шарипов фотоси



Н. СУЛТОНОВ.
САМАРҚАНД ПАЛАКЛАРИ.

АКАДЕМИК Василий Владимирович Бартольд (1869—1930) Урта Осиёнинг қадимий ва ўрта асрлардаги тарихи, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига оид «Мўғуллар истилоси даврида Туркистон» (1900), «Орол денгизи ва Амударёнинг қуйи оқимидаги ерларнинг қадим замонлардан то XVII асргача аҳоли ҳақида маълумотлар» (1902), «Туркистонни суғориш тарихидан» (1914), «Урта Осиёда қадимдан то руслар келганига қадар ўтган даврда пахтачилик» (1924), «Улғубек ва унинг даври» (1918), «Туркистоннинг маданий ҳаёти тарихи» (1927) каби ўнлаб асарлар ёзиб қолдирган атоқли шарқшунос олимдир. Шунинг айтиши кифояки, олим чоп этган 685 асарнинг 320 нафарини Урта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти тарихига бағишлаган. Бундан ташқари, В. В. Бартольд республикамизда, хусусан, унинг пойтахти Тошкентда илмий, илмий-педагогик ва ўлкашунослик муассасаларини таъсис этиши ва уларнинг фаолиятини жонлантириш ишига ҳам катта ҳисса қўшди.

Василий Владимировичнинг ҳаёти ва илмий фаолиятининг катта қисми Урта Осиё, хусусан, Тошкент билан боғлиқдир. У 1893—1928 йиллар орасида Тошкентга етти марта келиб кетди ва унинг ҳар бир сафари улкан илмий ва илмий-ташқилий масалалар билан боғлиқ бўлди.

Олим Тошкентда дастлаб 1893—1894 йиллари, ўзининг Урта Осиёга қилган биринчи илмий сафари вақтида бўлди. У бу ўлкага Россия Фанлар академияси ва Петербург университети шарқ тиллари факультетининг йўлланмаси билан келган эди.

кўрди. Лекин унинг 1893—1894 йиллари, хусусан Тошкентда олиб борган илмий, илмий-ташқилий фаолияти алоҳида ўрин тутди. В. В. Бартольд Туркистонда биричи илмий-ўлкашунослик тўғраги — «Туркистонлик хаваскор археологларнинг тўғраги» ташкилотчиларидан бири ҳисобланади. (Бу илмий тўғрақ 1895 йилнинг 11 декабридан ўз ишнини бошлаб, 1917 йилга қадар давом этди). «Табиат, антропология ва этнография хаваскорлари жамияти» Туркистон бўлимининг 1893 йил 11 декабрда бўлиб ўтган мажлисида Бартольд Туркистонда археологик тадқиқотларнинг умумий аҳоли ва фан олдиде турган вазифалар ҳақида доклад қилди. Доклада Туркистонда илим-фани ривожлантириш учун Тошкентда янги илмий жамият тузиш, унга маҳаллий билимдонларни ҳам жалб қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. «Улка тарихини ўрганиш олдиде турибди ва бу ишда асосий ролни маҳаллий билимдонлар ўйнайдилар,— деб яқунлади у ўз докладыни.— Уйлайманки, бу ерда ўлтирганлар менинг бу фикримга қўшилдилар» (В. В. Бартольд. Асарлар, т. IV, 108-бет). Уша 1893—1894 йилларда Бартольд «Туркестанские ведомости» ва «Окрина» газеталари билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилди. У «Окрина» газетасининг муҳаррирларидан бири эди. Бартольд мазкур газеталарнинг саҳифаларида ўзининг бир қатор илмий мақолаларини ҳам эълон қилди. «Тошкентда илмий жамият» («Окрина», 1864, № 16), «Туркистонда археологик тадқиқотлар масаласига доир» («Туркестанские ведомости», 1893, № 99), «Христианлар қишлоғи Вазгерд хусусида» («Туркестанские ведомости», 1894, № 21),

(Асарлар, том VIII, Москва, 1973, 158—169-бетлар) булардан тикитасига: Гибсиддин Алининг (XIV асрнинг иккинчи ярми — XV асрнинг бошларида ўтган) жаҳонгир Амир Темурнинг 1398—1399 йиллари Ҳиндистонга қилган босқинчилик юриши тарихини ўз ичига олган «Ўзномаий газавоти Ҳиндистон» ҳамда хоразмлик Утамиш ҳожининг (XVI аср) қаламига мансуб бўлган «Чингизнома» («Чингизхон (авлодининг) тарихи»)га алоҳида тўхтаб ўтди. Бартольд ўша йили Тошкентда истиқомат қилган бир қатор китоб севувчиларнинг: генерал Жўрабек (1840—1906), Муҳиддин қози, Саид Боқийхон қози, савдогар Мирза Абдулла Исамухаммедов, шунингдек, ўша вақтда Пискентда истиқомат қилиб турган қошғарлик Бекулибекнинг шахсий кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма асарларни ҳам бориб кўрди. Булар орасида айниқса юқорида номи зикр этилган — 1876 йили Петербургда бўлган шарқшуносларнинг халқаро конгрессида иштирок этган Жўрабек Қаландар қори ўғлининг шахсий кутубхонаси тўғрисида ақралиб турарди. Бу бои кутубхонада Рашидиддиннинг «Жомий а-таворих» («Солнамалар мажмуъаси»), Шамсиддин Муҳаммад Шаҳризудийнинг «Тарихи ҳуқома» («Дошишандларнинг таржимаи ҳоли»), XVII асрда ўтган ўрта осийлик қомусий олим Маҳмуд ибн Валининг «Бахр ул-асрор» («Сирлар денгизи») каби жуда қimmatли асарлар бор эди. Шунинг учун ҳам генерал Жўрабек коллекцияси кейинги йилларда ҳам Бартольднинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб турди. Маълумки, Жўрабек 1906 йили ўзининг Қорасув ёнидаги ёзлик ҳовлисида номаълум шахслар томонидан ўлдирилди. Бар-



34—36-бетлар), «Ҳаким Отанинг ватани масаласига доир» («Туркестанские ведомости», 1902, № 17), «Уш» («Русский Туркестан», 1902, № 189) эълон қилди.
Туркистон халқ кутубхонаси, унинг

АКАДЕМИК В. В. БАРТОЛЬД ТОШКЕНТДА

Сафардан кузатиладиган мақсад, В. В. Бартольднинг ўз сўзлари билан айтганда, «Улканинг ўтмиш тарихи ҳақида мавжуд бўлган ёзма ахборотларга қўшимча тарзда илгари замонларда ўша ерларда истиқомат қилган одамларнинг қолдиқлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва имкони борича қадимий шаҳарлар ва қалъаларнинг харобаларини тавсиф этишадан иборат эди. (В. В. Бартольд. Асарлар, т. IV, Москва, 1966, 21-бет). Бошқача қилиб айтганда, қадим замонларда кўчманчи туркий халқларнинг Урхун-Енисей бўйлари ва Олтойдан Чу ҳамда Ила водийлари орқали Урта Осиёга қўчиб ўтиши масалаларини текшириш билан боғлиқ эди.

В. В. Бартольд ва унга ҳамроҳ бўлиб келган этнограф С. М. Духин (1863—1929) Тошкентга (1893 йилнинг ёзида етиб келдилар ва бир неча кун дам олганларидан кейин Авлиё Ота (ҳозирги Жамбул)га жўнаб кетдилар. Олим ўша йили Сайрам, Чимкент, Авлиё Ота ва унинг атрофидаги диққатга сазовор ерларни, шунингдек, Толос водийсини кўздан кечириш имкониятига эга бўлди, холос. Йўлда юз берган бахтсиз ҳодиса (у отдан йиқилиб оёғини синдириб олди ва шу билан бир умрга оқсоқ бўлиб қолди) туфайли илмий экспедиция ишини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлди. В. В. Бартольд дастлаб Авлиё Отага, у ердан Тошкентга олиб келинган ва муолажа учун ҳарбий госпиталга ётқизилди. Шу вақтда у ўлкашунослик ишларининг умумий аҳоли билан танишишга муваффақ бўлди. Тўғри, Бартольд 1894 йили экспедиция ишларини давом эттирди ва Толос, Чу водийси, Норин дарёси ва Иссиқкўл атрофларини бориб

«Туркистонда илмнинг умумий аҳоли» («Окрина», 1894, № 52) шулар жумласидандир.

1902 йили Бартольд яна Тошкентга келди. Узининг сўзларига қараганда, бу сафар у Петроград университетини шарқ тиллари факультетининг топшириғига биноан келди. Унинг олдида «маҳаллий билимдонлар билан илмий алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтириш, ўлкада жамоат ташкилотлари ҳамда шахсий кишиларнинг қўлида бўлган қўлёзма асарлар, шунингдек, вилоят бошқармаларида сақланаётган вақфомалар билан танишиш» вазифаси қўйилган эди. Бундан ташқари, В. В. Бартольд Туркистонда Осиё музейи (ҳозир СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинграддаги бўлими)нинг директори академик К. Г. Залеман (1849—1916)нинг илтимосига кўра Осиё музейи кутубхонаси учун қўлёзма асарлар сотиб олиш билан ҳам машғул бўлди.

В. В. Бартольд 1902 йилги сафари вақтида Тошкентдан ташқари Ашхобад, Самарқанд, Қўқон, Марғилон, Андижон ва Ушда ҳам бўлиб, бу шаҳарларда сақланаётган ва фанининг бир талай соҳаларига (тарих, география, адабиёт, илоҳиёт, тасаввуф, астрономия ва ҳоказо) оид қўлгина қўлёзма асарларни кўздан кечириди. Тошкентда В. В. Бартольд бир талай жамоат ва шахсий кутубхоналар билан танишишга муваффақ бўлди. Масалан, Туркистон халқ кутубхонаси (1870 йили ташкил этилган; ҳозирги Алишер Навоий номидаги Давлат халқ кутубхонаси)даги махсус қўлёзма асарлар коллекцияси билан яқиндан танишди. Бу вақтда мазкур коллекция 281 жылдан иборат эди, холос. Бартольд ўз ҳисоботида

гольд бу фожиадан хабар топиши биланок, шарқшунос олим, машхур ўлкашунос Н. Ф. Петровский (1837—1908) ва Туркистон Бош бошқармасида хизмат қилиб турган шарқшунос А. А. Семенов (1873—1958)ларга хат ёзиб, Жўрабек китоблари хусусида хавотирланаётганлигини маълум қилди. «А. А. Семенов,— дейди Бартольд 1911 йилнинг сентябрь ойида ёзган мактубида,— (Жўрабек) қўлёзмалари унинг Қорасув бўйидаги ҳовлисида Тошкентга олиб келинганлиги ва махсус китоб жавониде сақланаётганлигини лутфан маълум қилди». Афсуски, Тошкентга унинг фақат кичик бир қисми (33 асар) олиб келинган, қолганлари эса марҳумнинг ўлиmidан кўп вақт ўтмай ўғирлаб кетилган эди.

В. В. Бартольд бу сафар ҳам Тошкент ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида меҳнат қилаётган ўлкашунослар, мавжуд илмий тўғрақларнинг иши билан қизиқди, айимларининг йиғиллишида қатнашди. У «Туркистонлик хаваскор археологлар тўғрагининг 1902 йил 16 августда бўлиб ўтган йиғилишида ўзининг 1902 йили Туркистонга қилган сафари ва унинг натижаларини ҳақида ахборот берди (қараң: «Туркестанские ведомости», 1902, № 66). Уша йили унинг Туркистон халқ кутубхонасининг ишини, айниқса қўлёзмалар фондининг аҳолини яхшилаш масалаларига бағишланган «Туркистон халқ кутубхонаси ҳақида бир-икки оғиз сўз» («Туркестанские ведомости», 1902, № 54) деган мақоласи ҳам босилиб чиқди. Бундан ташқари, Бартольд ўша йили яна бир неча илмий мақолалар: «Уйғур тилидаги бир ҳужжат ҳақида» («Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии», 1902, № 7,

қошидаги музейнинг умумий аҳоли уни яхшилаш чоралари олимнинг 1916 йилнинг ёзида қилган Туркистон сафарининг ҳам диққат марказида бўлди. Ушанда Бартольд ўзининг яқунловчи ҳисоботида: «Туркистон халқ кутубхонаси ва музейнинг аҳоли ниҳоятда аянчли... Уни қайтадан тузиш жуда ҳам зарур», деб ёзган эди (В. В. Бартольд. Асарлар, т. VIII, 337-бет). Уша йили Тошкентда эълон қилган яна бир мақоласида (ИРАН, серия VI, т. XII, 1918, № 14, 1462—1464-бетлар) Бартольд Туркистон халқ кутубхонаси ва музей ишларини тартибга солишинг конкрет чоратadbирларини кўрсатиб берди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, узоқ ўтмишдан қолган ёдгорликларни сақлаш ва кунт билан ўрганиш масаласи ҳам ҳаммиса олимнинг диққат марказида турар эди. У ўша йили «Туркистонлик хаваскор археологлар тўғраги» ҳамда «Рус география жамиятининг Туркистон бўлими» кенгашлариде қилган докладларида Туркистондаги ўтмиш ёдгорликларини ҳисобга олиш ва уларни асраш жуда ҳам зарурлигини қайта-қайта таъкидлади.

В. В. Бартольд Тошкентдан ташқари Қўқон, Самарқанд, Бухоро ва Чоржўй шаҳарларида ҳам бўлиб, қадимий маданият ёдгорликларини, шунингдек, шахсий коллекциялар билан танишди. Чунки, Урта Осиё тарихи оид қадимий қўлёзма асарларини

**Унутилмас
сўйимолар**

ДУСТИЛИК ТУХФАЛАРИ

Саидбек ҲАСАНОВ,
филология фанлари кандидати

Кейинги йилларда ўзбек адабиёт-шунослари, бошқа соҳалардаги сингари, Урта Осиё ва Ҳиндистон халқлари яратган бой маданий меросини ўрганиш ва нашр қилдириш ишига катта эътибор бермоқдалар. Бу, шубҳасиз, Ҳиндистонда ижод этган туркий-ғўй адабиёт вакиллари адабий меросининг ҳали кам ўрганилган саҳифаларини кенроқ очиб беришга хизмат қилади, айни вақтда ҳинд, форс-тожик ва туркий халқларнинг қадимдан ривожланиб келаётган ма-

даний алоқаларини чуқурроқ ўрганишга имкон беради.

1975 ва 1977 йилларда Ҳиндистонга марҳум профессор Ҳамид Сулаймонов раҳбарлиги остида уюштирилган экспедициялар натижалари шуни кўрсатдики, ўзбек классик шеърятининг Ҳиндистондаги анъаналарини, у ерда ижод қилган шоирлар ижодини ҳар тарафлама, махсус ўрганиш керак бўлади. Ҳофиз Хоразмий, Саид Қосимий, Форигий, Дийда каби шоирларнинг ижоди шобни диққатдир. Эндиликда ўзбек адабиётининг йирик вакили, ўз даврида Урта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётида катта роль ўйнаган Заҳриддин Мухаммад Бобир ижодиди таъсирида қалам тебратган ва эътиборга лойиқ бир ғуруҳ шоирлар ҳаёти ва қўлёзма меросини ўрганиш жоиз бўлур эди. Бу шоирларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, улар ҳинд, форс-тожик ва ўзбек адабиёти анъаналарини ўз ичода-

рида мужассамлаштиришганлар, айни пайтда ўзбек, ҳинд, урду, форс-тожик тилларида эркин ижод қилганлар.

Экспедиция давомида Бобирнинг ўғли Комрон мирзонинг қўлёзма девони мавжудлиги аниқланди. 964 (1556) ҳижрий йили Маҳмуд бин Исҳоқ аш-Шаҳобий ал-Ҳиравий томонидан кўчирилган бу нусха Рампурдаги «Худобахш» кутубхонасининг энг мўътабар қўлёзмаларидан ҳисобланади. Мазкур қўлёзма Комрон мирзонинг асосан ўзбек ва форс-тожик тилларида яратган шеърларидан иборат. Бу нусханинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, қўлёзма бошида ва охирида 20 дан ортиқ давлат арбобларининг муҳрлари босилган бўлиб, улар орасида Жаҳонгир мирзо ва Шоҳ Жаҳонларнинг дастхатлари ҳам учрайди.

Диққатни ўзига жалб этадиган қўлёзмалардан яна бири Форигий тахаллусли шоирнинг девонидир. Бу девон XVII асрда кўчирилган. У Ҳайдарободдаги «Саларжанг» музейида сақланмоқда. Бу қўлёзманинг деярли ҳар бир саҳифасида гул ва қушларнинг расмлари чизилган. Қўлёзмадан Форигийнинг ўзбек ва форс-тожик тилидаги шеърлари ўрин олган.

Форигий Ҳиндистонда Акбар ва Жаҳонгир салтанати замонида Абдурахим Хони Хонон номи билан танилган давлат арбоби, саркарда, шоир, олим ва адилларнинг ҳомийси

сифатида шундай қозонган забардаст шоир ва моҳир таржимоннинг шоғирди бўлганлиги манбалардан маълум. Афсус, ҳозирча биз унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз.

Рампурдаги «Ризо» кутубхонасида Дийда тахаллуси билан ижод этган ўзбек шоирининг девони ҳам алоҳида қимматга эга. Дийданнинг ушбу девонига газаллар, рубоийлар ва қатор фардлар кирган. Афсуски, қўлёзма тугалланмай қолганлиги туфайли унинг кўчирилиши тарихи ва котиби ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Лекин қўлёзманинг хати, баъзи ва айрим хусусиятларига қараганда, бу девони XVII асрга мансуб, деб тахмин қилиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур шоирлар ўзбек адабиётининг Ҳиндистонда яшаб ижод этган вакиллари. Уларнинг бой адабий меросини марксча-ленинча методология асосида ҳар томонлама чуқур танқидий ўрганиш ўтмиш адабиётимизнинг ҳозиргача эътибордан четда қолиб келаётган жиҳатларини кенроқ очиб беришга хизмат қилади ва қадимий ўзбек-ҳинд адабий муносабатларининг тимсоли сифатида эътиборни тортади. Комрон, Форигий, Дийда газалларидан айрилмай Ҳиндистонда экспедицияси натижасида профессор Ҳамид Сулаймонов томонидан келтирилган микрофильм ва фотокопиялар асосида нашрга тайёрланди.

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

КОМРОН

Ушбу тун кўнглумда ёру кўзум эрди масти хоб,
Ким етишти қойилим юз нола айлаб итоб.
Хаста кўнглум музтарибдур зулфи тобиға тушуб,
Шаст аро тушган балиғ янглиғки айлар этирбоб.
Хоки раҳ бўлдум гузар гар қилмаса эрмас ажаб,
Мен гадоий бенаво, ул хусрави олижаноб.
Кимки жонон чехрасида ишқ сиррин билмағай,
Не ажаб, андин деса: «Ё лайтани кунту туроё!».
Комрон, жонон таманноси мени пер айлади,
Эй даруго, онсиз ўтти аҳли айёми шабоб.

! Маъмуни: «Ҳани анди ерга кирсам».

Юз шукри, бўлди манга дилдор муҳаддис!
Қилди қараму лутф бийнибор муҳаддис!
Ғам ҳарфи не мен ғамзадаёе бесарупоға,
Таълим қилурда қилур изох муҳаддис.
Ғам йўқтур агар бўлса мани бесарупоға,
Ғам кўйда ҳар вақтки ғамхор муҳаддис.
Чун ишқ ҳадисини баён айласа ноғох,
Айлар манга ғам ҳарфини тақдор муҳаддис.
Чун Форигийи ғамзада ҳарғиз ўқугум йўқ,
Мен телбага гар бўлмаса дилдор муҳаддис.

! Ҳамсубҳат.

ФОРИГИЙ

ДИЙДА

аниқлаш ва ўрганиш олимнинг ҳар бир сафардан қузатган асосий мақсади эди. Масалан, Тошкентда бўлганида А. А. Семенов ва Боқижонбойларнинг шахсий кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма асарларни бирма-бир кўриб чиқди. Ушунда Бартольд Боқижонбой кутубхонасида сақланаётган Шоҳ Маҳмуд Чуроснинг Кошгарнинг XV—XVI асрлардаги тарихидан ҳикоя қилувчи «Тарих» номи қимматли асарига алоҳида эътибор берди (Асарлар, т. VIII, 336-бет).

В. В. Бартольд Луғ Оқтябр социалистик революциясидан кейин жуда қисқа вақт ичида (1920—1928 й.) Тошкентда уч бор бўлди.

Олимнинг 1920 (август—декабрь) йилги Туркистон сафари (Россия Фанлар академиясининг йўлнамаси билан) олдинги қўйилган вазифаларнинг мураккаблиги ва актуаллиги билан унинг бошқа сафарлари ичида алоҳида ўрин тутади. У бу сафар ҳам Туркистон халқ кутубхонасининг иши билан ақидан танишиб, унинг фаолиятини янада ахшиллашга ёрдам бериши, жамоат ташкилотлари ҳамда айрим шахслар қўлидаги қўлёзма асарлар, шунингдек, тарихий обидаларни қўздан кечириб чиқиши, уларни сақлаш борасида тавсиялар бериши керак эди. Бартольд бу ишларни ўзига хос кўнг ва эътибор билан бажарди. Бундан ташқари, у 1920 йили В. И. Ленин имзо чеккан тарихий Декрет асосида Тошкентда таъсис этилган Туркистон университетининг илмий-ташқиллий ишларига катта ёрдам кўрсатди: Шарқ тарихи кафедрасини ташкил қилиш ва уни мутахассис кадрлар билан таъминлаш

ишининг тепасида турди, тарих-филология факультетида Туркистон тарихидан (эрамыздан аввалги IV асрдан XIX асргача) лекциялар ўқиди, аспирантлар ва студентларнинг илмий мунозараларида қатнашди. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, В. В. Бартольд Туркистонда университет ташкил қилиш ишига ҳамisha зўр эътибор берган прогрессив рус олимлари жумласидандир. Масалан, 1917 йилнинг кузида Тошкентда университет очилмасаласи ўртага қўйилганда, Ленинград олимлари бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Бу олижаноб ишга ақидан ёрдам бериш учун махсус комиссия ҳам таъсис этилди. Комиссияга Н. И. Веселовский, С. Ф. Ольденбург, Н. Я. Марр ҳамда В. В. Бартольд қўшилди. Мазкур комиссия университет лойиҳасини ишлаб чиқишда актив иштирок этди. Хусусан В. В. Бартольд университет тарих-филология факультетининг лойиҳасини ишлаб чиқди, факультетда ўқитилиши лозим бўлган фанларни белгилаб берди.

Уша йили В. В. Бартольд Туркистон-Шарқ институтида (1918 йил охирида ташкил этилган) ислом маданиятидан лекциялар ўқиди, институтнинг илмий-педагогик ишлари билан қизикди, уни ахшиллаш борасида фойдала маблақатлар берди.

Шу сафар вақтида В. В. Бартольд яна бир муҳим илмий экспедицияда, Бухоро амрлиги ағдарилгандан кўп вақт ўтмай, 1920 йил сентябрь ойининг охирида, марказий архив бошқармаси томонидан ташкил этилган экспедицияда иштирок этди. Экспедиция олдида Бухородаги тарихий обидалар, шунингдек, қочиб қолган

амир ва йирик мансабдорлардан қолган қўлёзма асарларни ҳисобга олиш ва асраш вазифаси қўйилган эди. Ана шунда, олимнинг ғувоҳлик беришича, 380 қимматли қўлёзма талон-торождан асраб қолинди (В. В. Бартольд, Асарлар, т. VIII, 375—377-бетлар).

В. В. Бартольд кексайиб қолганлиги ва саломатлиги ёмонлигига қарамай, ҳамisha ва ҳаммавақт Тошкентга интиларди. Лекин, айрим сабаблар билан 1925 йилга қадар бунга имкон бўлмади. Ниҳоят, 1925 йилнинг март ойида қадимий ёдгорликлар, санъат ва табиати ўрганиш Урта Осиё комитети (Средазкомстар)нинг тақлифига биноан яна Туркистонга отланди. «Агар шу йили ҳам Тошкентга боролмайдингиз бўлсам,» деб ёзган эди Бартольд ўшунда, «бу менинг учун афсус-надомат бўлур эди» (Б. В. Лунина. Жизнь и деятельность академика В. В. Бартольда, Тошкент, 1981, 149-бет). Бартольд бу гал қадимий обидаларнинг сақлаши ва бу хусусида Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабзда олиб борилаётган ишлар билан танишди, Средазкомстарнинг мажлисларида қатнашди.

Шунинг билан бирга у бўш вақтларида Тошкентда бўлганда ҳам, бошқа шаҳарларда бўлганда ҳам, жамоат ва шахсий кутубхоналарда сақланаётган қўлёзма асарлар билан танишишни давом эттирди, янги топилган тарихий асарлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини маълум қилди (В. В. Бартольд, Асарлар, т. VIII, 445—451, 453—461-бетлар).

Бартольд ўзининг охири (1927 ва 1928 йиллар) сафарлари вақтида Тур-

Тамашога чиқтим чу богим билан,
Равон бўлдим охир обгим билан.
Адамнинг қаронгу уйинда кириб,
Юзунгни кўрамен чирогим билан.
Чу топтим ўзини, етишим сенга,
Бу манзилга еттим сўрогим билан.
Гулистон хусунг ичинда кетиб,
Топармен исингни димогим билан.
Кўзумга кўрунди юзунг беҳижоб,
Сўзунгни эшиттим қулогим билан.
Сен, эй Дийда, ҳайрон рухсоре бўл,
Ким қон йиғлади лола доғим билан.

кистон университетига Қозоқ олий педагогика институтинида ва бошқа илмий муассасаларда Туркистоннинг мўғуллар истилоидан то XIX асргача бўлган тарихи, Урта Осиёнинг туркий халқлари, уларнинг келиб чиқиши ва тарихи ҳақида лекциялар ўқиди, Средазкомстарис ва ўлкашунослик жамиятларининг ишлари билан қизикди.

Бартольд ёшлигидан касалманд (унинг буйраги хаста эди) бўлган. 1891 йил кузда у устози В. Р. Розенга (1849—1908) бундай деб ёзган эди: «Саломатлигим ҳозирча ўртача, лекин ҳамон бир қарашда касалга ўхшайман. Фикримча, кўп умр кўролмасам керак. Шу сабабдан... умримнинг қолган қисмида... гарчанд асарларим студентлик чоғида ёзган ишларимга ўхшаш шунчаки бир материал бўлса-да, кўпроқ ишлашга ҳаракат қилишим керак...» (И. Ю. Крачковский. Танланган асарлар, Т. V, М.—Л., 1958, 348-бет). Дарҳақиқат, у кўп яшамади, бор-йўғи 61 йил умр кўрди. Лекин жуда кўп ишлади. У фактик материалга бой, пухта, капитан асарлар прагтики, ҳар бир шарқшунос, тарихчи, географ, филолог ундан баҳраманд бўлиб келмоқда, В. В. Бартольдни эса ўзига устоз ҳисоблаб келмоқда. Жонажон Тошкентимизнинг 2000 йиллик шонли юбилейи яқинлашиб келаётган шу дellarда академик Василий Владимирович Бартольднинг Тошкент ва Ўзбекистоннинг ўтмиши хусусида қилган меҳнатни нақадар катталгини яна бир бор ҳис қиламиз, ундан миннатдор бўламиз.

Буйравий АҲМЕДОВ,
тарих фанлари доктори

ГУЛЛАРНИНГ ТУШИГА КИРИБ...

Сен бугун гулларнинг тушига кириб,
Бахш этдинг гулларга бир олам севинч.
Мен эса, тонггача кўчада юриб,
Хаёлинг кўймади бир лаҳза ҳам тинч.

Елларни уйғотдинг гуллардан кейин,
Еллар ҳам кетдилар изингни қувиб.
Менинг-чи, елларга етишим қийин,
Орқамга қайтаман ёмғирда ивиб!

Ёмғирлар сен бўлиб сўзлайди эртак,
Майсалар қўлогин тутди диккайтиб.
Ҳар куртак бутогода маъсум бир гўдак,
Сен уни қулдирдинг нимадир айтиб.

Мен эса воқифман бари-баридан,
Сен дейсан:— қолдирдим уни гафлатда.
Йўқ, эркам, чин ошиқ ёри сиридан
Ҳамиша хабардор бўлур албатта!



ГҶЗАЛЛИК ҲАҚИДА

Гўзаллик Ҳамиша нозик ва мўртдир,
Гўзаллик Ҳамиша ноёб ва тансиқ.
Мард бўлсанг гўзаллик завқини орттир,
Гўзаллик ишига жонбоз бўлиб чиқ!

Гўзаллик Ҳар ерда: гўлда, осмонда,
Гўзаллик Ҳар ерда: сувда ва қирда.
Гўзаллик мавжуддир Ҳар тирик жонда,
Гўзаллик мавжуддир Ҳар пинҳон сирда.

Гўзаллик шабнамнинг йилтирашида,
Беназир гўзалдир мурғак йиғиси.
Гўзаллик шамолнинг қайноқ кишида,
Гўзалдир навбахор ёмғир ёғиши!

Оналар оқ сочи қанчалар гўзал,
Оталар дуосин шуъласига боқ.
Улардан хонангда ёнган шамчироқ,
Ҳаттоки, ой чиқмас кечалар гўзал!

Гўзаллик Ҳаётнинг Ҳар заррасида,
Сувнинг тош қотиши, қор эришида.
Манглайн шарт қисган киз дуррасида,
Илк баҳор майсалар ниш уришида.

Ун етти ёшликнинг жамолига боқ,
Гўзаллик нима деб сўрамаёқ қўй!
Гўзаллик аслида сەҳри жумбоқ,
Гўзаллик мўъжиза, тёмом бўлмас тўй!

Сен уни қидириб изғима ортик,
Гўзаллик юрагинг, фикрингда мавжуд.



ДҶСТ ОРТТИР, ЮРАГИМ

ЧОРТОҚДАГИ ДҶСТЛАРИМГА

Мен дўстга Ҳамиша жондан мухтожман,
Дўст излаб келганман ёруғ дунёга,
Шу сабаб қишлар бошига тожман,
Умримни бермасман елга, рўёга!

Дўсти йўқ қалбларнинг аҳолига вой,
Оҳ, қандай яшайди бир ўзи ёлғиз!
Кўзига очарми бу дунё чирой,
Кўкида ёнарми кечаси юлдуз!

Юраги ёнганда нетади, ахир,
Ким охир дардига бўлади малҳам?
Бунчалар бешафқат бўлмаса, тақдир,
Бунча тор бўлмаса кўзига олам!

Наҳотки, ҳеч кимса унга мухтожмас,
Наҳотки, ҳеч кимса эшигин қоқмас?
Ҳасратга тўлганда дилини очмас,
Ва унинг кўзига илинж-ла боқмас!

Шодлигин ким билан баҳам кўради,
Ким билан қайғусин ўртоқлашади?
Ким йўлга чиққанда ҳамдам бўлади,
Ким билан ёнма-ён доvon ошади!

Қоқилса ким уни тутиб қолади,
Ким унинг қалбига сочади ёғду?
Адешса, ким уни йўлга солади,
Ким уни кўтади зерикиб боғда?

Дўсти йўқ кишига Ҳаёт кизикми,
Гулларнинг рангида борми ҳарорат?
Қардан олади дилга озиқни,
Наҳотки, сезмаса дўстга зарурат!

Дўст ахир зарурат! Қалб ёнида қалб,
Кўзалари ёнида порлоқ кўзалардир!
Дўст ахир таянчдир, ёвларига зарб,
Дўст ахир ишончдир, мадад сўзалардир!

Дўсти кўп кишининг орауси улўғ,
Ҳаёти Ҳамиша нур билан тўлуғ!
Дўсти йўқ кишининг Ҳаёти мажруҳ,
Йўлдоши Ҳамиша дард билан андуғ!

На асал тотини билади тили,
На уфқ кенглигини сезади дили,
Манзилга Ҳамиша туманда қолиб,
Туну кун юради ўқиниб, нолиб!

Дўсти йўқ юракдир энг қашшоқ киши,
Нур билан чулғанмас баҳори, киши!
Ўз она юртида мусофир ҳам у,
Эртаси армондир, бугуни қайғу!

Дўст орттир, юрагим, дўстни кўпайтир,
Дўст мингга бўлса ҳам жуда-жуда кам!
Бу олам чиройли дўстлар туфайли,
Дўст билан бу олам яшнар яна ҳам!!



ИФТИХОР

Шоирлар номидан ичман қасам,
Ўзбек қизларидек чиройли қиз йўқ.
Йигитга ярашар йўл-йўл беқасам,
Қизлари эгниси хонатласи — чўғ!

Сен унинг Ҳуснига тонгда туриб боқ,
Тонг нурин ҳовучлаб юзин ювади.
Бугдой ранг юзлари нақадар порлоқ,
Оҳ, чилвир сочларин еллар севади!

У йўлга тушганда қуёш пойандоз,
У боққа кирганда гуллар хушнуддир.
У олам Ҳуснига беради пардоз,
Бу олам у билан мукаммал, бутдир!

ДАЙДИ

Чиқиб кетди она қишлоқдан...
Олис ерлар кўркем кўринди,
Олиб кетгин, десам тупроқдан
Ё ёқмади, ёки эринди.

Йиллар ўтди...
Бедарак кетди.
Гоҳо кимдир кўрган бўларди,
Кимдир унга таъна тош отди,
Кимдир ундан қулган бўларди.

Соч-соқоли оқариб бир кун,
Қайтиб келди, қўлида Ҳасса.
Танимади кўпчилик уни
Бирон киши қилмади изза!

Не ниятда қайтдинг, эй одам,
Энди қерак бўлганим қишлоқ!
Сал ўтмасдан кўз юмди, бироқ,
Бирон киши тутмади мотам!!



НАЗАРМАТ

ҚУЁШ ГУЛИ

ШЕЪРИЙ ҚИССАДАН ПАРЧА

Олди удни қўлига Баҳор,
Куйга тўлди оромбахш оқшом.
Ҳасан дардин этолмас изҳор,
Куй сеҳрига чўмганди тамом.
Олисларга элтарди хаёл,
Ут оларди соғиниш, кўмсов,
Нималардир туюлар малол,
Култепада кўринар олов.
Олов сўнган, илгариги чўғ,
Бир бекорчи, мавҳум хотира.
Қани ўша севғиси қутлуғ,
У гул эмас, на бир бокира;
Эзгу дамлар тўлини ой бўлган
Муҳаббатинг чўмса туманга,
Гул даврингда қалбинг ўртаган,
Гул ташланса сўник гулханга,
Қолмас экан бу кенг оламда,
На гулхандан, на гулдан ёдгор.
Умид гулинг сўниб кўкламда,
Ўрнида сўнг унар экан хор.
Шундай дамда дилингни чертса,
Сеҳрли куй, олов олурсан,
Эзгу умид, хаёлинг элтса,
Йўлларингда бардам қолурсан,
Дала кезиб Ҳасан уззукун,
Дам олишни қутганди дили.
Кўнглини тортиди парвона йўсун,
Уд янграган ҳовуз соҳили,
Келди оқшом қуй тингламоққа,
Мулоқотнинг шавқи ўйида,
Қараб яна таниш у боққа,
Кўшиқ куйлар ҳовуз бўйида:
**«Номинг — Баҳор, баҳорим,
Гуллар ичра гулнорим,
Кетиб дилдан қарорим,**

**Қолди ёлғиз оқ-зорим,
Соғиниб ой жамолинг,
Куйлагайман висолинг.**

**Гуллар этганда ханда,
Кўриб қаддинг чаманда,
Бирга юрсам чаманда,
Таъриф топиб жон-танда.
Таъриф айлаб жамолинг,
Куйлагайман висолинг.**

**Баҳор келди бозмага,
Гуллар чиқди таъзимга,
Нигоҳим зор изингга,
Маҳтал дилим сўзингга.
Соғиниб ой жамолинг,
Куйлагайман висолинг.**

**Қўлим тутсин қўлларинг,
Чаман бўлсин чўлларинг,
Нурга тўлсин йўлларинг,
Элтай севги гулларинг,
Соғиниб ой жамолинг,
Куйлагайман висолинг».**

Фариштадай кўринар бирдан,
Тутиб қўлда чоғусин Баҳор,
Севилади туташ тақдирдан,
Ҳасан қисматидан хабардор.
Тўқнаш келар интиқ кўш нигоҳ,
Чехралари ёниқ, умидвор.
Ҳасан чўлда бўлай деб ҳамроҳ,
Соғинч дилин айлади изҳор:
«Кўёш гули эси зўинг, Баҳор,
Пойингга тиз чўқди барханлар,

Йўлларингда нақадар виқор,
Таъзим айлар сенга гулшанлар.
Кўлингни бер, юрайлик бирга,
Бизни кутар олдинда гуллар,
Меҳр кўяр муқаддас ерга
Умр бўйи ота-ўғиллар.
Ғам узлатга чекинар экан,
Паноҳ бўлса, чин ёру дўстинг,—
Кам бўлмаскан ерга дон эккан,
Кулиб боқар экан баҳоринг,—
Иниларим ёнимда, Баҳор.
Йўлларимда ям-яшил кўклам.
Кувиб борар чўлни чаманзор,
Сен бу йўлда бўл менга ҳамдам».

Чакиртирди йўлга директор,
Ҳасанбойни ҳам иниларин,
Деди: «Сизга ҳаёда этгум бор,
Пахта териш машиналарин.
Олти ўғил сизлар, «зангори
кемалар»нинг капитанлари,
Кутар сизни чўл пахтазори,
Бўлинг элнинг мард ўғлонлари.
Пахта териш машинасини
Бошқаришин билдирди Баҳор,
Баҳам кўриб ўз режасини,
Жавламан дер сизларга ҳамкор,
Бир оила фарзандларисиз,
Жавлон уринг энди еттовлон.
Курс очилиб таълим олдингиз,
Юрт кутади сиздан имтиҳон».
Раҳмат айтиб, Ҳасан эғди бош,
Сўнг айлади дилдан илтимос:
«Қўёш чўлдан чиқмоқда кувш,
Чўл эмас у, балки нур, олмос.

Зўр машина бу «Ўзбекистон»,
Уни тақдим этдингиз менга,
Юринг бирга қувурлар томон.
Об-ҳаётни элтар экинга,
Бизни ўша қувурлар кутар,
Бошланади ундан пахтазор
Сиз бу ерда кўҳна чўлқувар,
Бошлаб беринг теримни илк бор».
«Майли», деди директор мамнун,
Машинани бурди зғатга,
Бу шарафдир йигитлар учун —
Билдирилган ишонч, хурматга.
Чўлга дедик: «Яшна ва ясан!»
Инсон унинг қаддин кутарган,
Кувурларни кўрсатди Ҳасан,
Соҳил бўйлаб хурсанд ўтаркан;
«Чўл энди гул даврини кўрар,
Бунда ҳам бор сизнинг хиссангиз,
Бешта қувур ёнима-ён турар,
Гўё улар бешта панжангиз.
Қаранг, қадим Кушон чўлини,
Неча минг йил босганди мудроқ.
Кўрган қанча шерлар кўлини,
Узгармаган аҳоли бироқ.
Суз элдингиз чўлга Амурдан,
Ипак пахта қони бўлди ердан.
Барханларда янги инжудан
Хирмон уяр энди қанча шер».
Хурсанд бўлиб Ҳасандан раҳбар,
Бош кўтарди Сурхон чўлига.
Порлаб турган мисоли гавҳар,
Илк чаноқни олди қўлига.
Сўнг Ҳасанга узатди уни;
Музей учун сайлангиз буни,
Қаранг, қандай нафис, нурило,
Чўл кўркидан белги бу чаноқ.
Директорнинг қўлидан Ҳасан,
Кувш гули — чаноқни олди.
Чаккасига таққанди, нурдан —
Яралгандай ярқираб қолди.
Қаторланда кувур ёнида,
Коржомали етти қадрдон.
«Оқ олтин»нинг кенг майдонидида
Сузиб кетди кемалар равон.

Оқшом эди, янградди аста,
Баҳор сози, нафис, мафтункор,
Ошиқлигин дардин пайваста
Наволарда атарди изҳор.
Бир ён Аму, бир ёнда Сурхон,
Уфққа бош кўйган пахтазор.
Ҳасан меҳри бағишлаган жон
Кувш гулин қучганди Баҳор.

У ШУНДАЙ КУЧЛИКИ...

Урол ТАНСИҚБОЕВГА

У шундай кучлики...
Бўшлиқни ёйдай
Замин тепасига қўёлган эғиб.
Тип-тиниқ осмонни баландроқ чизган
Кетмасин деб қушлар қаноти тегиб.

У шундай кучлики...
Чизган заволсиз
Ерга тўқтирмасдан ўрик гулларин.
То ғуж-ғуж довулча тугмағунича
Узи тўсиб турган шамол йўлларин.

У шундай кучлики...
Ҳайрон қолмаган
Пага булутларни пахтадек ушлаб.
Турналар учмоқда портретда
Узун ва ялтироқ нурларни тишлаб.

Чизолган: бир вақтлар севгани билан
Кезган қирғоқларни,
Қалин боғларни...
У шундай кучлики,
Ўз хонасига
Киритиб қўёлган қорли тоғларни!

Назар ШУКУРОВ

ҚИШЛОҚ ҚУШИҒИ

Тупроқ йўллар оралағай қирларни,
Кенг далалар ёйиб ташлар сирларни,
Бу дафтарга ёзсанг агар шеърларни,
Шеърларингдан буғдой анқир, дон анқир,
Кўёш каби яхши пишган нон анқир.

Йўлни ўпар шўх оёқлар кийимсиз,
Дарахтлари зерикади куюнсиз,
Озод қушлар яшолмағай ўйинсиз,
Дехқонларнинг кетмонидан кун анқир,
Жўяклардан шилдирмаган ун анқир.

Кўп камтардир, шовқин солмас кенгликлар,
Кучоғида қават-қават жимликлар,
Жой кенг! Қани қанча уйни ким тиклар?
Бунда «бағри кенглик» деган шон анқир,
Оқсоч шарқлик тоғларидан тонг анқир.

Пода қайтар таратиб сут исини,
Тувёкларда тўзғитиб ўт исини,
Хәприкәсан, кўрсанг бу шом тусини,
Оппоқ чангмас, оқ йўлларда ун анқир,
Сутлар ҳидин тўйиб ичган тун анқир.

Чўнг бинолар тўсиб қўймас тоғларни,
Еллар севиб эркалайди боғларни,
Осмонда кўрмайсан дуд — доғларни,
Ҳавосида ҳеч кўринмас таъм анқир,
Сойларидан тоза, хушбўй нам анқир.

Баланд қирда эркин чўпон най чалар,
Куйларига ўйнаб оқар майсалар,
Хув булутлар чўққиларга жой солар,
Чўққилардан оқбадан қиз — қиш анқир,
Водийларда фақат қўшиқ, иш анқир.

ВОДИЛ БОҒЛАРИ

Яқин йиллардан буён боғ-бонман. Илгари колхозда раис эдим. Улуғ кишилардан боғ ҳақида доим ҳикматли гап эшитганман. Партия ва давлат арбоби Усмо Юсуповнинг бир сўхбатдаги сўзлари сира-сира ёдимдан кўтарилмайди. 50-йиллар эди. Усмо ота машинани тўхатиб, йўл бўйидаги икки қайрағоч тагида чой ичиб ўтирган мўйсифидлар билан омонлашдилар, сўхбат орасида улардан районнинг собиқ ижроия комитети раисини, ундан илгаригисини сўрадилар. Чоллар биронтаси ҳам эсларида йўқлигини айтишди. Усмо ота тепаларида соя ташлаб турган икки қайрағоч тарихини сурштирдди:

— Булар Шокир чолинг қайрағочлари,— деб жавоб бердишди қариялар.

— Ким у!

— Билмадик, юз йиллар бурун яшаган Шокир чол экан.

Усмо ота шу воқеани эслаб:

— Қаранглар, кечагина раҳбарлик қилган ўртоғимизнинг номи эсдан чиқибди. Юз йил бурун яшаган Шокир чол эса икки туп қайрағоч туфайли ёдда қолди,— деди.

— Боғ яратишда гап кўп, ўртоқлар,— деган эди ўшанда Усмо ота.— Қани, Фарғонадан Водилга келгунча йўлнинг икки томони боғ бўлса! Илкониятларинг йўқ эмас, нега қараб турибсизлар!

Устоз Усмо Юсуповнинг бу орзулари 70-йиллардагина ушалди. Кейинги вақтларда Фарғона — Ҳамзаобод йўлидан юрганамиз! Яқин-яқинларга Фарғона шаҳридан тоғлар бағрига қириб бургунча, [Факат бундан Водил кишлоғи мустасно] бутун масофа хуруллаган ва теп-текис дашт бўлганини мўйсифидларгина эмас, биздан ёшлар ҳам яхши билишади. Эндликда 50 километрдан ортиқ узунликдаги мана шу йўлнинг икки томони кета-кетгунча нуқул боғ! Усмо Юсупов номли боғдорчилик-

виночилик совхоз, Фарғона ўрмон ҳўжалиги, ундан кейин Ҳамза Ҳакимзода ва Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозларнинг бир-бирига уланиб кетган бу боғларини кўриб, ҳаяжонга тушман, улар одамларнинг меҳр тафтидан яратилганини ўйлайман. Боғлар, ахир, бу — инсоннинг ўз юртига, ота-онасига, ёру дўстига, фарзандларига ва келажакка бўлган меҳру муҳаббатининг меваси!

Хўшаво Водилимизнинг боғлари кўпдан буён машҳур. 30- ва 40-йилларнинг аойиб соҳибдорлари Сарӣқбой ота, Мўйдинбой ота, Қамбар, Билал, Ашурбой ака ва бошқалар ташаббуси билан яратилган боғлар, айниқса, Улуғ Ватан уруши даврида қанча-қанча одамларимизни очликдан сақлаганини ҳали-ҳали миннатдорчилик билан гапириб юрамиз. Боболаримиз, оталаримиз бўлган бу марҳум соҳибдорларнинг кўтулғ номи муборакларини ҳаммаша эслаймиз, дилдан эзозлаймиз. Улар шинини севиб давом эттираётганимиз билан фархланамиз.

Колхознинг биринчи боғларини ташкил этган ўша улуғларимиздан Сарӣқбой отанинг қозғар ўши етмишдан ошиб колган ўғли Зарифшон ота энг тажрибали боғбонларимиздан ҳисобланади, неваралари Абдумухтор ва Абдуфаттоҳлар ҳам боболари ва оталари эздан бориб, ўз тақдирларини

боғдорчилик ишига бағишлаганлар. Ҳозир колхозимизнинг икита боғдорчилик бригадасида Маҳкам полвон Масҳаров, Қосимжон Умрзоқов, Омонилло Аскарлов, Абдусаттор Абдураҳмонов, Солижон Усмонов, Қаримжон Юсупов, Топволди Урнибоев сингари соҳибдорларимиз ишқу ҳаваси туфайли боғларимиз инилмайди кенгайиб борапти. Ҳозир 372 гектар мезозорларимизнинг яримадан кўпи тўкин ҳолига бераётган бўлса, қолган қисми энди мевага қирапти. Урикзор, узумзор ва олмазорларимиз ёнига янги шафтолизор, нокзор, гилсозор, анжирзор, беҳзор, анорзор ва лимонзорлар қўшилди.

Водил шотутининг таърифи бўлакча. Меваларнинг янги-янгилари яратилиши билан бирга, баъзи унутилган ё ниҳоятда қамайиб кетган ширин ва серҳосил меваларимиз ҳам қайта кўлайитриляпти. Айниқса, қадимдан машҳур бўлган Водил қантағи, сарик қантақ, донаси қатта ва узунчоқ абдузон, оқ қантақ, мулла гадойи, испаран ўриқлари кишлогимизда қайта туғилиб, ана шу мевалардан боғ-роғлар бунёд этилмоқда. Бундай мисолни нок, шафтоли, беҳи, анор ва бошқа мевалар ривожидан ҳам келтириш мумкин. Ҳар йили Тошкент, Фарғона, Марғилон шаҳарларининг аҳолиси учун 360—400 тонна ўрик, 10—12 тонна шафтоли, 12—13 тон-

на гилос, 60—62 тонна олма, 200—210 тонна олма, 240—255 тонна узум, 8 тонна олча, 32—35 тонна беҳи, 4—6 тонна анор ва бошқа мевалар етказиб бераймиз. Колхознинг асосий тармоқларидан бирга айлана боғдорчилигимиз катта наф келтирмоқда. Утган йилги боғлар даромади 215 минг сўмдан ошди. Колхозимизнинг раиси Хайрулложон Бекмӯрадовнинг айтишича, бу — 70 минг сўм соф даромад деган ган!

Киш ичи дориланган, яхоб суви олган, шакл берилган боғларимизда баҳорда иш яна қизиб кетди. Баъзи қашаротлар уруғи жон ҳашақ қолган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, эрта баҳордан ҳар бир дарахтин, ҳар бир ёш ниҳолни қайтадан дорилдик. Нобуд бўлганларнинг ўрнига янгисини ўтказдик.

Фарғонани бошқа шаҳар, район ва қишлоқларга туташтиридан юзлаб йўллардан фақат биттаси ҳақида гапирдик. Эртақлардаги «очил дашт»нинг ўз кўлими билан ҳақиқатга айлантирилганимиз кўрмоқчи бўлсангиз, Водилга келинг!

Жамолiddин ДАДАЖОНОВ,

Фарғона районидagi Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз боғдорчилик бригадаси бошлиғи

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

Жавзо кўёши оловида тандирдек қизиётган қадимий шаҳар ўрни — Варахша тупроғидамиз. Олисларда сароб жимирлайди. Тепаликдан атмосфера аллақандай ҳаяжон билан боқамиз. Тоҳ яшил пайкаллар қад кўтарган ва қурилаётган янги бинолар, машиналар, одамлар, гоҳ иссиқда жизганак бўлган гийҳлар кўзга ташланади. Бир томонда мудраган чўл, иккинчи томонда ям-яшил пахтазор.

Кўнча Варахшанинг бугуни шундай. Унинг истиқболи ҳам Совет ҳокимияти йилларида яратилган мислсиз имкониятлар туфайли рўёбга чиқадиган бўлди.

Қалбида коммунистик эътиқод кўёши порлаган, танида Фарҳод куч-қудрати қайнаган пешкуликлар, ромитаниликлар, свердловликлар Варахшанинг янги тарихини яратишга киришдилар. Бу ўринда биргина пешкуликлар жасорати ҳақида ҳикоя қилсак ҳам кифоя. Янги массив ташвиши район партия комитети бюроси йиғилишида биринчи секретари Қавимиддин Ҳамроевнинг ташаббуси билан бошланди. Аммо асрий даштини обод қилишга кўзи етмаганлар ҳам бўлди. Улар янги ташкил этилган районда бунга етарли маблағ, техника, ишчи кучи йўқлигини, бир вақтлар бу ерларда ҳосил ундиршишга сарфланган куч, уриниш зое кетганлигини рўқач қилдилар. Лекин секретари катъийлик кўрсатди. 1978 йилнинг 20 апрелида Варахша чўлига ҳужум бошланди. Ер ўзлаштириш бўйича район ва колхоз штаблари тузилди. Улар палатка ва вагон уйлارга жойлашди. Ишлар режалаштирилиб, кураш бошланди.

Қудратли техниканинг гулдурас натыриси, тиним бўлмаган одамларнинг ғала-ғовури асрий чўлни йиғотди. Улар чўлга эзгу ният билан қадам қўйдилар. Ҳаш-паш дегунча чўлга сув етаклаб келинди, йўллар чиқарилди, қурилишлар бошланиб кетди. Шимолий коллекторнинг зах сувлари тўсилиб, Варахшага бошқарилди. Сажиз кунда 8,5 километр масофада янги канал қазилди. Унга Аму — Бухоро келинадан сув олинди.

Область партия комитетининг сув йўлларини чиқариш, сув насослари қуриш, электр энергияси

линияларини тортиш бўйича чиқарган қарори кўпнинг қудрати билан амалга оша бошлади. Кўрсатилган йўл-йўриқ ва ёрдам, энергетикларнинг жасорати туфайли икки кеча-кундузда 16 километрлик электр тармоғи тортинди. Тўққизта «Олтой 1—4» маркали сув насослари қурилиб, ишга туширилди. 40 километр масофага янги йўл чиқарилиб, асосий қисми асфальтлаштирилди. Қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши техника тўққизта район бирлашмаси ҳамда тўққиз колхоздан 48 та бульдозер, 104 та ер текисловчи КПН, 110 та турли марказдаги тракторлар ер очишга, текислашга жалб қилинди. Ҳа, ўшанда азамат механизаторлар ирригаторлар, мелiorаторлар қурувчилар, энергетиклар бирор дақиқани бой бермасдан меҳнат қилдилар.

Янги очилган икки минг гектар майдоннинг минг гектарига пахта экилди. Дастлаб 1978 йилда Варахша еридан давлатга 2,5 минг тонна «оқ олтин» топширилди. «Москва», «Ленинизм» ва Ибн Сино номли колхозлар марди-майдонлари бирни ҳаражат қилиб, ўрни ундирдилар. Биргина мисол: «Москва» колхозининг ўртоқ Фармон Камолов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ер очиб, ҳосилни йиғиштириб олшга жами 14 минг сўм ҳаражат қилиб, бунинг эвазига 110 минг сўм даромад қилди...

— Ҳозирги ишларимиз,— деди Пешку район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қавимиддин Ҳамроев,— келажакда қилинадиган кенг кўламли ишларимизнинг дубочасидир. Биз бу кўриқ ерларни бир йилда 70 минг тонна пахта, 33 минг 200 тонна полиз маҳсулотлари, 700 тонна гўшт берадиган воҳага айлантираемиз. Варахша массивида 50 минг гектар кўриқ ер комплекс ўзлаштирилди. Унда ўн битта марказий посёлка, кўплаб маданият, савдо, медицина тармоқлари бунёд этилади. Янги-янги сув иншоотлари қурилади. Бундан ташқари, умумий узунлиги 1 минг 750 километр бўлган ихота дарахтзорлар, кўплаб боғ-роғлар ташкил этилади. Имомкултепа баландлигида «Рустам», Хўжақултепа баландлигида «Фарҳод» деб номланган умумий оғз қатланши комплекслари фойдаланишга топширилди. Бу ишларни кенг кўламли бошлаб юборганмиз.

Бухоролик ҳамюртларимизнинг жасорати билан қадимий Варахша бугун гул-гул яшаб, улкан бойликлар уммонига айланмоқда. Фарҳодсифат замондошларимиз қалбида яратиб, яшатиш туйғуси барқ урган сари дашти биёбонлар гуллаган воҳага айланавери.



Бухоро Ипак йиғирув фабрикаси саралаш цехининг Розия Эргашева бошлиқ бригадаси яғона нарвд системасида ишлаб, яхши натижаларга эришаётир.

Бахшулла РАҲАБОВ

С. Полетаев фотоси



Рубоилар

Адиб Собир Термизий тахминан ўн биринчи асрнинг 70-йилларида Термиз шаҳрида туғилди. У замонаси билимларини пухта эгаллаб, етук аллома бўлиб танилди. Ававал Нишопур ҳокими саройида, кейин Марвада — Султон Санжар саройида хизмат қилди. Умрининг сўнгги йилларида Хоразмда Султон Санжарнинг элчиси вазифасини бажарди. Шoir феодаал бошбодшодқлигининг қурбони бўлди. Султон Санжардан ўч олмоқчи бўлган Хоразмшоҳ Отсиз уни Амударёга чўктириб юборди.

Адиб Собир Термизийдан каттагина адабий мерос қолди. Унинг ғазал ва рубоийлари, қитъа ва қасдаларида узоқ ўтмишнинг машаққатли ҳаёти, инсонларнинг мураккаб туйғулари акс этган.

Республикаимиз жамоатчилиги Адиб Собир Термизийнинг 900 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Қўйида муҳтарам журналхонлар эътиборига шоир рубоийларидан ҳавола этамиз. Шеърят мухлислари Адиб Собир Термизий шеърини муסיқасини тўғри қилишлари учун унинг биринчи рубоийси асл нусхасини ҳам эълон қилмоқдамиз.

Эй, ҳаққи руҳат фариза дард гардани вард
Бошад дили ғунча бе даҳони ту ба дард.
Хўсни ту зи дилбарӣ ба ошиқ он кард,
К-ў бо дили зор ғашту бо чехрани зард.

Гул чехраси чехрангини кўриб, ол, ақик,
Оғзинг ғамидин ғунча бўлибдир оғрик,
Хўсинг чамани бировани чин ошиқ этиб,
Ҳам кўнгилни зор айлади, рангини сарик...

Ораста бўлиб зулфу юзингдин туну кун,
Умрим ўтадир қувиб изингдин туну кун.



Ким ортига қайтмас туну кун, кўрқармен,
Бир йўла йироқ этма ўзингдин туну кун.

Чехрангдин ўлиб ҳамиша кундуз гулгун,
Зулфинг киби ошиқ туни ҳам кўз узун.
То сенга, санам, меҳри-ниёз айламасам,
Мен кун била тун фарқини билмай, дилхун.

Чехрангга боқиб аламдадир гул била боғ,
Сенсиз менга бегона эрур айшу фароғ,
Кўзим сени деб чекмаса гар ҳасрату доғ,
Ким йиғлар ахир йўлингда! Эй кўзу кароғ!

Зулфинг учириб кўзимдин уйку, тунранг,
Эй оху кўзим, этма менга кибри паланг.
Бас, жисму дилимга айладинг жабру жафо,
Зулфинг каби ҳам бўлди у, кўзинг каби танг.

Тонг йўқки, қамаштирур қуёшни шуъланг.
Васлингга етолмайин қуёш ҳам дилтанг.
Нур олса қуёш агар юзинг шуъласидин,
Ёқут у қуёш шуъласидин олгай ранг.

Эй, ишқ, мени хастага малҳам қани?
Ой юзли ўшал дилбарӣ маҳрам қани?
Ой илгидаман, нечук халос бўлгайман?
Тун тутқуниман, кун киби ҳамдам қани?

Юзинг-ку ақли қочирар, май эрмас,
Лялинг-ку шакар тўқар, вале най эрмас.
Зулфингги кўриб, санам, нечун дил титрар?
Юрганда йўлинг ҳам шакарисондир, бас.

Гар кўрдим эса жабру жафо гардундан,
У соҳди, қаранг, сочимга оппоқ ундан.
Таҳқир назари-ла айлама менга нигоҳ
Бир қарчигаё афзал юз қаро қузгундан...

Ёрим кўзида шарму ҳаё бўлсайди,
Раҳм айлар эди, бўлмас эди тош мисол.
Ҳижрон кўзида шарму ҳаё бўлсайди,
Дўст бирла топар эдим ажаб васлу висол.



Жабринг у қадар жафоки, афлокка етар,
Хўсинг дағи ойдан ҳам баланддир, дилбар.
Гар доираи гардун эрурсан, эй чарх,
Бахтимни нечун йироқ тутарсан бу қадар!..

Форсийдан Жамол КАМОЛ таржималари

МЕҲНАТ ВА ШОН-ШУҲРАТ МУЗЕЙИ

«Гулистон» колхози йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Бу ерда янги уй-жойлар, маданий-маиший бинолар қад кўтариб, ҳўжалик кўркига кўрк кўшилмоқда. Колхоздаги барча хонадонлар табиий газ билан таъминланган. Яқинда колхозда «Меҳнат ва шон-шўҳрат» музейи очилди.

Музейни ташкил қилишга икки йил тайёргарлик кўрилди, — дейди колхоз маданият уйининг директори Исроил Ғуломов. — Музейнинг биринчи бўлимидаги ҳужжат ва стендларда колхознинг революциягача бўлган даври акс этган. Революциягача бўлган даврда яшаган деҳқонларнинг содда иш қуроллари, кийим-кечаклари, деҳқончилик ва уй-рўзгор буюмлари бўлимдан жой олган...

Иккинчи ва учинчи бўлимларда эса революция даври ва коллективлаштиришга оид фактик материаллар ва иш қуролларидан иборат стендлар қўйилган. Коллективлаштириш ҳаракатининг фаол ташки-

лотчилари, колхознинг биринчи раислари Исақул Мусаев, Сулаймон Аҳмедов ва Холбой Рустамовнинг фаолиятига оид фактлар ва суратлари кишининг эътиборини ўзига тортади.

Музейнинг тўртинчи ва бешинчи бўлимларида эса колхоз ҳаётининг Улуғ Ватан уруши даври ифода-ланган. Бу бўлимлардаги факт ва ҳужжатларни кўриб, ҳаёлан ўша даврга саёхат қиласиз. Уруш давридаги қийинчиликлар, колхоз аҳлининг барча совет кишилари қатори талаба учун уюшқислик билан кўрсатган фидойиликлари хотирангизда жонланади. Колхоздан урушга кетган йигитлардан 178 нафари қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Лекин бу қаҳрамонлар ҳақиқилоқларининг ҳамиша хотирасида. Музейда улар учун махсус бўлимма ташкил этилган. Унда марҳум жангчилар ҳаёти ифода этилган.

Олтинчи бўлим қишлоқ ҳўжалик ҳаётининг урушдан кейинги тикланиш ва юксалиш даврига оид ма-

териаллардан иборат. Шунингдек, унда колхозга адабий сақлаш учун турли вақтларда «Гулистон» колхозининг социалистик мусобақадаги ғолиблиги учун берилган область ва республика кўчма Қизил байроқлари кўйилган.

Уттизинчи йилларда майда деҳқон ҳўжаликлар заминиде ташкил топган «Гулистон» колхози бугун ҳар томонлама ривожланган ирик ҳўжаликка айланди. Колхоз тузумининг бутун афзалликлари колхоз мисолида кўриниб турибди. Ҳўжаликнинг камолоти Меҳнат ва шон-шўҳрат музейида тўла ўз аксини топган. Музейда бўлган ҳар бир киши бир олам таассурот олади. «Гулистон» колхозининг фидокор кишилари шаънига таҳсинлар ўқийсан киши.

Ҳайдар ХУШМАТОВ



МУШТАРИЙ
САЙЁРАСИДА...

Муштарий [Юпитер] сайёрасининг жуда қадимий ривоятларда момақалдирик

худоси деб талқин қилинган кўпчиликка маълум. Украина ССР Фанлар академияси Радиофизика ва электроника институтининг олимлари яқинда Кўёш системасидаги энг улкан сайёра бўлган Муштарийда чиндан ҳам момақалдирикларнинг бот-бот хуруж қилиб туришини аниқладилар. Мазкур тадқиқот билан шуғулланаётган фалакиётшуносларнинг раҳбари Б. Яёв бу ҳақда шундай дейди:

— Харьков шаҳри яқинида ўрнатилган, дунёда энг катта декаметрик тўлқинлар билан ишлайдиган радиотелескоп ёрдамида биз Муштарий сайёрасига

оид жумбоқлардан бирини ечишга муваффақ бўлдик. Гал шундаки, бу сайёра бизнинг самовотда қисқа радиотўлқинлари манбаларининг энг кудратлисидир. Бундай тўлқинларнинг доимий ҳолатда юз бериши сайёра ва унинг йўлдоши — Ионинг айланиши билан боғлиқдир. Умумий оқиндаги узоқ кузатувлар натижа-сида момақалдирик маҳалида юз берадиган электр разрядлари аломатига эга бўлган кучли қисқа зарблар ажратиб олишга эришилди. Чамаси, ҳудди ана шу зарблар радионурланлишларининг асосий қисмининг кўзгатади-ган ўзига хос механизми вазифасини ўтайди.

ТУНГИ КЎНҒИРОК

Винница шаҳридаги уйлардан биринида тунги соат учларда эшик кўнғироғи узоқ чалинди. Бегова бўлган уй эгаси бевақт ташриф буюрган меҳмон шаълига норозилик сўзлари айтиб эшини очди. Не кўз билан кўрсинки, эшик олдида ўз мушуги турарди...

Шу воқеадан ярим йилча аввал уй эгалари мушукча асраб олиб, уни «Лўли» деб атаган эдилар. Мушукнинг хатти-ҳаракатлари уй эгаларини баъзан ҳайрон қолдирарди. Бир кун кишча тана мушукчани кўчада уинатиб юриб, уйга қайтадида.

электр кўнғироғи кнопкасини босади. Мушукча қурмағур унинг ҳаракатини ўрганиб олади. Гоҳо қоқ ярим кечада чалинган кўнғироқ ҳаммани уйғотиб юборарди. Норозилк билан чиқиб қарашса, эшик тутқичида ўтириб, чап қулини кнопкага узатаётган «Лўли»ни кўришарди.

Бегова булавериси охири уй эгаларининг жонига тегди. Уй эгаси бир кун «Лўли»нинг шаҳарнинг бошқа районидаги қариндошини-кига обориб берди. Оила эъзолари бир неча кунгача осийишга ухлашди. Сўнгра... қоқ ярим кечада яна эшик кўнғироғи чалинди. «Лўли» қайтиб келган эди...

ШАФФОФ ТУЙГУЛАР

Чашма бўйига борганмисиз, тиниқ, шаффоф томчилар беғубор болалик кўчасига етаклаб кетган онлар ёдингизми? Илк баҳор кунлари ариқ бўйидаги яллиз хиди ҳисларингизни қитиқлаб, сархуш этганини эслайсизми? Лола сайрга чиққанда еллар эпкинига дош беролмай саломга бош эгган лопалар олдида дол қотган дамларингиз бўлганми? Ёки, узок юртдан қайтарилиб, она тупроққа қадам қўйганингизда, юрагингиз соғинчдан ҳаприқиб кетганми?..

Малика хиром этганда ана шу ҳислар тўлиқни сеҳрлаб қўяди кишини. Ажабо, раққоса қалбида бу сеҳр уруғи қачон чечак отди экан!..

Малика ҳали болалик кезларидаёқ бир қараш, бир имо, бир жилва билан ўзидаги сезирлик, чаққонлик, маъсумлиқ ҳисларини намоён этиб, ўз ўқитувчилари эътиборини тортган эди. «Сен раққоса бўлишинг керак!»— дейшар эди муаллимлари базан. Истак орзуга айланди. Сайрамлик педагог оиласида тугилиб ўсган қиз Тошкент Хореография билим юртининг классик рақс бўлимида саккиз йил таҳсил кўрди.

1968 йили Малика ўқини тугатди. «Қаерда ишлаш керак? Қайси санъат даргоҳига бориш керак? Қандай қабул этишаркин?» Ана шундай икки-лианишлар пайтида Малика Аҳмедова машҳур педагог — рақс устаси, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати Исхор Оқилов оиласи билан аяқиндан танишиб қолди.

— Маликани кўришим билан ундан яхши раққоса етишиб чиқишига ишондим,— дейди И. Оқилов.— Ушанда Муҳаммаджон Мирзаев «Кўзим шахлога тушди» куйини эндигина

яратган эди. Ҳақиқатан ҳам, бу куй Малика учун узукка кўз қўйгандай мос бўлиб тушди. Бу рақсини у Ўзбекистон Ленин комсомолнинг XVIII съезди делегатлари учун берилган концертда илк бор ижро этиб, эл олқишига сазовор бўлди.

Малика Аҳмедова шахсидаги назокат ва нафосат унинг ўйинларига ҳам кўчди. Раққосанинг репертуари бойи бошлади. У ҳар бир концерт олдида мунтазам машқларни бажарар, томошабин олдидаги маъсулиятни чуқур ҳис этар эди. Ахир, дастлабки ўйиндаёқ муваффақият қозониш—бу катта ютуқ! Галдаги чиқишлар ундан яна ҳам кўпроқ изланиш, ўзига хослик ва янгича талқин талаб этар эди.

— Маликанинг рақслари шўхчан, сержилва, назокатли... Ўзига хос нафосатли характер ярата олади. Репертуарини тез-тез янгиллаб туради. Ўзининг мустаҳкам услубига эга,— дейди ЎзССР халқ артисти, таниқли хореограф Розия Каримова.

Ўйинда ҳам турли хил шевалар бўлади. Тошкент ўйини фарғонача услубдан, бухороча ўйин Хоразм, Сурхон шевасидан фарқ этади. Ўйинда урф-одатни яхши билиш, халқ тарихини ўрганиш катта аҳамиятга мولлик. Буни ҳақиқий истеъдод эгаси яхши тушунади ва ўйин давомида ўзига хосликини бир маромда тутиб туради. «Хоразмча», «Зарафшон маликаси» (бухороча рақс) ўйинларида Малика Аҳмедова ҳар бир масканининг ўз нафасини сақлашга ҳаракат этади. Шу тариқа «Тановар», «Муножот», «Катта ўйинларни ижодкор қалби билан янгича талқин этишга муяссар бўлди.

СССР халқ артисти, ўзбек санъати-

нинг фахри, буюк раққоса Мукаррама Турғунбоева, СССР халқ артисти Галия Измайлова, Ўзбекистон халқ артисти Кундуз Миркаримовалар Малика Аҳмедова талантини тан оlishган, яна бир саҳна юлдузи етишадганини ўз вақтида сезиб, бу истеъдод соҳибига рақс санъатининг назик сирларини ўргатиш учун ўз қимматли вақтларини сира аяшмаган. Ёш раққоса устозлари фикрини зийраклик билан илғаб олди.

Албатта, ҳақиқий раққоса аъзанавай рақсларга замонавий туйғуларни сингдиради. Дарвоқе, ҳаётимиз кундан-кунга янаб, гуркираб, фан ва техника ангилликлари билан бойиб бормоқда. У билан баробар илдам одим отмасанг, ортда қолиб кетишинг ҳеч гап эмас. Малика Аҳмедова буни яхши тушунади. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театри ЎзССР халқ артисти Жамол Низомхўжаев раҳбарлигидаги концерт бригадаси билан тез-тез республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида бўлади, пахтакорлар, пиллакорлар, зиёлилар билан учрашади. Уларнинг ҳаёти билан яқиндан танишади.

— «Оқ олтин» яратаётган, меҳнати, илми, ақл-заковати билан элга танилган хотин-қизларимизни рақсларимда мадҳ этиш орзуимдир,— дейди Малика.

Малика Аҳмедова ҳамиша ўқишда, изланишда. У Тошкент Чет тиллар педагогика институтининг француз тили факультетини ўқиб тугатди. У бу соҳани яна ҳам жиддий ўрганиш мақсадида аспирантурада ўқишда. Яқинда Малика Аҳмедова Тошкентнинг таниқли, илгор кишиларини билан бир қаторда Парижда

бўлиб, «Юманисте» газетининг юбилейида қатнашиб, ўзбек рақси санъати нафосатини намойиш этди. Бундан ташқари, Малика Аҳмедова ҳаммаслари сафида Италия, ГДР, Мексика, Швеция, Норвегия, Латин Америкаси ва Африка мамлакатларида бўлиб, ўзбек халқининг қадимий ва туганмас бой ўйин хазинасининг турли қирраларини чет эл халқларига ўз жозибаси билан, сеҳри билан намоён этиб, уларнинг олқишига сазовор бўлди. Айни чоғда ўзи ҳам ҳинд, араб, испан, афгон, куба рақсларини ўрганиб қайтди.

Янги йил кечаси. «Ойнаи ҳаҷон» деб байрам базми. Самарқандлик ёш хонанданинг «Лазги» куйига монанд хониши янграйди.

Саҳнада Малика Аҳмедова хиром этмоқда... Бутун вужудинг эриб кетадигандай сархуш хаёлларга банд бўлиб, рақсга термилиб, лол қотасан киши. Қўллар куйлапти. Бармоқлар куйлапти, кўзлар чорлапти ўзига.

Раққоса ҳар бир сўзининг маъносига монанд ўйнайди, кўз олдингизда Ўзбекистонимизнинг саҳий боғлари, ҳисил мўллагидан эгилган ишқомлар, шомол ортидан маъшуқасини излаётган ошиқ йигита боқиб турган қизнинг ҳуррак қарашлари жонланади... Санъат томошабинни маънан юксалтиради. Малика Аҳмедованинг байрам базмидаги «Лазги» ўйини, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, санъатимизда ўзига хос воқеа бўлди.

Шу кунларда Малика Аҳмедова Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишлаб, «Тошкент шамоли» рақси устида ишламоқда.

...Тандирдан янги узилган бўрсилдоқ нон ҳидини туйганмисиз? Тогдан шарқираб оққан шалоласи шўхлиги неларга қодир эканигини биласизми? Илк баҳор кунлари далага чиқиб ер ҳовури кўтарилаётган кезлар, тупроқ иси димоғингизга урилганини сезганмисиз? Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Малика Аҳмедова хиром этганда, ана шундай шаффоф туйғулар жўш уради кишида...

Қўтби НОСИРОВА



Олот районидagi «Оқ олтин» колхозининг бригада бошлиғи, республика Ленин комсомол мукофоти лауреати Рўзигул Ҳазратова етакчилик қилаётган коллектив деҳқонлари кўклагми экишга намунали таяёргарлик кўрдилар.



КПСС XXV съезди номидаги Бухоро тўқимачилик комбинатининг Гиждувон шахридаги тўқимачилик фабрикаси ишчиси Мухаббат Жўраева ойлик нормаларини ошириб бажармоқда.

С. Полетаев ва А. Мирзажонов фотолари



УЗБЕК тилшунослигининг етук тадқиқотчиларидан бири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Олим Усмоновнинг туғилганига 70 йил тўлди. Олим Усмонов илмий тадқиқотчи сифатида ўзбек тили илмига ўттинчи йилларнинг иккинчи ярмида кириб келди. У ўз илмий фаолиятини мактаб ва маориф соҳасида жуда муҳим масалаларни тадқиқ этишдан бошлади ва бу борада бир неча дарслик ва программалар тузди.

Олим Усмонов ўз илмий-педагогик фаолияти жараёнида партиамизнинг қатор қарорларига жавобан бир неча муҳим илмий мақолалар эълон қилди. «Ўзбек тили грамматикасидаги формализм ва илмий бузуқликлар ҳақида» (1937), «Ўзбек тили морфологияси» дарслиги ҳақида» (1937), «Ўзбек тили дарслигида феълларнинг классификациясидаги бузуқликлар» (1937), «Ўрта мактабларнинг ўзбек тили программаси ҳақида» (1937) каби мақолаларида мактабларда ўзбек тили курсини ўқитишда йўл қўйлаётган камчиликлар, мавжуд программа, дарслик ҳамда қўлланмаларда учраб турадиган нуқсонлар, чалқашликларни кўрсатиб берди. Олимнинг ўзи ўзбек тили фектларини чуқур ўрганиб, уларни рус грамматикасининг қонуничиликлари билан солиштириш асосида тўлиқсиз ва ўрта мактаблар учун ўзбек тилидан программа ва дарсликлар яратди. «Ўзбек тили грамматикаси» (фонетика ва морфология) бўйича Олим Усмонов ва Барот Авезовлар томонидан ўрта мактаблар учун тузилган дарслик 1938—41 йиллар мобайнида қайта ишланиб, тўлдирилиб, тўрт марта нашр этилди. Бу дарслик ўша даврдаги энг яхши мукамал дарслик ҳисобланар эди.

Шуни айтиш керакики, ҳозиргача ўзбек тилшунослигида кенг қўлланиб келинаётган ундош, сифатдош,

равишлар, аслий сифатлар, аслий сифатлар каби терминларни ҳамда рус тилига қиёсан ўзбек тилида ҳам мушаккил сўз туркумларини олтига (от, сифат, сон, равиш, оллош, феъл)га ажратиб тасниф этишини Олим Усмонов ана шу дарслигида ўзбек тили грамматикаси илмига олиб кирди. Ҳеч муболагасиз айтish мумкинки, Олим Усмонов билан Барот Авезов ҳамкорликда тузган бу дарслик етти йиллик ва ўрта мак-

си» (1948) каби илмий ишлар аша шулар жумласидан. 70-йилларда Олим Усмонов XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги ўзбек тили лексикаси маззуи устида кенг қамров илмий иш олиб борди. Икки қисмдан иборат бу илмий иш муваффақиятли аяунланди. Унинг 26 босма тободдан зиёд биринчи лугат қисми шогирди Ш. Ҳамидов билан ҳамкорликда «Ўзбек тили лексикаси тарихидан материал-

адабий тилининг тараққийти ҳақида» (1949), «Ўзбек илмий терминологияси масалалари» (1952), «Ўзбек тилида илмий терминологиянинг тараққийти тарихи масалаларига доир» (1972) каби қатор мақолалари ана шундай асарлардан.

Олим Усмонов — туркология илмида ҳам жамоатчиликка маълум ва машҳур бўлган йирик луғатшунос олим. У жуда қўп-қўп турдаги луғатларнинг муаллифи, беш томлик рус-

Қутлаймиз!

ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ

таблар учун ўзбек тили морфологияси бўйича стабил дарсликлар яратишда дастлабки тадбир ва тажриба вази фасини ўтади.

Олим Усмонов ўзбек тили грамматикаси юзасидан кузатишларини узоқ йиллар давом эттирди. Бу соҳадаги илмий ишларидан, айниқса, айрим морфологик формаларнинг, хусусан «дор, -кор, но-, -ий, -вий» каби бир қатор аффиксларнинг қўлланиши ва маъноларидан юз берган ўзгаришларни, уларнинг сўзларга қўшилишидаги янгиликларни таҳлил этишга бағишланган мақолалари фактларга бойлиги ва мазкур аффиксларнинг табиатини тўлалигича очиб бериши билан муҳимдир.

Бир қатор асарларда тилшунос олим ўзбек тилининг Алишер Навоий даври (асосан XV асргача) пайдо бўлиши, ташкил топиши, ҳалқ ва адабий тил сифатида шаклланиши) гача бўлган тараққийт йўли ҳақида фикр юритилган бўлса, бошқа бир қатор асарларида эса Алишер Навоий ва унинг давридаги эски ўзбек адабий тилини ўрганишга алоҳида аҳамият берди. Бу масалаларга қаратилган бир монография ва саккизта илмий мақолада Алишер Навоийнинг ўзбек тили учун олиб борган кураши, илмий амалий ҳамда бадиий хизматлари, унинг лингвистик қарашлари, ўзбек адабий тилини ривожлантиришдаги роли, бу даврдаги эски ўзбек тили, унинг асосий хусусиятлари каби қатор муаммолар ёритилади. Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» асари эса махсус, монография планда тадқиқ қилинади: «Алишер Навоий. «Муҳокаматул-луғатайн» (1940), «Суждение о двух языках» (1940), «Муҳокаматул-луғатайн» ва Навоийнинг лингвистик қарашлари» (1940), «Навоийнинг лингвистик қарашлари ҳақида» (1940), «Муҳокаматул-луғатайн» Алишера Наваи в аспекте его борьбы в узбекской языке литературы» (1948), «Борьба Алишера Наваи за узбекский язык и литературу» (1948), «Ўзбек тилининг улў ҳоми-

лар» (XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошлари) номи (1981 йил) билан нашр этилди.

Маълумки, ўзбек тили — ниҳоятда кўп шеваги тил. Бундай шароитда адабий тилининг ёзув ва талаффуз нормаларини белгилаш, тайин қилиш, илмий-назарий асосга суянган ҳолда унинг орфография қоидаларини ишлаб чиқиш мушкул иш эди. 1939—40 йилларда лотин алфавитидан рус графикаси асосидаги янги алфавитга ўтиш эса ўзбек тилида бу масалани (ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан) тезда ҳал қилиш ишини яна қийинлаштирди. Шундай шароитда Олим Усмонов бу масала билан ҳам астойдил шугулланишга киришди ва бу ишни ҳозиргача — қарийб 50 йил мобайнида давом эттириб келмоқда. Бундан ташқари тилшунос олим орфография, орфоэпия ва алфавит масалаларига бағишланган 16 та илмий мақола ёзди, луғатлар тузди. Амалдаги орфография қоидаларимизнинг тузувчиларидан бири ҳам Олим Усмоновдир. Ўзбек адабий тили орфографияси, орфоэпияси ҳамда алфавитининг назарий ва амалий масалаларини, уларнинг ишланиши ва такомил тарихини Олим Усмоновнинг эзгу меҳнати ҳамда иштирокисиз тасаввури қилиш мумкин эмас.

Ниҳоят Олим Усмоновнинг илмий фаолияти ўзбек тилининг терминология, лексикология ва лексикография соҳалари билан ҳам мушаккам боғлиқ. Бу соҳадаги меҳнатлари жуда залворли. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, етук олим узоқ йиллардан буён Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида терминология бўлимининг мудури сифатида ишлаб келади ва республика-мизда бу соҳада олиб борилаётган ишларга ҳам раҳбарлик қилади. Олим ўзбек терминологиясининг назарий асосларига бағишланган бир қанча асарлар ёзди: «Ўзбек илмий терминологиясининг тараққийти масалалари тўғрисида» (1948), «Ўзбек

ча-ўзбекча луғат (1950—1955 йилларнинг тузувчиларидан ва муҳаррирларидан биридир. 1956, 1961, 1964 йилларда мактаблар учун ва оммабоп қилиб чиқарилган русча-ўзбекча луғатлар ҳам у кишининг иштирокида юзага келган. Айниқса, «Интернационал сўзлар луғати» (1959, 1962), «Русча интернационал сўзлар изоҳли луғати» (1965 й., ҳамкорликда), «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати» (1976 й., ҳамкорликда) каби йирик-йирик ишлар ўзларининг илмий-практик қимматига кўра алоҳида қайд қилиниши керак бўлган ишлардан. Олим Усмонов ўзбек тилидаги ижтимоий-сиёсий ва русча интернационал терминларни тўплаш, илмий таҳлил қилиш, уларнинг луғатларини, хусусан изоҳли луғатларини тузиш ишининг асосчиларидан бири ҳисобланади.

Тилшунос олим рус тилининг Туркистонда тарқалиш тарихи билан жиддий шугулланди ва бу соҳада ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб борди. Тадқиқотчининг бу мавзуга бағишланган йигирмадан ортиқ мақола ва монографияларини илм аҳли, кенг жамоатчилик яхши билади.

Қатта тажриба ва фундаментал билимга эга бўлган устоз тадқиқотчи Олим Усмоновнинг илмий иш услуби ва синчковлиги, талабчан ҳамда камтарлиги ёш олимларга ибратлидир. Олимнинг бемасита илмий раҳбарлиги остида ўндан ортиқ киши илмий унвонга эга бўлди. Улар институтимиз ва республикамиздаги турли муассасаларда ва институтиларда самарали хизмат қилаёттирлар.

Олим Усмоновнинг илмий-педагогик, ноширлик, умуман илмий меҳнат фаолияти партия ва ҳукуматимиз томонидан бир неча бор тақдирланди. Унга 1973 йилда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак ўнвон берилди.

Олим Усмонов ўз умрининг 70-довонидан бердам туриб, ҳормай-толмай хизмат қилмоқда.

Дўстмурод АБДУРАҲМОНОВ

ПОЯСИЗ ВА ЯПРОҚСИЗ

Ява, Суматра, Филиппин оролларидаги тропик ўрмонларда ўзига ҳас антика ўсимлик — раффлезия! усади. Қизғин шундаки, бу ўсимликнинг пояси, япроқлари ҳам йўқ, у биргина косагулдан иборат. Бу ўсимлик Ўрта Осиё қовун

полиэларда учрайдиган шумғиялар сингари текин-хўр ўсимликлар жумласига қиради. Унинг илдизи дарах бутасининг илдизига суқилиб кириб олади ва ўша ерда ўсаверади... Бу ўсимлик гулининг гўнчаси улкан қарам ўрами кўри-нишига эга. Гулнинг очилиб ёпишган пайтдаги кўринишида унинг диаметри бир метргача етган ва 5 килограммгача тош босади.

Гулдан жуда бадебўй ҳид таралади. Бу ҳид сон-саноксиз пашшларни ўзига тортади, пашшлар эса ўсимликнинг чагғилишига ёрдам беради.

БАЛИҚЧИ ҚАРГА

Волга дарёсининг қрмоқларидан бири — Ахтуба қирғоғида ўтирган балиқчилар ўзларида сал нарироқда гердайиб юрган бир неча қаргани кўрдилар. Одатда қаргалар балиқчилардан қолган-қутган сарқит оқатлар илнинида қам раф атрофида айланиб

юривади. Шу сабабли балиқчилар ўз машғулотларига берилиб кетиб, бу гал ҳам қаргаларга унчалик аҳамият бермайдилар.

Кутилмаганда дарё ўртасида «шалп-шулп» этган овоз эшитилди. Балиқчилар ўша томонга қарадилар. Бу пайтда дарёнинг текис юзасидаги доиралы тўпқинлар атрофи ёпилиб бораётган эди. Оқориқроқда учиб бораётган қарганинги тўшқинида... Ылтанглаётган балиқчи кўриб, балиқчилар ҳайратланиб қолди.

— Қойил-е, қарғалар ҳам чайқаларга ўхшаб кетяпти-а! — деди қимдир.

Шумғиянинг бир тури



ОБОД ҚИШЛОҚЛАР

«Оммавий кутубхоналар ва клублар тармоғи кенгайтирилсин, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг ҳаваскорлик ижодиётини ташкил этиш ва бўш вақтларини ўтказиш ишларида уларнинг роли оширилсин».

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларидан.

Улғу Октябрь инқилоби маданий ҳаётимизда янги давр очди. Утган қисқа давр—60 йил ичида мислсиз ижтимоий-иқтисодий ютуқларга эришилди. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси бутунлай ўзгарди, қакраб ётган чўллар ўрнида янги-янги шаҳарлар бунёд этилди, кишиларимизнинг турмуши гўят гўзаллашди.

Совет кишиларининг ҳаёт тарзидаги ана шундай юксак маданий-маънавий даража қўйиши республикамиз меҳнаткашлари турмушига ҳам бевосита алоқадордир.

Л. И. Брежнев республикамизга Ленин ордени топириш муносабати билан сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: «Совет Ўзбекистони... ҳар томонлама ривожланган, гуллаб-яшнаб турган республикага, Шарқдаги энг илғор давлатлардан бирига айланди».

Республикамизда маданий тараққиёт кўрсаткичларидан бири — маданий-оқартуш муассасаларининг шохобчалари — кутубхоналар, клублар, маданият уйлари ва саройлари, кинотеатр, театр, музейлар кенг қулоч ёйди. Ҳозир фақат республикамиз қишлоқ жойларида 3090 та клуб, 5,5 мингдан кўпроқ кутубхона қишлоқ меҳнаткашларининг маънавий эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилаётир. Ана шу маданият муассасалари қoшида 8 мингдан ортиқ қишлоқ бадий ҳаваскорлик коллективлари, корхоналар, колхоз ва совхозларда эса 200 дан кўпроқ меҳнат ва шон-шухрат музейлари ишлаб турибди. Олис қишлоқлар, яйло ва тоғли зоналардаги меҳнаткашларга 378 та автоклуб маданий хизмат кўрсатаётир.

Республикамизда қишлоқ турмуш маданиятини юксалтириш, оммавий-сиёсий ва маданий, маърифий ишлар борасида эришилган барча муваффақиятлар коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг маданий-оқартуш муассасалари тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келаётгани натижасидир. Буни Қашқадарё области мисолида ҳам кўриш мумкин.

Областининг сўнгги йилларда эришган маданий тараққиётини кўрсатувчи баъзи рақамларни келтириб ўтайлик. Агар 1965 йилда областда 230 та клуб ва маданият уйлари, 343 та кутубхона, 229 та киноқурилма, 140 тага яқин бадий ҳаваскорлик коллективлари мавжуд бўлса, ҳозирги кунда бу ерда 290 тадан кўпроқ клублар, 522 та оммавий кутубхоналар, 400 та киноқурилма, улар ҳузурда 70 га яқин турмуш ва маданият университетлари, ишчилар, колхозчилар, зивиллар ва ёшлардан иборат 16 минг кишини бирлаштирган 703 та бадий ҳаваскорлик коллективлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш йўлида хизмат қилаётир.

КПСС XXVI съезди ўн биринчи беш йилликда маданий-оқартуш муассасалари зиммасига масъулиятли вазифалар юкледи. Булар орасида турмушни коммунистик йўсинда қайта қуриш ишининг таркибий қисми бўлган қишлоқ турмуш маданиятини юксалтириш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир областининг барча маданий-оқартуш муассасалари ана шу вазифани ҳал қилишга сафарбар этилгандир. Маданият ходимлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, меҳнат ветеранлари, шоирлар, ёзувчилар, фан ва маданият арбоблари билан меҳнаткашларнинг учрашувларини, наврўз байрами, ҳосил

байрами, қовун сайиллари, сўхбатлар, тематик кечалар ва бошқа маданий-оммавий тадбирларни тез-тез уюштириб турадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг «Хутор системасини тугатиш ва капитал қурилиш тубдан яхшилаш тўғрисида»ги қарори республикамиздаги бошқа областлар қатори Қашқадарё воҳаси учун ҳам муҳим воқеа бўлди. Бу тадбир шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни тугатиш ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шaroитларини яхшилашда катта роль ўйнамоқда...

Областининг Қарши районидagi «Аврора», Нишон районидagi Чўли Бегимқулов номли, Шахрисабз районидagi Энгельс номли, Ленин номли, «Социализм», Яқкабоғ районидagi «Қизил юлдуз» каби ўнлаб хўжаликлар мазкур қарорга амалий жавоб бериб, меҳнаткашларнинг тобора ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда иш юритмоқдалар. Чунончи, Шахрисабз районидagi «Социализм» колхоз-марказида намунали маданият саройи, 3 та клуб, 2 та кинотеатр, 4 та кутубхона, 2 та маиший хизмат уйи, 19 та мавсумий болалар боғчаси, спорт иншоотлари, колхозчилар ихтиёрида. Бундан ташқари колхозда мактаб, магазин, ошхона, касалхона мунтазам ишлаб туради. Қарийб ҳар бир хонадонда телевизор бор. Барча ховлилар водопровод ва газ билан таъминланган. Хўжаликнинг 14 мингдан ортиқ аҳолиси радиоузел хизматидан фойдаланаётир. Колхозда аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш масаласи билан шўғулланганидан махсус комиссия тузилган бўлиб, мазкур комиссия ҳар кварталда бир марта «Хонадонлар конкурси»ни, «Тозалик кунларини» уюштириб туради. Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти келгусида колхозчиларнинг турмуш маданиятини янада яхшилаш мақсадида ўн биринчи беш йилликда турар жой ва маданий-маиший бинолар қурилиши учун 1,5 миллион сум капитал маблағ сарфлашни режалаштирган.

Шу райондаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ленин номли колхознинг ҳам донги республикамиз бўйлаб таралган. Бу ерда майда ва тарқоқ қишлоқ ўрнида замонавий шаҳар типидagi посёлка барпо этилган. Колхоз марказида 1000 ўринли маданият саройи, икки қаватли «Ёшлик» маиший хизмат кўрсатиш уйи, савдо маркази, аптека, уч қаватли алоқа уйи, иккита музей, кексалар чойхонаси, кинотеатр, спорт комплекси, болалар санаторияси, 4650 китобхон фойдаланаётган 4 та кутубхона мавжуд.

Колхоз маданият саройи қoшидаги «Шодиёна» ашула ва ракс ансамбли коллективи ўзларининг санъатлари билан фақат Иттифоқимиз санъат шинавандаларига эмас, балки чет эл томошабинларига ҳам таниш. Ансамбль репертуаридан миллий ҳамда қардош халқлар ашула ва рақслари кенг ўрин олган. «Шодиёна» ансамбли бир неча марта республика кўрик-конкурсларининг ғолиби бўлди. «Марҳабо талантлар»,

«Чашма» бадий ҳаваскорлик коллективлари республика телевизион фестивалларида иштирок этиб, диплом ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Яқинда «Шодиёна» ансамбли ҳақида «Бахтиёр Ойгул» номли фильм яратилди.


Маданий-оқартуш муассасалари таркибидa колхозлар, корхоналар қoшида ташкил этилган тарих ва шон-шухрат музейлари ҳам алоҳида

урин тутади. Улар меҳнаткашларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, Ватанимиз тарихи ва аждодларимиз ўтмишини ўрганишда муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозир областда ана шундай музейлар сони 31 тага етди.

Бироқ ҳамма жойда ҳам қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини юксалтириш, колхоз ва совхозларда маданий-маиший бинолар қуриш, меҳнаткашларнинг мазмуни дам олишларини уюштириш кўнгилдагидек доб бўлмайдиган, албатта. Масалан, Чироқчи, Қўддала, Ғузор, Китоб районидagi баъзи колхоз ва совхозларда бу масалага етарли даражада эътибор берилмаётир. Ҳолбуки, ҳамма район ва хўжаликларда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва турмуш маданиятини юксалтириш масалалари партия, совет, касба союз, комсомол ва маданий-оқартуш муассасалари ходимлари кун тартибидан тушиб қолмаслиги лозим.

Сайдулла ШОДИЕВ,

Тошкент Давлат Маданият институтининг катта ўқитувчиси



Л. РЯЦОВ. Тошкент енгил санoат ва тўқимачилик институти ҳовлисида йўлдош ОХУНБОЕВга ўрнатилган ҳайкал.



БОҒЛАР ЖАМОЛИ — ШАҲАР КАМОЛИ

яxши боғлардан бири деб топилди. Дарҳақиқат, боғда турли хил манзарали дарахтлар: чинор, терак, тол, мажнунтол, арча, сиренлар, гулзор ва майсазорлар мавжуд. 1973 йилдан ҳозирги кунга қадар бу боғга Чехословакиядан ҳар йили «Оймомо-парк» ансамбли гастролга келиб туради.

Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғининг умумий майдони 69 гектар бўлиб, шундан 9 гектарини кўл ташкил қилади. Боққа кираверишдаги кўл қиргоғида қаҳрамон жангчи ҳайкали қад кўтарган. Боғнинг чап ва ўнг томонида ҳам ботиқ комсомолларнинг ҳайкаллари ўрнатилган. Ранго-ранг аттируллар ҳиди димоққа урилади. Бир тарафдаги болалар учун қурилган ўйин майдончалари, иккинчи томондаги қатта ариқ бўйига жойлашган кафе ва чойхоналар боғнинг кўригига кўрк қўшади. Кўлдаги зшакли ҳамада моторли қайиқлар дам олувчиларнинг хизма-тида. Боғда ҳар йили анъанавий «Дўстлик карнавали» байрами ўтказилади.

Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғи ўзининг миллий анъаналарга бойлиги ҳамда чойхоналарининг кўпчилиги билан алоҳида ажралиб туради. Урта Осиёнинг тўнғич планетарийси шу боғда қурилган. Бу ерда қизиқ-қизиқ томошалар, шoir ва ёзувчилар билан учрашувлар, аския-болаларнинг чиқишлари, халқ сайллари, «Табассум», «Муштум» кечалари, турли область ва қардош республикалардан келган санъаткорларнинг концерт программалари, дор ўйинлари ўтказилади.

Тoшкент шаҳрида кейинги вақтларда янги боғ ва хиёбонлар қуришга эътибор янада кучайди. Чунonчи, сўнгги йиллар ичида боғ ҳамда хиёбонлар сони анча кўпайди. Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги, Ленин номидаги болалар боғи, 1981 йилда очилган Фурқат номи маданият ва истироҳат боғи ана шундай кенжа маданий масканларимиз жумласидандир.

Албатта, булар халқимизнинг турмуш маданияти юксалаётганидан дарак беради. Бироқ истироҳат боғлари таълим-тарбия ўчоғига айланган бир вақтда айрим боғларда дам олувчиларни ранжитадиган ҳоллар учрамоқда. Боғлардаги майдонларнинг ҳаддан ташқари ифлослиги, давлат томонидан қанча малаба сарфланиб қурилган аттракционларнинг ишламаслиги, қаровсизлиги, боғ ичида жойлашган ошхона ва чойхоналардаги овқатларнинг сифатсизлиги ниҳоятда ачинарлидир.

Мисол учун, шаҳримиздаги Киров номи маданият ва истироҳат боғидаги бeланд чархпалак, «Самолёт» қачели сингари айрим ўйин турлари ишламайдигина эмас, ифлос чиқиндилар, ёввойи ўтлар орасида қолиб кетган. Баҳор келиб, ёз ўтади, ammo бу ерда қурилган ҳавза ичидаги қуриган дарахт шох-шаббалари, консерва идишлари, шиша синиқлари олиб ташланмайди, қаровсиз ҳолда йил бўйи ётаверади. Ошхоналардаги стол-стулларнинг ҳам устига қараб бўлмайди. Бу аҳволга неча йиллар бўляптики, мутасадди кишилар парво қилмаётirlар.

Шунга ўхшаш нуқсонларни бошқа боғларда ҳам учратиш мумкин. Бугина эмас. Кўпчилик маданият ва истироҳат боғларида жомат тартибини сақлашга, маданий таълимни кучайтиришга панжа орасидан қараляпти. Бинобарин, истироҳат қилиб юрган


хотин-қизларга гап ташлаш, улар таққан тақинчоқларга кўз олайтириш, маст бўлиб жанжал чиқариш ҳоллари юз бериб туради. Натижада кўнгил ёзиш, ҳордиқ чиқариш учун боққа борган кишиларнинг табиаги бузилиб қайтади.

Албатта, юқоридаги сингари айрим камчиликларга, тартибузарларга қарши курашиш фақат боғ раҳбар-ходимларининг иши бўлибгина қолмай, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, тартибни сақлаш ташкилотларининг ҳам вазифасидир. Маданият ва истироҳат боғларининг ташкилий ишларини синчиқлаб ўрганиш ҳамда илгор усулларни жорий этиш уларнинг галдаги бурчи. Боғларда кишилар ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлиф ва истақларини ёзиб қолдирадиган махсус дарфтар тутилса, уни мунтазам кузатиб борилса, боғдаги гоивий-сийсий ишлар ҳамда кўнгилли жамият аъзоларининг ишлари қатъий назорат остига олинса, маданий таълим, интизом, озодлик яхши йўлга қўйилса, боққа кирган кишиларнинг ҳаваси ортадиган бўлади. Зеро, КПСС Программасида айтилганидек, коммунистик жамият қуриш учун зарур бўлган барча идеологик ва маданий

шароитларни яратиш меҳнаткашларнинг ижтимоий активлигини ошириш, аҳолининг маданий ўсишини яхшилашдан иборат. Бу йўлланма маданий таълим ўчоғи ҳисобланмиш истироҳат боғларида олиб бoриляётган ишларга ҳам бевосита тааллуқлидир. Шунинг учун истироҳат боғлари маданиятга оид қўлланмалар босиб чиқариш, матбуотда илгор тажрибаларни тарғиб этиш, йўл қўйилаётган камчиликларни танқид қилиш, ҳар йили энг яхши маданият ва истироҳат боғлари телевизион кўрик курсатувларини уюштириб туриш мақсадга мувофиқдир.

Тoшкентнинг табаррук 2000 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун фақат тошкентликларгина эмас, бутун республикамиз меҳнаткашлари тайёргарлик кўраётirlар. Бу кутлуғ санъатнинг нишонланмишига оз вақт қолмапти. Пойтахтимизнинг кутлуғ тўйига бағишлаб маданият ва истироҳат боғларида халқ сайллари уюштириш, тарихий олимлар, ёзувчи ва шoirлар билан учрашувлар ўтказиш лозим.

Олмаҳон ХУЖАНИЕЗОВА,
санъатшўнос



Ю. КИСЕЛЕВ, С. БАБАЯН. Тoшкент шаҳридаги Самарқанд дарбоза чойхонаси рўпарасида Насриддин Афандига ўрнатилган ҳайкал.

Н. ШАРИПОВ ФОТОСИ

УРТА ОСИЁДА, хусусан Ўзбекистонда маданият ва истироҳат боғлари яратиш, уларда кўнгилочар тадбирлар ўтказиш қадимдан мавжуд. Буюк мутафаккирларимиз Навоий ва Бобир бу борада рисолалар яратишган, ўз шеърларида жаннатмакон боғларни куйлашган.

Дарҳақиқат, XIV—XV асрларда Урта Осиёда боғлар барпо этиш юксак чўққига кўтарилди. Улканнинг турли жойларида ва шаҳарларида оромгоҳ зоналар, маҳобатли саройлар, ҳаммом ва чорбоғлар бунёд этилди. Афсуски, ўша пайтдаги истироҳат боғлари ва маданий обидаларнинг аксарияти кейинчалик ўзаро феодал урушлар натижасида кулепеларга айланиб, бизга қадар етиб келмади.

Улуғ Октябрь революциясидан кейин халқлар маданиятининг юксалиши учун бутун шарт-шароит яратиш берилди. Партия ва ҳукуватимиз истироҳат боғлари барпо этишга мунтазам равишда ғамхўрлик кўрсатиб келдилар. Бинобарин, КПСС Марказий Комитети томонидан маданият ва истироҳат боғларини кўпайтириш, замон талабига жавоб берадиган даражада равнақ топтириш масалаларига алоҳида аҳамият берилляпти. Эндиликда замонавий юксак аттракционлар билан жиҳозланган маданий ўйин майдонларига, оромбахш сайргоҳларга, кўлларга, кутубхона ва ўқиш залларига, спорт саройларига эга бўлган истироҳат боғларини вужудга келтириш талаб этиляптир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Тoшкентдаги мавжуд истироҳат боғларининг аҳоли талабига жавоб берадими? Маданият ва истироҳат боғларида маиший ва тарбиявий ишлар тўғри йўлга қўйилганими? Боғлар кишиларнинг баҳри дилини очадиган ҳамда маданий савиясини оширадиган масканга айлантirlганими? Афсуски, худди мана шу масалалар ўзбек санъатшўнослиги ва маданий муассасалар кун тартибидан четда қоляпти. Уларнинг ютуқ ва камчиликлари етарли даражада ўрганилмапти. Зеро, ўзининг 2000 йиллигини нишонляётган республикамиз пойтахти Тoшкент тўғрисида кўп гапирляпти. Лекин шаҳар камолини белгилашда муҳим омиллардан бири ҳисобланадиган маданият ва истироҳат боғлари жамоли хусусида деярли материаллар йўқ.

Маълумки, революциядан кейин Тoшкентда ободончилик ишлари жадал сурьатлар билан давом этирилди. 1927—30 йилларда Ленин комсомоли номидаги, 1932—1936 йилларда эса эски «Жангоҳ» ўрнида А. С. Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғлари барпо этилди. Улуғ Ватан урушидан кейин вужудга келган истироҳат боғига Ғалаба номи берилди. Шунингдек, шаҳардаги Тельман номидаги боғ ҳам энг кўзга кўринган маданий дам олиш масканларидан бири ҳисобланади. 1972 йили бу боғ Иттифоқимиздаги энг

ЯХШИ ХАМ КЕЛИН

Бу воқеа Хатирчи районидаги хонадонлардан бирида бўлиб ўтди... Баланд ишқом остидаги сўрига кўрпачалар ёзилган, ҳар жой, ҳар жойга пар ёстиқлар қўйилган. Урта бўйли, тўладан келган, қора гулли атлас кўйлак кийган, бўлиқ сочини бошига турмаклар олган йигирма икки-йигирма уч ёшлар чамасидаги келин — Ҳаётхон хонтахтани тўзатмоқда. Шу пайт бўйдор, жуссадор, ширақай йигит ҳиргойи қилганича дарвозадан кириб келади.

— Асқарали ака! Бугун ҳам ошининг олчими дейман! Яна бир азиз, қиёмлайдиган дўстингизга дуч келибсиз чамаси...

— Нима бўпти! «Хотин олдим», деб дўстларимдан ажралайми?— деди йигит кўзининг усти билан хотинига қараб.

— Дўстларингизни уйга олиб келинг, Асқарали ака. Сиз ҳам уларнинг уйларига бориңг. Уйини, оиласини уйлаган йигит кўчада хотамтойлик қилиб юрармайди.

— Биласанми, ҳей менинг улфатларим!— мард йигитлар. Осмонга чиқиб юлдузини узиб таш десам, қўлимга келтириб беради.

— Биламан уша улфатларингизни, ҳаммасининг юзи ялтироқ, ичи қалтироқ. Биттаси уша Пардавоёми! Уйда хотини билан болаларини зор қақшатиб, кўчада ҳеч кимга гап бермайдиған тантибойвачча. Унақаларни кўчада хандон, уйда зиндон, дейишади.

— Ҳей, намунча, бўйидан акаси. Арпаннинг ҳам тупроғи-гарди бўлади. Айбсиз дўст ахарсанг, дўстсиз қоласан деганлар.

— Грилп бўлгангизда, касалинг менга урсин, деб стаканларни бўшатган Қосимжон ҳушёрхонадан

«ҳушёр» бўлиб қайтибди. Хотини келувди. Мўмин-қобил эримни Асқарали акам ичкиликка ўргатдилар, деб анча гапларни айтиб кетди.

— Нима! Мен озғини очиб, ароқ қўйибманми! Бунақа гаплар ҳам борми ҳали! Мен мард йигитлар билан дўстлашадиганлар тоифасиданман, йигитларнинг гули билан дўст бўламан.

— Тўғри айтасиз. Яхшига яқинлашсанг, етарсан муродга... Пахтазорга кирсангиз, ҳеч бўлмаса, гарди юқади. Яхши кишининг нијати пехтадай беғубор, оппоқ бўлади. Сўхбатдан, одобидан киши баҳра олади... Қани, Асқарали ака, тезроқ кийимларингизни алмаштиринг, тезроқ сигир-бузоқларни сўғориб, ем солиб келинг, жониворлар толиқиб қолишсансиз.

— Оббо, хотин олмай, бало олган эканман-ку,— дея гўлдиради Асқарали.— Қўлим ишдан бўшамайди. Обедга келсаму, ишдан тўғри уйга жўнасам! Шаҳарга боришлар ҳам йўқ. Товба! Эрта-индин кир ювиш билан сигир соғишда ҳам ўргатмаса, дейман.

— Соғувчилликда чемпион бўлган йигитлар кўп, Асқарали ака. — Ҳа, ихтиёр хотинларга топшириб қўйилса, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган топшириқларни ҳам беравертиради...

Асқарали уйга кириб, кийимларини алмаштириб чиқди-да, челакни ноҳуш кўтариб, бостирма томонга кетди. Шу пайт дастурхонга ўралган лаган кўтариб, Маҳпират хола дарвозадан кириб келди. Ҳаётхон унга пешвоз чиқди.

— Ассалом, аяжон, эсон-омон бориб келдингизми, ҳаммалари тинч-омон ўтиришган эканми!

— Шукр болам, кўндан-кўн салом айтиб юрашдинг. Анзират холангиз сизнинг ҳақингизга кўп дуо қилдилар. Барака топинг, болам... Йўл-йўлақай ўйлаб келдим. Севишиб турмуш қурган яхши экан. Елғизгинам Асқарали ерга урса кўкка тўпдай сапчирди. Шўх эди, бебош эди. Келиним ҳам ўзидай бўлса, шўримга шўрва пishaди, деб қўрққан эдим. Шукр Асқарали одобли йигит бўляпти...

Шу пайт бостирма тарафдан Асқаралининг овози эшитилди: — Ҳаётхон, бузоқнинг сув ичганига қараб, менинг ҳам иштаҳам очилди. Яхнангиз борми?

— Бор, Асқарали ака. Минерал сув ҳам бор холодийликка. Ҳозир обориб қўйиб бераман... Утган кунгидай бир иш қилманг тагин, бугун отамлар келадилар...

— Нима қилибман ўтган кун! — Холодийликдаги бир ишшани ичиб олиб, булбулгўё бўлганингизчи! — Минерал сув деб ўйлагандим-да, Ҳаётхон,— деди Асқарали мийиғида кулиб.

...Кеча яқин Ҳаётхоннинг ота-оналари меҳмон бўлиб келишди. Қудандалар дастурхон устида узоқ сўхбатлашди ўтирдилар.

— Кеча қўшимиз Каримахоннига ўтувдик,— деб гап бошлади Ҳаётхоннинг дадаси.— Невара кўрибди. Угли ҳам ишда чиниқиб, шунақа ҳалим-ҳазим йигит бўлибдики, ҳавас қилса арзийди.

— Келини-чи, келини!— дея эрининг гапига қўшимча қилди кампир.— Қандай одобли! Бамисоли олтин узукка қўйилган ёқут кўз дейсиз.

— Утган-кетганлардан гаплашиб роса хордиқ чиқардик,— деди чол гапини давом эттириб.— Каримахон бригадасидоги ишлардан гапириб берди. Пахтасининг ўсиши яхши эмиш. Сўхбатимиз қиймага етганда, Ташўлат сариқ ҳовлиқиб кириб келди. Тракторини милиция тўхта-тиб, правасини олиб қўйибди. Пиво ичиб ҳайдаган экан. Каримахон нима дерди. «Бор, йўлингдан қолма, қонда бузганнинг жазоси шу. Мени бунақа ишларга аралаштирма, инспектор қандай чора кўрса, уша бў-

лади», деди. Ташўлат шундай мўлақад бўлибдики... Энди пивотугур лимонадни ҳам ўйлаб ичса керак.

— Қудажонлар,— деб гап бошлади Маҳпират хола,— мен қизим ҳақида бир оғиз гапирай. Анзират жияним билан саккиз йилдан бери юз кўришмас эдик. Жанжал шу Асқаралининг бебошлигидан чиқувди. Асқаралининг коптоги Анзиратларнинг деразасини синдирибди ўшанда. Унинг ўғли билан Асқарали уришиб қолибди. Анзират Асқаралининг қулuginи чўзбди. Жаҳл устида у бир нима деди, мен бир нима дедим, шу билан гаплашмай кетувдик. Икки ҳафта бурун Ҳаётхон бир лаган сомса пишириб, мени қўярда-қўймай: «Бир холам бор, касал, кўриб келамиз», деса бўладими. «Ким, қаерда», деб сўрасам, «Танимайсиз», дейди. Битта машина тутиб, йўлга тушдик. Янги солинган уйлар. Анзиратни ҳеч ҳам ҳавлимга келтирмаганман. Уйга кириб, тўшанда ётган Анзиратни кўриб, хўрлигим келди, йиғлаб юборибман, денг. Соғинган эканман, кучоқлаб ўпаман, йиғлайман. Анзират ҳам кўп йиғлади, бағридан қўлиб юбормайдми... Шу билан яна борди-келди бошланиб кетди. Бугун ҳам ўшаникка бориб келдим. Шукр, Анзират тузалиб қолди, ўзи кириб-чиқиб юрибди. Давлени деган сабил аёл кишида ҳам бўлаверар экан-да.

Маҳпират холанинг гапи Ҳаётхон ҳақида эди, буни ҳамма тушуниб ўтирди.

— Умрингдан барака топ, қизим— деди отаси хурсанд бўлиб, — Пири бадавлат бўлинглар!

Қудаларни кузатиб қўйганларидан кейин Асқарали ойисига илтмос билан юзланди:

— Ая, келинингизга айтинг. Бугун ўз қули билан жаннат сувидан қўйиб берсин.

— Авааламбор, келинингиз, деб айтма,— дея ўғлига танбех берди Маҳпират хола.— Ҳаётхон менинг қизим бўлади. Умр бўйи қиз орзу қилган эдим, нијатимга етдим. Ин-нейкейини уша «жаннат сув» деганинган ичма, мен ҳам, Ҳаётхон ҳам хафа бўламиз.

Салоҳиддин СОЛИЕВ

Саккизинчи мартни ҳар йилгидек интизорлик билан кутардим. Кузда тувакка ўтказилган ош райхон қарқара бўлиб ётар, унинг ёнгинасидаги хонаки гул эса маржондек очилганди. Чорси қилиб қирқилган оқ сурпга турли хил рангдаги ипдан қўшини, юлдузларни, яшил майсаларни тика бошлагандим. Каштанининг битишига байрам ҳам келиб қолса керак. Четларига қизил ипдан «Онажон, бахтимизга соғ бўлинг!» деб ёзиб қўйгандим. Каштани тунда онам ва укам ўхлаган пайтларда бекитиқча тикардим. Игна юз мартаб кўлимга кириб кетгандир. Шунда ҳам чндардим. Онам ҳам, укам ҳам уйқудан уйғониб кетмаски деб «воҳ» ҳам деб товуш чикармасдим. Укам менга ялнана-ялнана бўёқлар олиб келтирди ва альбомига бинафшларини, қўшларни, сарҳадсиз чўлларни, зангори осмонни, пурвиқор тоғларни чиза бошлади. Чунки ана шу нарсалар— онамининг энг севган нарсалари. Бунн укам ҳам яхши биледи.

Қишини қировли кунларида онам гулга зор эдилар. Ёз келди, дегунча ҳовлимиз мисоли жаннатга айланди. Призедент гуллар, райхонлар, чамбиллар ҳовлимизга ўзгача чирой бахш этарди. Байрамларга ҳар доим ав-

СОВҒА

ЛАВҒА

валдан тайёргарлик кўрамаиз. Онамлар менга ва укамга ҳар байрамда китоб, ширинликлар совға қиладилар. Ширинлик орасида эса албатта бир донга гул кулиб туради...

Кунлар бир-бирини қувалашиб март ҳам кириб келди. Ёмғирли кунлар бошланди. Ҳовлимиздаги гул майдоннда ҳам кўм-кўк майса бош кўтар бошлади...

Ҳар гал майсалар бош кўтарганда дадамни эслайман. У киши енгларини шимариб, шу майдончага турли гуллар ўтказар, ора-сера менга боқиб: — Ойижонинг тоза хурсанд бўлади-да!— дердилар.

...Бир ёмон сабаб билан мен отасиз қолдим. Йиллар ўтди. Онам гоҳ-гоҳида йиғлаб олардилар, бу ҳол кўпроқ биз байрамларда совға тақдим этганимиздан сўнг бўларди.

Мен битирувчи синф эмасманми, дарсларим қўлпигидан бир кунн гулларга сув қўйиш ёдимдан кўтарилибди. Бунн кўрган онам менга танбех бердилар.

— Наргиза — ўзинг, гулсан, болам, номинг ҳам гул. Қил-

ган ишиниғи кўрган ҳар бир киши қўли гул экан десин.

Март ойининг биринчи ҳафтаси эди. Кечқурун хонамда дарс тайёрлаб ўтиргандим. Эшик қўнғироғи жиринглади. Онам охинонада сомса узабтгандилар. Ботир кўчада ўртоқлари билан бекинмачоқ ўйнаётганди. Шунинг учун эшикни ўзим очдим. Остонада ўрта бўй, сочларига оқ оралаган, озғинроқ бир киши турарди. Дарҳол салом бердим. Танима ҳайрон бўлиб қолдим. Қаердадир кўрганман, лекин ҳеч эсполашман. У бўлса кўзларда ёш билан онамин сўради. Қўлида бир даста лолақизгал-да ва чўчқомалар, қоғозга ўралган алланарса бор эди.

Онам кўлларини фартуғига артиб охинонадан чиқиб келди. Бирдангина юзлари оқариб, кўллари титраб эшикни шартта юзига ёпди. Ҳалиги киши биринки бор эшикни тақиллатди. Онам эшикка суянганча турарди. Сўнг сув сўради, лаблари унсиз шивирлади:

— У сенн отанг...

Шундай ўтирганимизча қанча вақт ўтди, билмайман. Бир

маҳал Ботир оғзи қулғида келиб қолди. Қўлида боғиғ нарсалар ва бир парча қоғозда икки жулма сўз:

«Салима, азизам! Кечира олсанг, кечир! Умр бўйи сенинг меҳринг, муҳаббатинг билан яшадим. Мени эслаб тур деб адашган Ғофирнинг!»

Ҳатни ўқиб, онам йиғлаб юборди. Уларига ярашган зулукдай қоп-қора сочларини тутамлаб: «Шундай бўлишга ишонардим», деди у. Ботир югуриб хонасидан альбомини олиб чиқди. Онам уни варақлай бошладилар. «Ўзимнинг рассом ўғлим», деб ўкамни ўлиб қўйдилар. Шунда онамининг ичларига чироқ ёқилганини ҳис этдим. Менинг ҳам онамга қўшилиб кўнглим ёришиди. Энг азиз кишини байрамга совға улашгандай лабимдан хандам аримасди. Кўнглим ярагандан-яради. Шитоб туриб дераза тоқчасидаги гуллардан кичик гулдаста тайёрладим, ёнига шунча тўн тўқилган каштамни қўшиб онамга тақдим этдим. «Гуллардай чирой очиб, қулиб, бахтимизга соғ бўлинг», деди онамин кучоқлаб, бағримга босиб.

Онамининг кўзлари порлаб кетди, бир дамда янада чиройли бўлиб кетгандай эдилар кўзларимга...

Мавпура ЮНУСБОЕВА

ЕТТИ ЗОҒОРА ҚИССАСИ

Туроб Тўланинг «Етти зогора қиссаси» Улуғ Октябр инқилобидан олдин ва кейин кечган яқин ўтмишимиз ҳақида. Бахшилла бува болалигидан билган, эшитган, бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар қиссанинг асосий мазмунини ташкил қилади. Бу воқеа-ҳодисалар бобо ва набиранинг Турбатга саёхати давомида гоҳ ривоят, эртак, гоҳ ҳикоя тарзида ўқувчига етказилади.

Қисса йигирма икки бобдан иборат. Ҳар бир боб воқеаси сўғида нимаси биландир кейинги бобга уланади ва кейингиси яна бир янги воқеа билан ўқувчи тасавурини кенгайтириб, ҳаяжонга солиб боради. Асарда турбатлик ўғлиб одамлар тақдир, хилма-хил урф-одатлар, инсоний муносабатлар реалистик ифоделанади. Булар фониде севги,

вафо, ҳалоллик, меҳнат, одамийлик, бахт ва бахтсизлик, ҳижрон ва изтироб каби умумбашарий масалалар самимий ёритилади.

Қиссадаги ҳамма воқеа-ҳодисалар негизда ҳаётдаги зиддиятларни рўйроқ кўрсатиш ётади. Еш Бахшилланинг севгилиси гўзал Ҳадияхон хонларча олиб қочилса, Тешиктош сайида кувё фотиҳага келмай, асрий одатдан чекинади; дунё кўраман деб уйдан чиққан шурлик Шоди бақироқ соддалигидан уйига қайтиб келиб қолганини билмай қолади; уруш Сановарни севгани — Дмитрийдан жудо қолади ва ҳоказо. Ёзувчи бундай ҳаётий контрастлар орқали ўз қаҳрамонларида характер товланиши ва шаклланиши, характер ва замон муносабатларини ҳаққоний чиқади.

«Етти зогора қиссаси»нинг асосий гояларидан бири — ёш авлодни ҳалолликка, покликка чақириб, нопоклик, ҳар хил ҳаром-харошлардан эҳтиёт қилишдир. Бу гоҳ ҳар бир боб мағзига сингган бўлиб, бутун асар мазмунининг лейтмотивидай жаранглайди:

Яхшига яламам ёру гулузор
Турбатимиз,
Нобакору нсҳалолга тангу тор
Турбатимиз.

Қиссанинг кўпчилик боблари чинакам новелла даражасига кўтарилган. Айниқса «Шоди бақироқ», «Ҳадия», «Отбоқар ва Шахзода», «Шайтонкўприк», «Бузоқ қулаган бола», «Тешиктош сайи», «Бодомбека» боблари гоҳ таъсирчан ёзилган. Буларнинг баъзилари, чунончи, Бодомбека билан Мулла Тилак ораларидеги муҳаббат саргузаштлари тасвирланган боб шу қадар мукаммал ва салмоқлики, муаллифнинг ўзи уни беихтиёр қисса деб атаган.

Умуман, ёзувчи ҳаммавақт асар мазмунига катта эътибор беради. Унинг ҳикоя қилишида қизиқтирувчанлик, жозиба кучли. Асарнинг бошида Бахшилла бува кўхна Турбатга отланиши сабабини сир тутайди ва шундай бир оворгарчиликдан

мақсад нимададиган китобхонни шубҳасиз ўзига тортади. Муаллиф бирор воқеани сўзлаб туриб, шунинг орасида уни тўлдирадиган, унда олға сурилаётган гоҳи янада ойдинлаштирадиган лавҳа ёхуд латифанамо парчаларни қистириб ўтади. Бундай ҳолни биз «Шоди бақироқ» новелласидаги чорпўлатлик билан қизиқчи мулоқоти, темирчи ва Ҳазир учрашуви, қарга ҳақидаги латифаларда, «Тешиктош сайи» ривоятдаги қози ва ака-ука Шоди бақироқлар савол-жавоби, «Етти зогора»да эса Отойи билан айғоқчи афсонаси сингариларда кўраимиз.

Сановарнинг ёри доғида ниҳоят қора кийиб, Любарникига кириб келиш асноси, отбоқарни ўлимга юборган подшонинг ўзининг ўғли ўлдирлиши картиниси, Бахшиллабекнинг отаси кечаси Шайтонкўприкда сехрли йўловчини отига миндириб олиши эпизоди қабилири ўқиган китобхоннинг таъсирланиши табиийдир. Бадий прозанинг сехрғарлик кучи ҳам ана шунда бўлиб, бу, албатта, адибнинг насрдаги таъсирлаш маҳоратидан далолатдир.

Туроб Тўла шу дастлабки йирик насрий асаридеяқ ҳозирги қисса жанримиз эришган ютуқлар даража-

ЗАРУР КИТОБ

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётида 1982 йилда босилиб чиққан Б. А. Ваҳобованинг «Ибн Сино асарларининг ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти тўламаидаги қўлёзмалари» китоби ушбу институти ихтиёрида сақланаётган Абу Али ибн Сино қаламига мансуб рисоалар қўлёзмаларини ахтариб топиш ва тавсифлашга бағишланган.

Албатта, буюк алломанинг асарлари илгари ҳам тавсифланган, бироқ ушбу тавсифлар турли нашрларда сочилиб кетган бўлиб, кўпича етарлича изчил эмас эди. Қолаверса, улар Ибн Синонинг барча сақлиниб

қолган асарларини тўлиқ ўз ичига қамрай олмаган эди. Б. А. Ваҳобова эса фақат институти фондидеги қўлёзмаларни тавсифлаш билан чегараланиб қолмай, Абу Али ибн Синонинг ҳар бир муайян асарига оид энг янги совет нашрларида ва чет эл каталогларида учровчи маълумотларга ҳам ишора қилиб ўтади.

Шу билан бирга китобда ибн Синонинг биринчи марта тавсиф қилинаётган қўлёзмалари ҳам кўп учрайдики, улар ҳақида китобхон фақат Б. А. Ваҳобова асаридан маълумот олиши мумкин, бу, албатта, жуда муҳимдир. Муаллиф илгариги нашрларда йўл қўйилган хатолар ва эскириб қолган, ноаниқ, янглиш маълумотларни тузатиш борасида, дарҳақиқат, чуқур тадқиқий иш олиб борган. Масалан, Шарқ қўлёзмалари тўплами V жилдиде «Мухтасар ал-

Уқлида» асари тавсифланган бўлиб, унинг муаллифи Ибн Сино деб кўрсатилган эди. Лекин Б. А. Ваҳобова ушбу асарни унинг бошқа қўлёзмалари билан синчиқлаб солиштириб кўргач, мазкур асарнинг муаллифи илгари ҳисоблангандек Ибн Сино эмас, балки Шамсиддин Мухаммад ибн Ашраф ас-Самарқандий (800 [1397] йилда вафот этган) эканлигини ва асар «Мухтасар ал-Уқлида» эмас, балки «Ашкол ат-Тасис» (яъни «Исбот этилган жумалар») деб номланган ва қадим юнон олими Эвклиднинг геометрияга оид асарига ёзилган шарҳлар эканлигини аниқлади.

Шунингдек, изланишлар ва тадқиқот натижасида Б. А. Ваҳобова ибн Синонинг илон, чевнарлар захрига қарши, оғиз бўшлиғи ва тери касалликларидан сақлашга қаратилган дево воситалари хусусида ёзилган шерьий рисоласи сарлаҳасига оид челкашликка ҳам барҳам берган. Бу китоб Шарқ қўлёзмалар тўпламининг V жилдиде Б. А. Ваҳобовани аниқлагандек, «Тажрибаде синалган (авицатлар) ҳақида уржуза» деб эмас, балки бошқа сарлаҳа остида

берилганим, у амалда ушбу рисо- ланинг форс тилига таржимани ёзган сўзбошидаги биринчи сатр сўзларидан иборатдир.

Б. А. Ваҳобова ўз каталогига Ибн Синонинг «Ҳайи ибн Яқзон» (яъни «Уйғоқ ўғли Тирки»), «Рисола ат-Тайр» яъни «Қушлар ҳақида рисола» асарларига тузилган шарҳларни ҳам қилган. Бунинг сабаби, муаллифнинг ёзишчиси: «Ушбу рисола қўлёзмалари фондидаида (яъни Шарқшунослик институти фондида.— Э.Х.) мавжуд эмас, уларга тузилган шарҳларни эса ушбу асарларнинг тўлиқ матни берилгандир» (7-бет).

Китобда тавсиф этилган асарлар мазмунига кўра жуда турличадир — бу ерда тиббиёт ҳам бор, доршунослик ҳам, гигиена, фалсафа, мантх, ахлоқ илми ва ҳоказолар мавжуд. Агар Ибн Синонинг тиббий мероси, айбў ўтганинииздек, анча-мунча ўрганилган бўлса ҳам, унинг фалсафий асарлари ҳақида бундай дейиш қийин. Албатта, бу соҳада ҳам баъзи ишлар қилинган, айниқса алломанинг йирик фалсафий ишлари билангина ўрганилган, бироқ буюк қомусий олимнинг кичик рисоалари

Б. А. Ваҳобова. Рукописи произведенной Ибн Сино в собрании институти востоковедения Ан УССР. Ташкент, «Фан», 1982 г.

ШОИРЛАР БЎСТОНИДА

Кейинги йилларда XV асрда яшаб ижод этган танқидий шоир, олим ва педагог Атоуллоҳ Ҳусайиннинг шарқ поэтикасида кенг қўлланилган аруз вази ва унинг бадий воситаларига бағишланган «Бадойиу с-санойи» (форс-тожик тилидан Алибек Рустамов таржимаси), Зайниддин Восифийнинг XV—XVI аср адабий ҳаёти ва шу даврнинг пешнадам вакиллари фаолиятига бағишланган «Бадойиу ул-вақойи» (форс-тожик тилидан Наим Норкулов таржимаси), Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Шоирлар бўстони» (форс-тожик тилидан Бўрибой Аҳмедов таржимаси) асар-

лари таржима қилинди ва нашр этилди. Бу уч асар классик шерьиянинг назарий асослари, ўтмиш шоирларнинг маҳорат сирларини ёритади, улар яшаб ижод этган тарихий ҳақида ижтимоий-сиёсий давр таъсирини бевосита чизиб беради. Шуниси эътиборлики, Атоуллоҳ Ҳусайиний ва Давлатшоҳ Самарқандий ижоди, уларнинг мазкур асарлари улуғ Алишер Навоий назаридан ўтган, унинг таъхисига сазовор бўлган.

Мазлуки, Давлатшоҳ Самарқандий таъхираси адабиёт тарихининг катта бир даврини қамраб олиши, бир қанча адабиёт намояндалари тўғрисида дастлабки ва кўп ўринда ягона манба бўлиши, ундаги адабий ва тарихий фактларни шарҳлашда муаллиф ўз даврининг илгор прогрессив намояндалари позициясида турганлиги билан кўпдан бери олимлар диққатини ўзига жалб қилиб қолади.

Зеро, Давлатшоҳ ўз асарининг мазмуни ва мундарижасини буюк замондоши Алишер Навоийнинг адабий-бадий ва танқидий қарашларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Бунинг муаллиф асар муқаддима-сида ҳамда таъхиранинг Алишер Навоий фаолиятига бағишланган ва чуқур ҳурмат, шундай шахс билан ҳамаср эканлигидан гурур, миннатдорлик ҳислари билан йўғрилган сатрларида ҳам ифода этган. Давлатшоҳ, шоирлар хатти-ҳаракати ва ижодида берган баҳоларида инсонпарварлик, маърифатпарварлик ва адолатпарварлик гояларининг ҳимоачиси сифатида намойн бўлади. Шунинг ижодий позицияда турган қалам аҳлини ёқлайди.

Асарнинг ўзига мурожаат қилайлик. Таъхирдаги ўз даврининг йирик шоир ва олимларидан бўлган Амаки Бухорий, Аваҳиддин Анварий, Асириндин Ахсиятий, Шоҳфур ибн Мухаммад Нишопурий, Убайд Зоқоний, Камол Хўжандий ва кўпгина бошқа шоирлар ҳар қандай қийинчиликлар, тазийқларга қарамай, ўз ижодий принципларини, маънавий озошликларини ҳимоа қилиб келдилар. Бу ўринда Хомжа Хасан Деклавий ҳаётдан келтирилган ҳикоят характерлидир. Нонвой дўкониде шоирдан ноннинг нархини сўрасалар: «Бадавлат киши учун нон вазидаги тилла баҳосида, камбағалнинг биргина илтимоси кифоя», мазмунида жавоб оладилар. Шоир-

нинг бу киноя тўла муболағаси ортида унинг реал ҳаётга муносабати ёрқин акс этган.

Давлатшоҳ бир қанча шоирларнинг ижодида баҳо берар экан, уларнинг «сўзини содда қилиби, яъни ортиқча безаксиз, кенг халқ оmmasига тушунарли қилиб айтишларига диққатни жалб этади. Адибнинг ўзи ҳарбий хизматчи сифатида асосан оддий халқ вакилларида бўлган аскарлар ҳаёти, қизиқишлари, одатларини яқиндан билар ва уларнинг хатарли, машаққатли турмушида санъат, шерьият қандай ўрин тутганини шахсан кузатган эди. Шунинг учун у ўз даврининг барча прогрессив намояндалари каби, адабиётда, айниқса, сарой адабиётда мураккаблашган услуб, шаклбозлик авж олган бир даврда асар мазмунини биринчи ўринга қўлади, ҳар бир шоир ижода ўз услуби, ўзига ҳос овозга эга бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди.

«Шоирлар бўстони»да бир қанча оддий халқ вакилларида етишиб чиққан шоирлар тўғрисида маълумот келтирилади. Таъхир муаллифи бу шоирларга самимий хайрихошлик билан қаради. Бу борада икки дехқон — Жамолдин ибн Жамфар Фарраҳоний ҳамда Мухаммад ибн Хусоимиддин Кўхистонийга бағишланган парчалар қимматлидир. Мухаммад Кўхистоний эртадан кенгча битган шерьларнинг эрдан иш пайтида кетмон дастасига ёзиб юрар

(Давлатшоҳ Самарқандий. «Шоирлар бўстони» «Тазкират уш шарардан»).

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Ташкент, 1981 йил.

сида туриб қалем тебратди. Ўғри, ҳамма боблар ҳам бир хилда таъсир ва жозоба кучига эга бўлмагани мумкин. Аммо, айтаётганимиздек, талай-талай салмоқдор новеллалар ва булар тўфайли бутун асардан қоладиган умумий таъсурот: яхши.

Ёзувчининг маҳорати ҳам қайси персонажни учун керакли ҳислат, тақдорланмас белги топа олиши ва шуни ўринли равишда тасвирлай билишида. Туроб Ўтла асарида ўттизга яқин қаҳрамон титирок қилади. Ҳар бирининг ўз қиёфаси, гапириш оҳанги, тақдирини мавжуд. Масалан, Бахшилла бува образини эслайлик: у халқ ривоятлари, арсона ва эрталари хазинаси. У билганларини ёқимли қилиб гапириб бера олади ҳам. Аслида бутун бошли қисса унинг диққатлари асосида яратилган.

Муаллиф қаҳрамонлар портретларини чиқишда ҳам маҳорат кўрсатади. Масалан, Митя тўғрисида гап кетганда унинг ҳислатларини воқеалар давомида аста-секин очиб боради. Бир ерда арман боланинг кучлиги, иккинчи жойда удабурунлиги, учинчисиде, одамийлиги ва ҳоказо. Ёхуд Мулла Тилакнинг табиқчилигидаги доғруғи ҳақида бош-

қалар озгидан: «Шундай табиқ ҳам олиб қололмади,— деди кимдир бақалоқ самоварга ўт ташлаётди,— бўлмаса, қанақаларини олиб қолган. Топкандай шахри азимдан ҳам уни излаб келишди. Шўрлик, тўрт кечаю тўрт кучдаз олишди ажал билан, ва у ухлади на ажел. Ахири бўлмади, олиб кетди».

Бодомбеканинг юраги ачишиб кетди табиқнинг аҳволига, бироқ унинг иқтидорига, овозасига ичиде гуруранди ҳам», дейди. Муҳими, қаҳрамони характеридеги яхши фазилат атроф-муҳит билан узвий алоқада тавсифланади. Асилкекенинг тақди қўрилиши-ку бир жумла-деёқ ўхшатиб айтади: «қоллонникидеқа ҳақкам-дуқкам мўйловларини сиқаб қўйиб, давом этаверадди».

Ёзувчи деталъ топишга уста. Бир кичкинагина деталъ билан образини характерлайди-қўйди. Арман боланинг тақачилиқ соҳасидеги тадбиркорлиги ҳақида шундай дейди: «Бир кунни асов бир отга тақа қоқайтганлариде от асти обғини беравермади. Эгаси ҳам, темирчилар ҳам бас келишолмади. Митя ўрнидан турди-да, босқонини Аҳмад айдикка бериб: «Ушлаб туринглар», дейди, аста орқа обғидан бир силтаган эди, от обғини

нини таҳлил қила билишини кўрсатган.

Лекин у ёки бу нашр ҳар қанча афзалликларга эга бўлмасин, аънава кўра, ундаги камчиликларни кўрсатиб ўтиш жоиздир. Албатта, бу иш ягона мақсад билан, муаллиф ўзининг келгуси ишларида ушбу айтиб ўтилган тилакларни ҳисобга олар ва тузаётар деган умидда қилинади. Тақриз қилувчи китоб камчиликлари унчалик жиҳидий эмас ва биринчи навбатда уларнинг сабаби улуғ алломанинг асарларига хос бўлган чуқур қомусийлик ва илмий қамров кенглиги билан боғлиқдир. Бу ўз навбатида Ибн Сино асарларни тадқиқотчидан ҳам ниҳоятда фикрий кенглик, турли-туман илм соҳаларида ҳар томонлама чуқур билимларга эга бўлишни тақозо қиладики, бизнинг асримизда бир кишида бу нарсаларнинг тажассумлашиши камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Китобда йўл қўйилган камчиликлардан бири Ибн Сионинг (Аристотель) «Теология» китобига шарҳлар» асари тавсифида бўлиб (49-бет) кўринади. Дарҳақиқат, илгари «Теология» муаллифи Аристотель деб ҳисобланар эди. Би-

вий, Муниддин Жувайний каби шоирлар ижоди Улуғбек диққатини ўзига жалб этган. Унинг ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этган Хожа Исмаиуло Бухорий, тақрирада хабар берилишича, «...Улуғбек кўрагон ҳукмронлиги даврида ҳокимларнинг маҳд этмоқни тарқ этди», у султониинг илтимосига кўра, баъзида қасидалар ёзиб юрди. Шундан сўнг тақрира муаллифи Улуғбекнинг ҳукмронлик тарихига тўхталади.

Тақриранинг аҳамияти, қиммати яна шундаки, у сарбадорлар ҳаракатини, уларнинг намояндлари ҳаётини ёритиш мақсади билан битилган биринчи ёзма манбадир. Бу ишнинг нечоғлиқ зарур эканлигини муаллиф шундай изоҳлайди: «Тарихчилар сарбадорлар аҳволига асло қўл урмаганликлар, фозиллар улар ҳақида биронта тарих битмаганликлари сабабидан, улар тарихидан андақ қисмини ушбу тақрирада баён этиш вожиб кўринди. Чунки (улар) шижоатли, марду ҳашаматли бир жамоадурлар». Вақоланки, ўше вақтда расмий ҳукмрон доираларда сарбадорларга фитначи, галаёнчилар тўдаси сифатида қаралар эди. Тақрирада сарбадорлардан чиққан бир қанча шоир тўғрисида маълумотлар келтирилган. Амир Маҳмуд ибн Ямин шулар жумласидан бўлиб, Давлатшоҳ унинг билими, фёъл-атвори ва истеъдодига юқори баҳо беради. Шоир асли: деҳқон бўлиб, «деҳқончиликдан топан нонини шон-

қайриб берди-қўйди». От эгаси ҳам, темирчилар ҳам: «Баракалла», дейишди бараваарига».

Туроб Тула қаҳрамонлари психологясини жуда нозик кузатади ва нафис тасвирлайди. Улардаги кўз илғамас қалб тебранишлари, шубҳа ва самимият ишонарлиқ ифодаланади. Саноиятдаги ички ёниш, Бодомбеканинг китроблари, Бахшилла буванинг ўйлари, Бойбуваннинг йўлда кечаси отда келаётгандаги ҳолати сингарилар бунинг яхши мисоли.

Қисса бошдан-оёқ кувонқ юмор билан суғурилган. Енгил ва хушчақчақ кулги воқеа-ҳодисаларни тўғри қабул қилишимизга, қаҳрамонларни қай тарзда тушунишимизга ёрдам беради. Муса бува хотинига ҳаётда оддий миҳ деган нарсанингни ўрни катталиги ҳақида айтса, содда ўғли Кенжа: «Демақ, ярамас бойўғли ақли етди, миҳларни суғуриб ташласа, ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетар экан-да» дейиши, Шоди бақироқнинг қишлоғига қайтиб келиши, ёш Бахшилланинг эски мактабга бормаслик учун оғилхонада жилдан алмаштириб юриши қабул қилиши демишгир кулгу уйғотади. Қисқаси, ёзувчи керагида кулги, керагида даҳшатли воқеалардан сизни ҳаяжонга сола

роқ кейинчилик бу китобнинг Аристотель қаламига мансуб эмаслиги аниқланади. Б. А. Ваҳובהва бу нарсани Тошкентда 1980 йилда Босиллиқчиқан «Абу Али ибн Сино тўғрлиганига 1000 йил тўғрлигани муносабати билан» деб аталувчи тўпламда, А. Б. Сагадеев мақоласидан ҳам билиб олиши мумкин эди.

Б. А. Ваҳובהва китобиде Ибн Сионинг Куръоннинг баъзи сураларига сифлар берилган. Бироқ Ибн Сино ушбу шарҳлар сарлавҳасида Куръон ёзилган кичик шарҳларига ҳам тавсурларининг қабул қилинган номларидан эмас, балки уларнинг биринчи оятларидан фойдаланган. Ушбу ғайри табиқий ҳол сабаблари ҳақида Б. А. Ваҳובהва бир оғиз ҳам сўз айтмаган. Бундан ташқари, Аристотелиннг «Осмон ҳақида рисола» деб номи «Осмон ҳақида китоб» деб нотўғри берилган.

Китобнинг нашриёт муҳаррири борасида ҳам баъзи мулоҳазалар билдиришга тўғри келади. Китобда учраган хатоларнинг баъзи биларини, масалан, «катлог» (2-бет)ни «каталог» эканига ўқувчи осонликча тушуниб олса ҳам, баъзиларини ма-ру фақирлар билан бўлишиб еган. «Шоирлар бўстони» ҳақида гап кетар экан, унинг таржимаси, нашрининг илмий савияси ҳақида ҳам тўхталыш керак, албатта. Нашрининг шубҳасиз афзаллиқларидан бири унда таржимон томонидан ҳар бир шоир тўғрисида ҳозирги замон адабиётшунослиги ютуқларига асосланган ҳолда келтирилган қисқача маълумотлардир. Уларда Давлатшоҳ маълумотлари тарихий ва илмий манбалар асосида тўлдирилди ёки уларга аниқлик киритилди, китобхонларга шоирлар ижодий меросининг турли қўлёзма фондларида сақланиб келинганлиги ҳақида бой маълумот берилди.

Назаримизда, «Шоирлар бўстони» таржимасида асар тили ҳозирги замон ўқувчисига тушунарли бўлиши билан бирга, унда XV аср адабий тили хусусиятлари ҳам акс этган.

Шу ўринда айрим танқидий мулоҳазаларимиз ҳам бор. Тақрирадаги шеърини намуналари таржимаси юқори савияда бўлишини истар эдик. Масалан, уларда сакталықлар мавжуд. Умумий тарих ва аънаваларга эга бўлган форс-тожик ва ўзбек адабиёти намуналарининг таржимасида ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан аслига яқин бўлишга эришиш, айнисича, зарур. Шунинг учун аввал шеърини парчаларининг асл нусхасини, сўнг уларнинг таржимасини келтириш мақсада мувофиқ Шеърини таржималарининг аксария-

билади ҳам. У қушлар, ҳайвонлар табиқини яхши билади. Отнинг вафодорлиги тасвирланган, бургутни овга қандай ўргатиш борасидеги саҳифалар гоёт таъсирли чиққан.

Қиссада гўзал Турбат ва Тешиктош манзаралари қаҳрамонлар руҳиятининг ёрқинроқ очилишига тўла бўйсундирилган. Тўйлар, маросимлар тасвири шеърдай ёқимли. Асарнинг тили ширали ва образли. Бу ўринда муаллифга етук шоирлиги қўл келган, албатта. Ҳожатсиз тузилган айрим кесими олдинда жумлаларни ҳисобга олмаганда, ёзувчи нутқи шонрона жозибали, сингишли; халқчил ибора, мақол ва маталарга бой. Персонажлар нутқи эса қарий ҳар қайсиси ўз индивидуаллигига эга; уларнинг нутқлариде характер ва кейфиятлари яққол сезилиб туреди.

«Тти зогора қиссасини кўпгина кўзга кўринган олим ва танқидчиларимиз ўзбек адабиётда сўнгги йилларда қўлга киритилган муваффақиятлардан бири сифатида баҳоладилар. Биз бу фикр-мулоҳазаларни қўлаб-қувватлаймиз».

**У. МУҲИДДИНОВ,
Д. МҲМИНОВА.**

филология фанлари кандидатлари

ҳа. ягона қўлёзма ҳолида қолиб келмоқда. Ушбу соҳада Б. А. Ваҳובהва ҳали синналмаган йўлдан юришга тўғри келган. Урта аср фалсафий рисоалари қанчалык мураккаб ва тушуниш қийин тил билан ёзилганлиги, айнисича бу тил қадим араб тили эканлиги ёдда тутилса, бу ишнинг гоёт сермашққат эканлиги ўз ўзиндан маълум бўлади. Масалан, «Таърифлар ҳақида рисола»ни эслайлик. Б. А. Ваҳובהва фалсафий тушунчалар ва категорияларга бағишланган ушбу мураккаб ва ҳанузгача таҳқиқ этилмаган асар устида чакана бош қотирмаганлиги билиниб турибди. Натизжада у нафақат рисола мазмунининг иҳчам, бироқ тўлақонли таҳлилинини берган, балки китоб ҳажми йўл қўйган даражада терминологясини ҳам аниқлаб олган ва ҳар бир терминга муносиб эквивалентлар топиб ишлатганки, бу билан муаллиф жуда оғир вазифанинг уйдасидан чиққан, дейиш мумкин.

Аллоганинг «Фалсафа фанлари таснифига доир рисола» асари тавсифини ҳам ушбу сирага қўйиш мумкин. Бу ерда ҳам муаллиф қўлёзма яхши билишини, матн мазму-

экан. Давлатшоҳнинг унга бағишланган қисқачагина маълумотидаги «сабру қаноатни халқдан ўрганди» сўзларидан теран маъно англаш мумкин.

Хуллас, Давлатшоҳ Самарқандий ижод аҳли вақилларини уларнинг қайси синф ёки социал табақага мансуб эканлигига қараб эмас, қуқроқ уларнинг маънавий қиёфаси, шеър ва шуарога муносабатига қараб баҳолайди. XIV асрда ўтган улкан шоир, дунёвий адабиёт намоян-даси Носир Бухорийнинг шоирлик иқтидори, инсоний фазилатларига тақрирада юқори баҳо берилган. Шоир асарлари халқ орасида севилиб ўқилишининг сабаби, тақриранависининг фикрича, унинг «фақирона сўзлари қалбга етиб» боршидадир. Носир Бухорий катта истеъдод соҳиб бўлиши билан бирга, ниҳоятда камтар, дарвинсона ҳаёт кечирувчи, биргина китобни ҳақиқий бойлик деб билувчи киши эди. Давлатшоҳ Самарқандий бу шоир ижодидан унинг руҳий дунёсини тўғри намоян эга олувчи мисраларни мисолга келтиради.

Тақриранавис шоирлар ижодини ёритишда уларнинг асарлари Улуғбек ҳузурда ҳам эътибор топанги, ўқилганига аҳамият беради. Бу унинг Улуғбек каби маърифатли, ўз дуврининг илгор фикри намояндаларини фаолиятга ҳурмат билан қараганини кўрсатади. Жумладан, Сайфиддин Исфаҳоний, Амир Хусрав Дехла-

салан, Гинбург (14-бет)—асли шундай фамилияни ёки Гинцбургми, Абу Сид (18-бет) ўзи тўғрми ёки Абу Саид ёзилиши керакмиди — билиб олиш анча қийин.

Китобда бошқа жузуйий хатолар ҳам учрайди. Масалан, ҳозирги замон термини бўлиши «телепатияни» Ибн Сино асарида нисбатан қўллас (55-бет) тарихийликка хилоф кўри-нади.

Лекин бу танқидий мулоҳазалар Б. А. Ваҳובהва китоби қимматини ёқиб камситмайди. Ҳар бир олим у ёки бу қўлёзмага тадқиқ этишга киришадан олдин каталогларга му-рожаат этиши табиқий эканлиги ва биринчи йўналиши улардан олишини кўзда тутсақ, ушбу китобнинг ниҳоятда фойдали ва зарур эканлиги янада ёён бўлади.

Ушбу тақриз қилинётган китобнинг босилиб чиқishi билан, ниҳоят, ўқувчилар қўлида Абу Али ибн Сино асарларининг Шарқшунослик институти фондида сақланган барча асарларининг мукаммал тавсифи яратилди, деб ҳисоблаш мумкин.

Энвер ХУРШУТ

тида асл нусха руҳи тўғри ифодалаб берилмаган. Чунончи, Рудакийнинг машҳур қасидаси «келмоқдадир», радифи билан таржима қилинган. Замонавий таомилдаги «келмоқда-дир» сўзи Рудакий асари руҳига мос тушмайди, уни сохталаштиради. Бунинг устига таржимада жуда мавҳум байтлар ҳам талай: Гарчи негидир анчайин Жайхун суви, От белдан безиён келмоқдадир.

Бу мисраларда сўз сўзга қовушмайди. Албатта, сув отнинг қоридан келиши мумкин. Лекин таржимон «сув отнинг белдан келмоқда» деб айтаётгани қизиқ. Таржимон отни икки орқа обғида тикка турганлиги ни назарда тутган ҳолда шундай деб таржима қилган бўлса керак.

Бундай сифатсиз таржималарни яна келтириш мумкин. Бинобарин, Сулаймон Раҳмоннинг таржималари Давлатшоҳ Самарқандий шеърини саянтийнинг юксак намуналарни сифатида келтирган мисолларни эл кўзида обрусилантларида ва «Шоирлар бўстони» китобига соя туширади.

Аммо бизнинг шеърини таржима хусусидаги фикрларимиз асосий таржимон, олим Буривий Аҳмедов ижодий меҳнатини заррача камситмайди. Биз унга келгуси ишларида улкан муваффақиятлар тилаб, «Шоирлар бўстони»нинг янада тўлиқ ва шеърини таржималар нукта назаридан мукаммал нашрини кутамиз.

Равно НУРМАТОВА,
филология фанлари кандидати

Партия ва ҳукуматимиз республикада физкультура ҳаракатининг оммавийлигини ҳамда спорт маҳоратини ошириш учун доимий гамаҳурлик кўрсатиб келаётди. Кейинги йилларда спортга эътибор янада кўчайди.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг шу йил 3 февралда республика спорт жамиятлари ва ташкилотларининг вакиллари, министрликлари ва идораларининг раҳбарлари билан, етакчи спортчилари билан учрашуви фикримизнинг ёрқин намунаси.

Ш. Р. Рашидов учрашувда сўзлаган нутқида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарори партия, совет, каба саба союз, комсомол, спорт ташкилотларининг коммунизм бинокори — совет кишини ҳар томонлама айғун тарбиялаб вояга етказиш соҳасидаги жангвор иш программаси бўлиб қолганлигини таъкидлади, дейилади УзТАГ ахборотида.

Бу соҳада республикада кўп иш қилинмоқда. Кейинги вақтларда Тошкентдаги теннис саройи, таълим-машқ ахлағи ва велосипед трени, Самарқанддаги қайиқ эшиш канали, Фарғона, Андижон, Намангандаги, Шовот, Тўрткўл, Пахтачи районларидаги спорт комплекслари сингари ноёб иншоотлар қурилди...

Ш. Р. Рашидов ўтган мавсумда олий лигада фахрлий олтинчи ўринни олган «Пахтакор» командасининг футболчилари ва тренерларини муваффақият билан сэмимий табриқлади.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Х. Абдулаева хозир бўдилар.

1983 йилнинг 13 январь кuni Ўзбекистон спортчилиги ҳаётида яна бир катта воқеа юз берди. Шу кuni республикада ҳаётида биринчи марта чанги учиш бўйича Бутуниттифоқ спорт мусобақасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди, хушманзара Чимён тоғида мамлакатимиз чангичиларининг мардлик ҳамда маҳорат баҳси бошланди. СССР кубоги учун курашнинг навбатдаги икки тур ўйинларида қатнашиш мақсадида бу ерга 150 нафар моҳир чангичилар ташриф буюрган эдилар. Совриндорлик баҳсида 11 команда, жумладан «Спартак», «Труд», «Буревестник», «Зенит», «Локомотив», «Урожай», «Меҳнат резервлари», «Динамо», СССР Қуrollи Кучлари ҳамда Кўнгилли спорт жамияти терма командалари иштирот этдилар. Республикадаги терма командаси аъзолари ҳам мухлисларни мамнун этишга ҳаракат қилдилар. Улар орасида разрядлилар, мастерликка номзодлар ва бир спорт мастери қатнашдилар. Ҳамюртларимиз республикадаги спорт шухратини химоя қилиш учун беллашадилар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, чанги учиш республикада спортнинг кам ривожланган тури ҳисобланарди. Кейинги вақтларда спортнинг бу турига алоҳида аҳамият берилди.

Чимёнда Бутуниттифоқ қишки спорт мавсуми тантанали очилган кuni республикада қурилган биринчи тоғ стадионининг ҳам очилиш байрами бўлди. Тоғ спорти байрамида КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзоллигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Н. Х. Худойбердиев, Н. Н. Маҳмудова, Л. М. Мелкумов, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдулаева, Қ. А. Аҳмедов, В. К. Михайлов, М. Т. Турсунов ўртоқлар қатнашдилар.

Серкўёш республикадаги пойтахти яқинидаги Чимён тоғи этакларида қурилиб, илк беллашувлар бошланган тоғ стадиони Иттифоқимиз миквсидигагина эмас, халқаро мусобақалар ўтказиш талабларига ҳам жавоб беради. Тоғ спорти байрами арафасида мавжуд минг метрлик осма смирарқондан ташқари бирининг узунлиги 1200 метр, иккинчисининг узунлиги 1600 метр бўлган яна иккита ана шундай баландликка чиқарувчи востна ишга туширилди.

Мазкур осма смирарқон йўлларини қуришда Новосибирскдан келган «Союзлифмонтаж» монтажчилари бригадаси ғайрат кўрсатдилар. Ленинград «Экскаватор» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Қуйбишев шаҳар металл конструкциялари заводи коллективлари эса новосибирскликларга яқиндан ёрдам бердилар. Осма йўл 72 жудфт ююшқор ўриндик билан таъминланди. Тепаликда шинам уйчалар тикланди.

чангичиларни эса «Главредазирсовстрой»нинг азаматлари мосладилар, электрлаштирдилар, радиолаштирдилар ва телефонлаштириш ишларини амалга оширдилар.

Шунингдек, Чимёнда меҳмонларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилди. Ҳар бир тўққиз қаватли учта меҳмонхона мусобақа судьялари ҳамда спортчилари ихтиёрига бериб қўйилди. Ошхоналар, ресторон ва барлар меҳмонлар хизматига бўлди. Оқиқ саҳналарда санъаткорлар билан бадий ҳаваскорларнинг чиқишлари уюштирилди. Чунончи, «Шодлик» ансамбли санъаткорлари мусобақа иштирокчиларига ўз маҳоратларини намойиш этдилар. 10 минг чангига мўлжалланган прокат пункти чанги ишибозлари ва дам олувчилар талабини адо этиб турди.

Чимён тоғи этакларида бунёд этилган чанги учиш спорти комплексида спортчиларининг беллашуви ўн кун давомида қизгин борди. Бешинчи тур баҳслари 13 январда аёллар ўртасида гигант слалом мусобақаси билан бошланиб, 14 январда эркаклар ўртасида гигант слалом, 15 январда аёлларнинг слалом пойғаси, 16 январда эркакларнинг слалом беллашуви билан ниҳоясига етказилди. Олтинчи тур баҳслари аёллар ўртасида гигант слалом мусобақаси билан бошланиб, 21 январда эркакларнинг гигант слалом пойғаси, 22 январда аёлларнинг слалом беллашуви, 23 январь кuni эркакларнинг слалом баҳси билан якуланди. Аёллар ўртасида Чусовое шахридаги олимпиада резервлари мактабининг талабаси Татьяна Великоредчанинага тенг келадиган чангичи қиз топилмади. У чанги учиш турларидан слалом ҳамда гигант слалом мусобақаларида юксак маҳорат кўрсатиб, тўрт марта биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса уфалик Галина Каримова билан Елена Бухтияровалар бўлишиб олдилар. Эркаклар ўртасида

да эст-камелогорс шаҳридан келган Сергей Степанов энг юқори натижага эришди. Львовлик А. Баябин билан Кировский А. Дружинилар иккинчи ҳамда учинчи фахрлий ўринларни эгалладилар. Белорещилик спартакчи Ольга Логинова, Кировский Игорь Кордияко, солдат Михаил Тимофеевлар ҳам ўз маҳоратларини намойиш этиб, мутахассисларни ва мухлисларни беҳад мамнун этдилар.

Республикадаги чангичилари ҳам бу беллашувларда қатнашиб, ўз маҳоратларини оширишга эришдилар. Спорт мастери Аноркул Фойлов билан Виталий Предниковлар марра чизғини муваффақиятлик кесиб ўтиб, мухлисларга умид уйғотдилар. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, республикадаги чангичилари Чимёндаги беллашува ўтган мусобақаларга нисбатан анча яхши қатнашганлар.

Шундай қилиб, мамлакатимиз биллур соврини учун СССР Кубоги ўйинларининг V—VI тур баҳслари Чимёнда якуланиб, VII—VIII тур ўйинларини давом эттириш мақсадида спортчилар Львов областига йўл олдилар. Бироқ бу билан Чимёнда очилган тоғ стадиони мухлислардан бўшаб қолмади. Шу йил 23 февраль кuni у ерда социалистик мамлакатларнинг «Дустлик» халқаро турнири байроғи кўтарилди. Бу Урта Осиёда биринчи халқаро турнир мусобақаларининг ўтказилиши эди.

Кўриниб турибдики, Чимён дам олувчи ёки оддий тоғ-чанги қизқувчиларнинг кўнгилочар жойи бўлибгина қолмасдан, халқаро турнирлар ўтказиладиган ҳамда жаҳон спортчилари баҳслашадиган ажойиб масканга айланди. Шунинг учун ҳам икки катта спорт байрами иштирокчиларини хушнудлик билан қутиб олиб хайрлашар эканмииз, уларга: «Чимён тоғи стадионида яна кўришгунча!» дея келгуси учрашувларга ишонч билдириб қоламиз.

М. ЭРГАШОВ



Чимёнда ўтказилган тоғ чангиси мусобақаларида пермлик Татьяна Великоредчанина тўрт марта голик қилди. У «Динамо» командаси коллективининг СССР кубогини эгаллашга муносиб ҳисса қўшди. Татьяна «Совет Ўзбекистони» газетасининг эсалик совринини ҳам қўлга киритди. Суратда: Тоғ чанги мусобақаси голиблари — Е. Бухтиярова (чапдан), Т. Великоредчанина, Г. Каримова.

А. Тўраев фотоси





Анвар МУҚИМОВ

ҲАММА ГАП АЙТИБ БЎЛИНДИ

ИНТЕРМЕДИЯ

Президиумда икки-уч киши ўтирибди. Бир киши минбардан гапиряпти.

Нотиқ. Шундай қилиб, ҳурматли ўртоқлар, иш вақтини тежаш масаласи умумий йиғилиш муҳокамасига қўйилиб, жуда тўғри қилинди. Чиндан ҳам ишчи ва хизматчиларнинг вақтини тежаш масаласи — ниҳоятда муҳим ва аҳамиятли масала. Бу тўғрида докладчи, қўшимча докладчи ва музокарага чиққан ўртоқлар батафсил тўхталдилар. Нотиқлар бир оғиздан таъкидлаганларидек, ишчи ва хизматчиларнинг вақти қанча кўп тежалса, улар учун шунча кўп бўш вақт туғилади. Ишчи ва хизматчилар ана шу бўш вақтларда газета, журнал ёки ўз мутахассислигига доир адабиётлар ўқиши, радио тинглаши мумкин. Шу тарика ишчи ва хизматчилар қанча яхши дам олсалар, уларнинг иш унуми шунча ортади. Булар ҳам атрофлича таҳлил этилди. Бироқ, ишчи ва хизматчилар тежалган вақтларида телевизор томоша қилиши мумкин, деган гапга қўшилмайман. Эҳтимол айрим ўртоқларда ҳозирча телевизор йўқдир. Мана бу масала тўғрисида ҳеч қанақа гап бўлмади.

Нотиқ ўтиради. Мажлис раис ўрнидан туради.

Мажлис раис [залга қараб]. Навбатдаги сўз Тошматовга. Тайёрлансин Эшматов.

Тошматов [минбарда]. Ўртоқлар, қимматли касбдошлар! Муҳокамага қўйилган масала юзасидан ҳамма гап айтиб бўлинди. Ишчи ва хизматчиларнинг вақти тежалса, уларнинг маданий ҳордиқ чиқариши...

учун шароит ажудга келиши мумкинлиги бугунги сал кам тўрт соатлик мажлисимизда ҳар томонлама таҳлил қилинди. Бироқ, баъзи ишчи ёки хизматчилар маданий ҳордиқ чиқариши истамаса-чи? Тежалган вақтни уй-рўзгор ишларига сарфлаши, айтайлик, рўзгорнинг кир ювиш, нон ёпиш соҳалари бўйича турмуш ўртоғига, яъни умид билан бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоғига ёрдамлашига бағишлашни хоҳлаб қолса-чи! Масаланинг мана бу томони очилмай бўш қолди, ўртоқлар!..

Тошматов минбардан тушади. Раис ўрнидан туради.

Раис. Сўз ўртоқ Эшматовга. Тайёрлансин Эшматов.

Эшматов. Биз бугун жуда муҳим масалани муҳокама қилдик. Ростдан ҳам ишчи-хизматчиларнинг вақтини тежаш жуда катта аҳамият касб этади. Чунончи, юқорида айтиб ўтилганидек, ишчи ва хизматчиларнинг вақти қанча кўп тежалса, шунча яхши. Бунда ишчи ва хизматчиларимиз ўзларининг тежалган вақтлари, да газета, журнал, бадий адабиётлар ўқишда, радио тинглашда, уй-рўзгор ишларига қарашинида фойдаланишлари мумкин. Аммо унинг уй-рўзгор ишлари йўқ бўлса-чи! Масалан, бирор эркак ишчи ёки хизматчининг хотини нонни мағазиндан сотиб олса, кийимларини кир ювиш машинасида ювса ёки маъшии хизмат кўрсатиш комбинатига топширса, унда нима бўлади? Масаланинг мана бу томонлари ҳақида ҳеч қанақа гап бўлмади! Бу ерда касабга союз аъзолари тежалган вақтларида радио тинглашлари ҳам мумкин, дейилади. Лекин айрим ишчи ёки хизматчининг радиоси бирор сабаб билан бўлиб қолган бўлса-чи? Бундай кўнгилсиз ҳолларда у тежалган вақтини қандай қилиб радио тинглашга сарфлай олади?! Масаланинг мана бу жиҳатлари эйтибордан четда қолди, ўртоқлар!..

Эшматов минбардан тушади. Раис ўрнидан туради.

Раис. Сўз ўртоқ Эрматовга. Тайёрлансин Нурматов.

Эрматов. Ўртоқлар, азиз касабга союз аъзолари! Муҳокама қилинаётган масала юзасидан ҳамма гап айтиб бўлинди. Чунончи, ишчи ва хизматчиларнинг...

Шу пайт мажлис раиснинг олдидаги телефон жиринглайди. Эрматов гапдан тўхтади. Раис телефон трубкасига: «хўп, хўп» дейди-да, шовиб ўрнидан туради.

Раис [залга]. Кеҳирасизлар. Тезда бошлиқнинг олдида етиб бориш керак экан. Бугунги масала юзасидан ҳамма гап айтиб бўлинди. Аммо масала моҳият эйтибори билан ниҳоятда муҳим бўлганиги тўғрисида унинг муҳокамасини эртага яна давом эттирамиз. Мажлис эса очик қолади...

Бир нарсага доим ҳайрон бўлиб юрардим: умуман, лақабни кимлар кўяди? Нега кўяди?..

Кейин билсам, бунга одамларнинг ўзлари ҳам сабаби бўлишаркан. Мана ҳамқишлоғимиз Шодивойнинг қай вақдан лақаб орттириб олганини эшитинг.

Шодивой шофёр. СельПО мудирини олиб юради. Шодивой анчадан бери: «Бизам одам бўлиб бир тўй қилмоқчимиз, Тошкентдан зўр артистларни олиб келамиз», деб юрар эди. Яқинроқ одамларига эса «Бел бақувват» деб керилиб кўярди. Ниҳоят, пахта йиғим-теримидан сўнг у икки ўғлини суннат тўйи қиладиган бўлди. «Ният қилганман» деб шарҳлик хонанда-созандаларга закат ҳам бериб келди. Бир дўстига эса аскиячиларни олиб боришни топширди. Барча тайёргарликлар битди чоғи, тўй бошланди.

Ҳаво ташлаб қолмасин деб қолхонинг саккиз сотих ерини тахта билан ўради, теласини брезент билан ёнди. Тўйдан бир кун олдин ишхонадагиларга «хамир учидан пасти» тарзида катта зифат берди. Базм кунни очик майдонга фўзлпўчоқ тўшалиб, катта кураш мусобақаси ўтказилди. Кураш совринига бир кўй, битта телевизор, магнитофон, учта радиоло ва бир нечта тўн тиккиди.

Коронги тушиши билан ҳамма дастурхонга ўтирди. Столларда қушинг сундан бўлак ҳамма нарса бор эди. Ичимликлар «коллекция»-сидан ташқари ўртадаги устун атрофида ҳам яшиқ-яшиқ ароқ, қонак, шампан винолари қалаштириб ташланган эди.

Базмини туя лақабли бир киши очди. Унинг тутурусиз гаплари, баъқана «ҳанда»лари ҳамманинг энасини қотирди. Базм асносида у ҳали хонандаларга чой тўтиб, ҳали хирилдоқ овоз билан ашула айтиб, даврани совутди. Кимдир «дадаси ҳофиз бўлса ҳам ўғлининг оғзига тулпаман экан», деб атрофдагиларни қулдирди.


— Навбат яна санъатчиларга!..

Саяк отарчиларнинг чеккасига қистирилган эллиптик, йиғирма бешталиқ, ўнтаклиқлари гоҳ доирачилари, гоҳ ўша расмлик қилувчи сидириб, чўнтакка уришарди. Бембо ҳаракатлар билан борлигини намоиш қиладиган аллачи қиз эса ҳар кимнинг олдида келиб муқом қилар, таъма билан жилпанглаб турарди.

Гал аскияга келди. Ҳалиги «универсал» одам билан алландай «дўхтир» лақабли одам ўртага тушди.

— Аскиядан олдин бир кулгининг реакциясини кўрайлик-чи, — деди дўхтир. У алландай сийқаси чиққан, бемеза шеърий парчалар, «кал пашшани кўндирмайди, пашша

кални тиндирмайди» каби металллар айтиб ҳамманинг энасини қотирди. Кейин «кино паирови» бошланди. Паировда ҳурматли кишиларнинг номларини салбий маънода ишлатиб, ўта фаросатсизлик қилишди. Гап орасида каттаси: «Билганлар, тўйга дўхтирни олиб келибди, дейди, билмаганлар Насриддин эшаги билан келибди, дейди» деса кичиги пойинтар-сойинтар гапириб ўзлари қулишади. Ваҳоланки, бундай бемазналик, даврада оғизга келганини ўй-



Н. ИБРОҲИМОВ мизган расм

ламай гапиравериш ҳозирги кунда одамларни қулдирмайди, балки газабини келтиради. Қолаверса, бундай бақана гаплар қалқ севган лутф ахллари — аскиячилар шаънига ҳам инсон.

Шундай қилиб базм ярим кечада беш-ўнта маст-алест ёшларнинг муштлашиши билан туғади. Муштлашганлардан бири номдор ҳофизлардан бирининг ўғли эканлиги биллинди. Эртасига бир юз йиғирма кило гуруч дамлаб етти маҳаллага ишо тортилди. Уттизлаб тўн кийдирилди, қанча-қанча қўйлақ, газлама, кийиклар улашилди. Қассобнинг гапига қараганда бир от, икки навос, беш қўй сўйилбди.

Тўй ҳам бўлиб ўтди. Шодивойнинг белидаги «қувват ҳам кетди. Шодивойнинг аввалги гариллашлари туғаб, ўзи бир аҳволда сўлжайиб қолди. Тўйдан кейин у ўтирса-турса: «вой беллим», дейдиган бўлиб қолди. Бу сир олдин қўни-қўшниларнинг, кейинроқ эл қулгога етди. Шу тарика ҳамма уни «Шоди белим» деб аташадиган бўлди.

Айниддин ЗАЙНИДИНОВ

— Сурмахон ҳеч кимни киритманг, биз муовин билан мусобақа мажбуриятларини қабул қиляпмиз.



Изоҳнинг ҳожати йўқ.

А. ХОЛИҚОВ чизган расмлар



Тўт: — Ободончилик бошқармаси! Тезда етиб келинглар, меваларим пишай деб қолувди, шохимга болта уришяпти!

ҲУЗУРЖОН

ҲАЖВИЯ

Деҳқонбой ака келганда тўй авжида, ёшликдан тепкилашиб ўсган қадрдони Улжабой ака маҳаллага ош бермоқда эди. Тартиб билан кўйилган стулларда меҳмонлар чақчақлашиб ўтиришибди. Девоорга қочқилган чўғдай гиламда пахта билан ёзилган: «Эллик ешингиз кутлуг бўлсин, муҳтарам Улжабой ака!» деган сўзлар товланади.

Ош тортилиб, меҳмонлар эндигина лаганга қўл чўзган пайтда ҳамма тўсатдан жим бўлиб қолди. Хонандалар ашулани калта қайириб, ликопчани хонтахтага қўйишди. Меҳ-

монлар лагандан қўлларини тортиб, бошларини кўтаришди. Халойиқ кўчага қаради. Муюлишга келиб тўхтаган олча рангли «Волга»дан китоб кўлтқиладан луччак шафтолидай силлиқ йигит тушиб, виқор билан атрофга алангларди. Ясатиғлиқ стол ёнида чой ичиб ўтирган қариялар ҳурмат билан қўлларини кўксиларига қўйиб, ўринларидан туришди. Дўмбоқ йигит беписанд тиржайиб, кимнидир қидирарди. Ҳовлида хизматчиларга иш буюриб юрган маҳалла комиссиясининг раиси Зарифжон ака унга кўзи тушиши ҳамона ваҳима билан:

«Улжабой ака!» деб бақирди-да, жон-жаҳди билан меҳмон истиқболига югурди. Оғзи кулоғига етган Улжабой ака айқндай лапанглаб бориб, силлиқ йигитнинг ўнг тирсагидан ушлади, Зарифжон ака чап тирсагидан тутди, кейин икковлон эътиборли меҳмонни тўрға етаклади. Ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетди. Халқ гурра ўриндан турди. Нима гап эканлигига тушунмай гарангсиб қолган бир қария ўриндан тураётиб, шовшганидан чойнакни ағдариб юборди, кейин қўполлигидан дижолат бўлиб, йўталиб қўйди. Уриндан туролмай ўтирган бошқа бир чол ўзига нафрат билан тикилиб турган силлиқ йигитга қузи тушиб, узр сўрагандек илжайди. Деҳқонбой ака эса пинагини бузмай, бепарво ўтирарди. Унинг ёнида муллавачақдай кўл қовуштириб турган қария елкасига туртиб, қузи билан ишора қилди:

— Ҳой, сизга нима бўлди, туринг ўринингиздан!

Деҳқонбой ака ошга бемалол қўл узатиб, унга ўтирилди.

— Утиринг-е, ош маҳтал бўлиб қолди.

Деҳқонбой аканинг шериги астойдил хафа бўлди.

— Қаранг, олпоқ соқолли қариялар қўл қовуштириб туришибди-ю, сиз ўринингиздан кўзголоммайсиз?! Уят эмасми?

Деҳқонбой ака оғзида ош, палафда овоз билан деди:

— Қизик экансиз-ку, биродар. Нима учун ўғлим тенги гўдакка ўрнимдан туришим керак?

Силлиқ йигит тўрға чиқиб, жойлашиб олгач, бошқа меҳмонлар ҳам бирин-кетин турирди. Силлиқ йигит кўлидаги китобни варақлай бошлаган эди, ёнида ўтирган киши қизиқиб сўради:

— Домла, кечирасиз, китобни ўзингиз ёзганмисиз?

— Ҳа.

Савол берган киши бўйинини чўзиб китобга тикилди.

— Наҳотки, машҳур олим Луқмонов сиз бўлсангиз?

Йигит «хокисорлик» билан қўлини кўксига қўйди:

— Шаҳсан ўзлари...

— Мен бир нарсага тушуна олмаяман: китоб йигирма йил аввал ёзилган экан, сиз эса жуда ёш кўринасиз?

Силлиқ йигит китобни қайтиб олаётиб қилди:

— Ҳазиллашдим, китобни паҳан ёзган, фамилиямиз бир бўлгандан

кейин китоб иккаламизники бўлди-да, брат!

Юзларидан қон томиб турган семиз киши йигитга ҳурмат билан чой узатиб, хушомад билан сўради:

— Акажон, сизни бир ерда кўргандайман, мабодо ошхоналар трестининг бошлиғи Намозовнинг қуёви эмасмисиз?


— Жуда паст кетдингиз, оқсоқол,— деди ранжиб силлиқ йигит,— наҳотки, академик Луқмоновни танимадсангиз? У киши бизнинг паҳан бўладилар-ку, ахир!

Чой узатган семиз киши йигитнинг гапига тушунмай, анграйиб қолди, ёнида ўтирган бақалок йигит унинг биқинига туртиб, қузини қисди. Ҳамма баб-баробар лаганга қўл чўзд. Кўюк-суюк овқатдан кейин меҳмонлар қўзғалишди. Деҳқонбой ака ҳам ҳамсоясига билан бирга ўрнимдан турди.

— Бояги йигит ҳақида гапириб бермоқчи эдингиз,— деди Деҳқонбой аканинг шериги кўчага чиққанларида.

— Ҳаммани эсанкиратиб қўйган йигитнинг исми— Ҳузуржон,— деб хикоясини бошлади Деҳқонбой ака қўлини орқасига олиб.— Қизим тушган маҳаллада туради. Ёшлигидан биламан. Дунёнинг ишларига ҳайрон бўласан баъзча. Тупла-тузук, ақлли-хушли оилада бемаъни фарзанд туғилади, умр бўйи ота-онасини кўйдириб ўтади... Ҳузуржоннинг отаси дарҳақиқат катта олим, академик... Китоблари ҳатто чет элларда ҳам босилган, бутун ҳаётини илмага бағишлаган инсон. Ана шундай одамнинг ўғли, тамоман бошқача бўлиб қиқди. Умрида бир лақирлик иш қилмаган Ҳузуржон кўпдан бери тўй-тўмоқларда отасининг обрўсини пеш қилиб тўрға ўтади. Димоғи кўтарилиб кетган. Ота обрўси унинг мулки. Мажлис-йигинларда: «Бизнинг бобой мана бунча илмий китоб ёзган» деб керилади, баъзан ичиб олса «илхоми жўш уриб» кетганда, отаси номидан гапириб юборди... Унинг гапини эшитган кишилар отасининг ҳурмати учун индамай қўя қолишади... Отасига қўйилган бюст ёнига қизлар билан бориб, суратга тушади. Академик Луқмонов гўё ўзи. Кўза кунда эмас, кунда синар деган гап бор, олимнинг мероси— халқники, Ҳузуржонники эмас-ку! Ота Ҳузуржон ҳузур қилсин деб меҳнат қилган эмас, ахир!

Абдулла ҚОЗОК



КАРЛИХАНОВ. Қуш билан суҳбатлашаётган қиз.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли раққоса Малика АҲМЕДОВА.**
(23-бетдаги «Шаффоф туйғулар» сарлавҳали мақолани ўқинг.)
Н. ШАРИПОВ фотоси

Зарварақнинг 1-бетдаги Гафур ГУЛОМ расмининг расмом **Ф. АБДУРАҲИМОВ** чизган. [1973.] 3-бетдаги **ГАЙРАТИЙ** расмининг расмом **К. МОЛТИНОВ** чизган. [1974.]

Тўртинчи бет. **Н. ГАЛИЕВ.** Нон. Эл дастурхонига! Кўклам келди, чигит эки! **[ПЛАКАТЛАР]**

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

3-СОНДА БОСИЛГАН «БАҲОР» ЧАЙНРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Чақмоқ. 2. Қизгалдоқ. 3. Қовоқ. 4. Қурултой. 5. Ыўнғичча. 6. Атиргул. 7. Луб. 8. Богбон. 9. Наврўз. 10. Зогча. 11. Ажриқ. 12. Қайин. 13. Нашида. 14. Амал. 15. Лайлак. 16. Куртан. 17. Каштан. 18. Наргис. 19. Сумалак. 20. Капалак. 21. Камалак. 22. Карам. 23. Маймунжон. 24. Нўхат. 25. Табнат. 26. Тўти. 27. Ишқом. 28. Мош. 29. Шафтоли. 30. Илдиз. 31. Зира. 32. Адиқ. 33. Ровот. 34. Чингит. 35. Тут. 36. Тариқ. 37. Қалдирғоч. 38. Чинор. 39. Резавор. 40. Раъно. 41. Отқулоч. 42. Қўноқ. 43. Қораялоқ. 44. Қандак. 45. Қашнич.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош расмом), Маҳмуд МУДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ (масъул секретарь), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ, Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ

«Гулистон» ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адрессиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефони: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333580; масъул секретарь — 325833; ыятимой-сийёий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда расмомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 15.02.1983 й. Босишга руҳсат этилди 21.03.1983 й. Р.—07136. Қоғоз 70×108½. Ботиқ-усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5.6. Наҳр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 246430. Вуюртма 175. Наҳр М.—115.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700000, Тошкент. ГСП. «Правда Востока» кўчаси. 26



СССР 60 йиллиги номидаги Бухоро Тўқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ташкил этилган «Лола» ашула ва рақс ансамблининг қатнашчилари Мубошира ЭРГАШЕВА (чапда), Сайёра МУҲАММЕДОВА, Шоира ЮНУСОВА ўзаро суҳбатлашмоқдалар.


А. Мирзажонов фотоси

Ўзбекистон телестудияси ҳузурида ташкил этилган Интернационал дўстлик клубида адабиёт ва санъат намояндалари ҳамда бошқа касб эгалари билан бўладиган учрашувлар ҳамиша қизиқарли ўтади. Суратда: Ўзбекистон Ленин комсомли мукофоти лауреати, актриса Тамара МАҲКАМОВА пойтахтимиздаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ҳиндистонлик студент-ёшлар билан суҳбатлашмоқда.





ЭЛ
ДАСТУРХОНИГА!
К ВАШЕМУ
СТОЛУ!



КУКЛАМ КЕЛДИ,
ЧИГИТ ЭК,
ҒАНИМАТДИР
БУ ОНЛАР,
ЭРТА ЭКСАНГ,
ЮКСАЛАДИ
БАЛАНД-БАЛАНД
ХИРМОНЛАР!

